O'simliklarda ro'y beradigan va noorganik uglerodni organik uglerod birikmalariga aylantirish imkonini beradigan fotosintez jarayonida ham temirning roli katta. O'simliklarda temir yetishmovchiligidan xloroz kasalligi kelib chiqadi, o'sishi sekinlashadi va xlorofill hosil bo'lishi kamayadi, ko'payib ketsa ham zarar qiladi, masalan, sholi kam don tugadi. Shu bois bunday holatlarni bartaraf qilishda o'simliklarni mikroelement tarkibli o'g'itlar bilan doimiy ravishda ta'minlab turish lozim.

Inson organizmida (70kg) o'rtacha 4,2 g miqdorda temir mavjud: 0,018% muskul to'qimasida, (0,03-3,8)? 10-2% ilikda, 447 mg/l qonda bo'ladi. Insonlar organizmida temir yetishmovchiligidan kamqonlik (anemiya) kasalligi vujudga keladi. Buning oldini olish uchun ovqat ratsionida temir moddasi ko'p bo'ladigan olma, anor, behi, sabzavotlar,dukkakli donlar, lavlagi, parrandalar tuxumi, hayvonlar jigari, tili, buyragi, talog'i doimiy ravishda bo'lishi alohida ahamiyat kasb etadi.

Temirning noorganik birikmalari bilan bir qatorda uning organik birikmalari ham muhim ahamiyatga ega. Jumladan, temirning tabiiy organik birikmasi gemoglobinning prototip shakli bo'lgan, sintetik usul bilan olinadigan ferrotsen kimyo fani uchun butun bir yangi soha hisoblanib, keng tadqiqotchilar e'tiborini o'ziga jalb qildi. Uning asosida hozirgi kunda amaliy ahamiyatga ega bo'lgan 100 dan ortiq kimyoviy birikmalar olingan. Temirning ferrotsen birikmalari asosida o'zbek olimlari A.G.Mahsumov, I.R.Asqarov, T.Y.Nasriddinovlar tomonidan sintez qilingan 10 dan ortiq biologik faol moddalar temir yetishmasligi, kamqonlik kasalligini davolashda eng samarali dori sifatida tavsiya etilgan.

Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati:

- 1.N.A.Parpiyev, A.G.Muftaxov, X.R.Rahimov. Anorganik kimyo. T.O'zbekiston - 2003.
- 2.I.R.Asqarov, K.G'.G'opirov, N.X.To'xtaboyev. Umumiyo o'rta ta'lim maktablari 9-sinflar uchun kimyo fanidan darslik.T. O'zbekiston -2019.



BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA HUQUQ VA BURCH TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISH.

Karimova Shahribon Xakimjonovna
Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani
8- mактабнинг boshlang'ich sinf o'qituvchisi
Tel: +998 99 9766866
E_mail: xamid04@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'quvchilarni huquq va burchlarini shakllantirishga va vatan oldidagi burchlarini anglab yetishga hamda ularga amal qilish va ko'nikma hosil qilishga ko'maklashadi. Pirovardida boshlang'ich sinf o'qituvchilari mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib tarbiyalanishlari haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar:Burch, majburiyat, huquq, ma'naviyat, targ'ibot, kutubxona, tashabbus.

O`zbekiston Respublikasining barcha fuqarolari qonun oldida tengdirilar. Har birimiz o`zimizga berilgan huquq va erkinliklardan foydalanayotganimizda boshqa shaxslarning, davlat va jamiyatning manfaatlariga, huquq va erkinliklariga putur yetkazmasligi shart. Masalan, har bir fuqaro dam olish

huquqiga ega. Hamma dam olayotgan vaqtida shovqin-suron solish, baland ovozda musiqa eshitish o`zgalarning dam olish huquqini buzish hisoblanadi. O`zbekiston Respublikasi fuqarolari yashash, bir joydan ikkinchi joyga ko`chish, erkin fikrlash, so`zlash va xohlagan diniga e`tiqod qilish huquqiga ega. Har bir inson mehnat qilish, erkin kasb tanlash, dam olish huquqiga ega. Yurtumiz fuqarolarining malakali tibbiy xizmatdan foydalanish, bepulta`lim olish huquqi qonun yo`li bilan belgilangan.

Har birimiz berilgan huquq va erkinliklardan foydalanish bilan birga, burch va majburiyatlarimizni ham bilib olishimiz kerak. Konstitutsiyaning 11-bobida fuqarolarning burchlari bayon etilgan. Unda har bir kishi boshqa insonlarning huquqlari, erkinliklarini, qadr-qimmatini hurmat qilishga majburligi qayd etilgan.

Xalqimizning tarixiy, ma`naviy va madaniy yodgorliklarini avaylab asrash har bir O`zbekiston fuqarosining burchidir. Shuningdek, atrof-muhitni ifoslantirmasligimiz, tabiatga ehtiyyotkorona munosabatda bo`lishimiz lozim.

Ona - Vatanni himoya qilish, tinchligini ta`minlashga hissa qo'shish har birimizning sharafli vazifamiz va burchimizdir.

Dunyoda hamma narsa tartib asosiga qurulgan. Masalan, katta ko`chada ketayotgan avtoulovlar harakatini ko`z oldingizga keltiring. Yo`l ikkiga ajratilgan va ulovlarning o`z yo`nalishi bo'yicha harakat qilishi qat'iy belgilab qo'yilgan. Agar avtoulovlar tartibsiz harakat qilsa, halokat sodir bo'ladi. Jamiyat ham xuddi shunday tartib-qoidalar asosida yashaydi, rivojlanadi. Qayerda tartib bo`lmasa, o'sha yerda buzilish, notinchlik bo'ladi. Shunday ekan, insonlar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solib turish uchun ham mustahkam qonun - qoidalar kerak. Shu jihatdan olib qarasak, konstitutsiyani jamiyatni tartibga solib turuvchi qonun - qoidalar majmuyi deyish mumkin.

O`zbekiston fuqarolarining huquq va erkinliklari;
Mehnat qilish, erkin kasb tanlash.
Dam olish.
Fikrlash, so`z va e`tiqod erkinligi.
Bepul ta`lim olish.
Malakali tibbiy xizmatdan foydalanish.



O`zbekiston fuqarolarining burchlari;
Konstitutsiya va qonunlarga rioya qilish.
Boshqa kishilarni hurmat qilish.
Tarixiy, ma`naviy va madaniy meroslarni asrash.
Atrof - muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo`lish.
Ona-Vatanni himoya qilish, harbiy xizmatni o`tash.

Burch jamiyat va davlat tomonidan belgilangan va huquqiy normalarda o`z aksini topgan talablarni bajarish zaruriyatdir. Bundan tashqari burchning o`ziga xos jihatlari bo`lib, ular quyidagilarda namoyon bo`ladi. Burch, asosan qoidalardan, axloqiy normalardan kelib chiqadi, 'majburiyat' esa aksariyat hollarda shartnoma va bitimlardan kelib chiqadi; burch shaxs tug`ulgandan to umrining oxiriga qadar davom etadi; majburiyat esa shartnomaning amal qilish davrigacha bo`ladi; shuningdek, burch davlat va jamiyat tomonidan belgilanib, uning bajarilishi talab etiladi. Burch va majburiyat bajarilmagan taqdirda ko`riladigan chora-tadbirlar turlichadir. Burch bajarilmaganda huquqiy ta`sir choralarini qo`llaniladi.

Burch - kishining biror shaxs, oila, jamoa, el - yurt, Vatan oldidagi majburiyatini anglatuvchi axloqiy tushuncha. Burchda ob`ektiv munosabatlari ifodalanadi. Ya`ni u jamiyatning ijtimoiy - iqtisodiy va axloqiy negizlari bilan belgilanadi. Burchning o`ziga xos xususiyatlari mavjud bo`lib, u insonning ichki kechinmalari, tashqaridan turib nazorat qilinmaydigan murakkab ruhiy holatini ifodalaydi. Burch inom -e`tiqod, onglilik, halollik, vijdon kabi tushunchalar bilan chambarchas bog`liq. Burch qanday vazifa, kimning oldidagi majburiyat ekanligiga qarab turlicha bo`ladi; milliy burch, ijtimoiy burch, umuminsoniy burch va boshqalar. Ijtimoiy va shaxsiy burch, oilada ota - onalik burchi, farzandlik burchi va boshqalar. Burch nisbiy tushuncha. U ijtimoiy taraqqiyot jarayonida mazmunan boyib, shaklan o`zgarib boradi. Hozirgi sharoitda yoshlarning tabiat va avlod - ajdodlar oldidagi burchi yangicha mazmun kasb etib bormoqda. Oilaviy burch esa jamiyat oldida turgan maqsadlar bilan yanada uyg`unlashmoqda. Bizda ona Vatanga, xalqqa xizmat qilish eng ulug` va sharaflı burch hisoblanadi.

Prezidentimiz I.A.Karimov Asosiy qonunimizda birinchi navbatda shaxs manfaatining davlat maansatidan ustun qilib eng oliy qadriyat sifatida muhrlab qo`ylganligini yana bir marta ta`kidlab o`tish o`rinli deb bilaman. Aynan ana shu qat`iy talabni nafaqat qonunlarimiz va huquqiy me`yorilarimizda belgilab berish, balki bu prinsipni hayotimizga tadbiq qilish o`ta muhim ahamiyatga egadir, deb ta`kidlaganlari be`jiz emas.

Men boshlang`ich sinf o`qituvchisi sifatida yuqorida aytib o`tgan fikrlarimni har bir darsning tarbiyaviy daqiqa qismida qo`llashga harakat qilaman. O`quvchilarimni maktab qonun qoidalariiga amal qilishga; darslarga o`z vaqtida kelishga, ozoda va tartibli bo`lishga, so`roqsiz dars qoldirmaslikka, hamda asosiy vazifa a`lo baholarga o`qish kerakligini ta`kidlab boraman. Hozirgi sinovli kunlarda davlatimiz tomonidan e`lon qilingan karantin davrida o`quvchilarimga uyda qolib ONLINE darslarni kuzatib borish va topshiriqlarni o`z vaqtida bajarib, karantin qoidalariiga qat`iy rioya qilishlarini telefon orqali tushuntirib, bu ham Vatan oldidagi burchlari ekanligini ta`kidlab bormoqdamen. O`quvchilarim kelajakda ona - Vatanimizni astoydil sevadigan, unga fidoiy bo`ladigan va ota - onalarini, ustozlarini hurmat qiladigan sog`lom fikrlovchi bo`lib yetishishlariga ishonaman.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YHATI;

1. Konstitutsiya kitobi.
2. 1 - 4 sinflar Odobnomal darsliklari.
3. Boshlang`ich ta`lim jurnali.



ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Дусмуродов Анвар Тураевич,
Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +998(98)3625805
E-mail: anvar-yantar@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада жиноят ҳуқуқида рецидив тушунчасини янада тacomиллаштиришинг айрим жиҳатлари келтириб ўтилган. Муаллиф томонидан жиноятларни рецидив жиноят сифатида квалификация қилиши масалалари таҳлил қилинган ва бу борадаги таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: рецидив, рецидив жиноят, хавфли рецидив жиноят, ўта хавфли рецидивист

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан тacomиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тacomиллаштириш Концепциясининг 2-бўлумида тамом бўлмаган жиноят, жиноятда иштирокчилик ва бир қанча жиноят содир этиш институтларини, уларнинг мезонлари ва хусусиятларини аниқлаштириш орқали тacomиллаштириш, шунингдек, улар ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этиш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII-бобида бир қанча жиноят содир этишнинг турлари назарда тутилган бўлиб, ушбу Кодекснинг 34-моддасига кўра, шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилиши, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, маҳсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасдан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши, шунингдек, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланishi мумкин бўлган қасдан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилиши белгиланган.

Аслида, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик билан белгилаш рецидив тушунчасини ягона талқин қилишини таъминлайди.

Жиноят кодексининг амалдаги таҳрири хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштиришни кўзда тутади. Ушбу қоида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда фойдаланиш учун сабабдир. Шунга кўра, объектив асосга эга бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳоллар жавобгарликни оғирлаштириш учун сабаб бўлади.



Масалан, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахс томонидан ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган, ваҳоланки у илгари суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилгани сабабли унинг ҳаракатлари ЖК 169-моддаси 4-қисми "а" банди билан квалификация қилинади. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этсада, лекин илгари ўта хавфли рецидивист деб топилгани сабабли ўта оғир жиноятда айбли деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида белгиланган одиллик принципига кўра, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Рецидив жиноят содир этишни Maxsus қисм нормаларида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши ушбу принципга зид бўлиб, шахсни илгари содир этган қилмиши учун яна бир бор жавобгарликни келтириб чиқаради.

Фикримизча, рецидив жиноят жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мақсадга мувоифиф бўлар эди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари назарда тутилмаган. Олдинги жинояти эҳтиётсизликдан содир этилиб, кейинги жинояти ҳам эҳтиётсизликдан ёки жиноятларнинг бири қасддан ёки эҳтиётсизликдан ёхуд ҳар иккаласи қасддан қилинган тақдирда ҳам ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинланаверади. Ваҳоланки, эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар айбнинг шакли, моҳияти ва мазмуни жиҳатидан қасддан қилинадиган жиноятлардан фарқ қиласди.

Шуни эътиборга олиб, МДҲга кирувчи ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатларда рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари назарда тутилган. Жумладан, Россия Федерацияси ЖК 68-моддасининг 1-қисмида оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноятларга жазо тайинлашда, олдин содир этилган жиноятларнинг миқдори, хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилик даражаси, олдинги жиноят учун тайинланган жазонинг шахсни тарбиялашда етарли бўлмаганлиги, хавфлилик даражаси эътиборга олинади, дейилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, хавфли рецидив жиноят содир этилган тақдирда айборга нисбатан тайинланадиган жазо миқдори шахснинг қилмиши квалификация қилинган ЖК моддасининг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги, ўта хавфли рецидивистларга нисбатан тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги керак, дейилади. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси ЖКда ҳам рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш ЖКнинг 60-моддасидан алоҳида ажратиб белгиланиши керак. Олдинги жинояти учун тайинланган жазо етарли даражада таъсир қилмаганлиги сабабли шахс яна жиноят содир этиш йўлига ўтиб олса, демак, унинг хулқининг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб кетган ва бу янги жинояти учун жазо тайинлашда албатта ҳисобга олиниши зарур. Жиноят содир қилган кишининг шахси содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан диалектик боғлиқликда бўлади. Рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг 60-моддадан ажратилиши рецидив жиноятнинг моҳиятини тушуниш ва унга қарши кураш чораларини ташкил қилиш учун ҳам муҳимдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига рецидив жиноят содир қилган шахслар учун алоҳида жазо тайинлаш қоидалари мавжуд эмаслигини инобатга олиб, рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКга "рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш" қоидаларини назарда тутувчи қуйидаги мазмундаги нормани киритишни таклиф



қиламиз:

591-модда. Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш.

Рецидив, хавфли ёки ўта хавфли рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда илгари содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, илгари тайинланган жазоларнинг жиноят содир этган шахсга таъсир кўрсатганлиги, шунингдек қайта содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олинади.

Рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Хавфли рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг туртдан уч қисмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Ўта хавфли рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг туртдан уч қисмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Қилмишни рецидив деб топишда шахснинг фақатгина 18 ёшга тўлгандан сўнг содир этган жиноятларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги соҳа мутахассислари томонидан илгари сурилган назарий таклифлар, суд амалиёти ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги тажрибасини инобатга олиб, Жиноят кодекси 34-моддаси олтинчи қисмидаги "Шахсни ўта хавфли рецидивист" деган сўзларни "Шахс томонидан содир этилган жиноятни рецидив" деган сўзлар билан алмаштириш ва уни юқорида келтириб ўтилган таҳрирда ифодалаш тўғрисида таклиф киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли "Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг 2.5-банди.

2. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. (Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр.) Умумий қисм / Тошкент: "Янги аср авлоди", 2010. Б-329.



ABOUT THE POSITIVE AND NEGATIVE SIDES OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION (ON THE EXAMPLE OF DISTANCE TEACHING)

Kim Natalya Dek-khenovna

Acting Professor, Doctor of Science (DSc)

Tashkent State University of Oriental Studies

Tel.: +998(90)3552269

E-mail: kimnd69@gmail.com

Abstract: Pedagogical technologies are broadly understood as the introduction of all kinds of methodological recommendations with the active use of innovative and information tools. The role of information technology is large, which poses new challenges for the teaching staff and approaches to training young personnel in a specific field.

Keywords: training, pedagogical technologies, information, distance learning

Pedagogical technologies in a broad sense are understood as the introduction of various methodological recommendations with the active use of innovative and informational tools. In the practical understanding of pedagogical technologies, it includes not only the above-mentioned actions, but also pedagogical skills, experience and possession of technical means. Today, it is quite relevant that in the process of the emergence and implementation of technologies, in particular, pedagogical technologies, a clear analysis and coordination of methods, techniques of traditional schools and modern methods is required. The development of new ways to improve the quality of the educational process is presented both as a condition for its improvement, and as a result of the introduction of the latest achievements of science and technology. The question is raised about finding a model of pedagogical technologies that is adequate to this development, solving the problems associated with it, developing scientific bases for systematization of professional training in teaching technology, determining a didactically correct mechanism for translating and transferring fundamental knowledge to the professional level of development.

Currently, the education system is undergoing major changes due to the active continuation of the introduction of information technologies in the educational process. Moreover, against the background of the necessary distance and isolation, events in society, the role of information technology has become dominant. Another question is whether the role is positive or negative. We will set out our vision on this issue below, undoubtedly counting on an objective assessment. So, what is the role of information technologies in the education system, their negative sides:

1) unreliability, insecurity, unscientific information provided, in particular: a) often, information is any part of the study, thus contains incomplete information or subjective position); b) the information is not protected and can easily be assigned and presented by another author (plagiarism), or is used without specifying the source (80-90% of cases), thus, the study does not exclude the failure; C) deep (analytical) studies are impossible to imagine within the capabilities of the information resources, i.e. without the necessary "live" presentation and conducting laboratory and experimental research. In addition, not every experiment will be "uploaded" to resources in order to ensure the security of information.

2) User opportunities "one on one", communication in social networks, organization of webinars, video conferences, etc. deprive the most valuable communication "live", which currently has no alternative solution. In addition, there is no relative physical



activity of the user against the background of "living nature and social environment", which, of course, plays a major negative role (the principle of "see-touch-feel-draw conclusions" is not implemented).

The positive aspects of information technologies in education, in our opinion, include the following: 1) the Availability and "selectivity" of certain sources of information and information resources by the user as the main or additional material; 2) the Ability to "without leaving home, have everything in front of you, choose the material of study or interlocutor" makes it possible to have a social and moral stability of the user. 3) Unlimited information in all industries and directions, a certain audience by interests. 4) Efficiency and scale of use (by the way, it also plays a negative role). 5) the Need for use in experimental research in order to avoid negative consequences (for example, in the exact Sciences, etc.)

In conclusion, we note that there are solutions to overcome the problems of learning in the world of information technology, namely: the primacy of knowledge derived from reliable sources (basic research, open worldwide); a reasonable combination of information technology in the education system, i.e. to separate the original sources and modern information materials; strict control and selectivity of information resources as a learning, teaching, research material; training and education of ethical standards in the use of Information technologies (for example, this can include strict use of the rules of grammatical structure of the used language of communication); absolute priority for students to study the accumulated author's knowledge of the teaching staff of an educational institution.

References:

1. Boyko V. P. Professionally oriented method of formation of educational skills in first-year students of the faculty of foreign languages: Thesis of the candidate of pedagogical Sciences. - Lipetsk, 1993.
2. Ivashchuk E. A. Independent extracurricular educational work of students as a means of improving the educational process in foreign languages in high school: Thesis of the candidate of pedagogical Sciences.- Moscow, 1989.
3. Kim N. D. Methods of organizing classes and systems for evaluating knowledge in teaching a foreign language. - Tashkent: Tashkent State Institute of Oriental studies, 2007.
4. Kim N. D. Stimulating independent work in teaching a foreign language // Uzbekistan-China: development of historical and cultural ties. - Tashkent, 2018. - P. 63-65.



СТРОЕНИЕ ЧЕРЕШКА НЕКОТОРЫХ ВИДОВ РОДА PHLOMIS

Курмантаева Норсулув Амангельдиевна
Наманганская область Чустский район
осш №3 учитель биологии; Ибрагимов
Аъзамжон Исакович учитель осш №9
подтверждением справедливости выделения
рода Phlomis Телефон:+998(91)293 85 71
+998(91) 366 12 69
norsuluvkurmantaeva@gmail.com

Анотация: С восстановлением рода Phlomis (Адылов, Камелин, Махмедов, 1986, Нов. сист. высш. раст. 23: 111) мы исчисляем в его составе до 90 видов распространенных в Средиземноморье, Северной Африке, Крыму, Передней и Средней Азии. В настоящей работе приводятся краткое описание и сравнительная характеристика черешков представителей данного рода, и подтверждение справедливости выделения рода Phlomis.

Ключевые слова: род Phlomis; флоэма, ксилема; эпидерма, энтодерма, гиподерма; склеренхима, паренхима, колленхиматозная, механическая ткань; дискретные, латеральные, медианные пучки.

Черешки изучаемых представителей этого рода почти не изучены. Лишь в работе Дюгаевой (1969) дано краткое описание анатомического строения *Ph. canescens* (*Phl. Canescens*), а также в работах C.R.Metcalfe L.Chalk (1950, 1957) имеются данные о строении черешка некоторых видов более 20 родов семейства Губоцветные в том числе и р. *Phlomis*. На поперечных срезах через дистальный конец исследованных видов в Кью показано значительное разнообразие структуры проводящей системы, часть представляющая таксономическое значение. Главный проводящий тяж черешка из сплошного арка сильно загибается внутрь концами или имеет тенденцию образовывать равную цилиндрическую форму у видов *Leonurus*, *Phlomis*, *Stachus* и *Gencrimum*; сходные, но с рассеченными (из дискретных пучков) пучками, расположеными в форме арка у видов *Elsholzia*, *Galeopsis*, *Plectranthus*; с направленными к оси (адаксиальным) вогнутым цилиндром с большим числом отдельных проводящих пучков у видов *Phlomis tuberosa* Linn. Дополнительные дочерние (второстепенные) проводящие пучки имеются в черешковых крыльях у всех изученных видов. Этим ограничиваются работы, посвященные исследованию анатомического строения черешка родов *Eremostachys*, *Phlomoides* и *Phlomis*. Представители этих родов имеют черешки желобчатой формы различной степени выраженности, опущенные как и листья, разнообразными по типу, форме и размерам волосков (реже голые).

Род *Phlomis* отличается от других присутствием на поверхности черешка, наряду с другими волосками многочисленных древовидно-звездчатых волосков, сравнительно развитой склеренхимой-лубяных волокон и отсутствием колленхиматозной ткани над флоэмой, присутствием ясно выраженной гиподермы и эндодермы, и одревесневшей паренхимой сердцевины, 4-пучковой проводящей системой черешка. У *Ph. olgae*, *Ph. salicifolia* черешок в очертании ясно трехугольный с 4 дискретными пучками.

Ph.sewerzowii и *Ph.spinidens* имеют черешки широко полуovalной формы с двумя соединенными тяжами флоэмы, медианными пучками и 2 латеральными. *Ph.spinidens* отличается от первого несколько выпуклой формой с адаксиальной



стороны черешка и появлением иногда маленького дополнительного латерального пучка.

Ph.regelii и *Ph.thapsoides* имеют дуговидную форму черешка, однако сильно отличаются от всех других таксонов присутствием внутренней ксилемы, состоящей из 2 групп по 3-4 пучка в каждой, окруженных сильно одревесневшей паренхимой. Отличаются друг от друга расположением проводящих тканей: у первого следы медианной жилки состоят из широкой сплошной полосы ксилемы и флоэмы, соединенной двумя мелкими латеральными пучками в ребрах и внутренней ксилемы (соединенной тяжем межпучковой флоэмы) разделенной от наружной одревесневшей паренхимы. Черешки *Ph.regelii* и *Ph.thapsoides* мы относим к типу "улитка", а других видов к типу "дуга".

Виды рода *Phlomis* характеризуются сходной структурой черешка-обязательным присутствием древовидно-звездчатых волосков, сравнительно развитой склеренхимой над флоэмой, полной редукцией колленхиматозной механической ткани, одревесневшей основной паренхимой и 4-пучковой проводящей системой черешка, являющимися признаками эволюционной продвинутости.

Таким образом, проведенные нами исследования строения черешка, явились подтверждением справедливости выделения рода *Phlomis* и его однородности.

Список использованной литературы:

- 1.Флора СССР,1954-с.38-68
- 2.Флора Уз.ССР,1961-с.318-355
- 3.Определитель растений Средней Азии,1987



СИЁСИЙ - ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ДАВЛАТ, ҲУҚУҚ, АХЛОҚ ВА МАЊНАВИЯТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ФОЯЛАРИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
Тошкент давлат юридик университети профессори
f.muxitdinova@tsul.uz

Аннонсация. Мазкур тезисда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишининг долзарблиги ва аҳамияти ёритилган. Бой ҳуқуқий меросимизни таҳлил этишининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Илмий тадқиқотлар соҳасидаги хориж тажрибаси, давлатимиз тарихий манбалар таҳлили асосида қиёсий ўрганиш ва шу аснода янги илмий таклифларга эга бўлиш мақоланинг мақсал ва вазифаларини белгилайди.

Калит сўзлар: давлат, ҳуқуқ, тарихий манбалар, мерос, илм, тараққиёт, тадқиқот, кадрлар ва ислоҳот

Маълумки, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг пойдевори - миллий давлатчилик таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам бўлиб, у ўзининг тарихий -ҳуқуқий манбаларига бой. Қадимда Турон, Шарқ Уйғониш даврида Мовароуннаҳр, Темурийлар Ренессанси даврида давлат ва ҳуқуқ, ўзбек хокликларида давлатчилик масалалари, суд институтлари, Туркистон худудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Мазкур даврларга хос давлат бошқарувида мавжуд бўлган ҳуқуқий муносабатлар, мусулмон ҳуқуқи, Ҳидоя, Темур тузуклари каби манбалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқдаки, сўнгги ўн йиллар давомида бу йўналишдаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмагани, мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Давлатчилигимиз тарихи кушонлар ва эфталитлар давридан бошлаб, Соминойлар, Қораҳонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар давлатлари ва шунингдек ўзбек хонликларининг давлат бошқаруви тажрибаларини, халқимизнинг миллий, тарихий, ҳуқуқий, мањнавий амалиёти, ҳамда ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзу—истакларини ўзида ифода этган юз минглаб тарихий манбаларда мужассамлашган. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек: "Бундай қўлёзма фонdlар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеида мавжуд. Истиқлол йиллари халқимизнинг бой қўлёзма меросини сақлаш, бойитиш, ундан фойдаланиш, тарғиб қилиш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш соҳасида қўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг янги биноси қурилди. Институт фонди 28 мингга яқин жилдга жойлашган 70 мингдан ортиқ асар, рисола, баёзлардан иборат. Фонд йиллар давомида тўлдирилиб, бойитиб келинмоқда. Бу ерда 6 мингдан ортиқ турли қўлёзма ҳужжат, мактублар ҳам сақланади.

Мазкур фонdlардаги қўлёзма ва тошбосма китобларни илмий муомалага киритишнинг муҳим босқичи бўлган тавсифлаш ва каталогларини нашр қилдириш соҳасида ҳам қўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ноёб қўлёзма асарларнинг факсимел ва альбомлари нашр қилинаётir." -деган таъкид бугунги кунда биз ҳуқуқшуносларга ҳам тегишлидир. Шунингдек, Ўзбекистон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз етакчи олимлари билан учрашуви, қатор илмий-тадқиқот муассасаларини Фанлар академияси тизимида қайтадан



шакллантириш ҳамда тадқиқотларни кенга амалга ошириш таклифи ҳам бугун барчамиздан ижросини қутмоқда. 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларидағи тибиёт олий таълим муассасаларида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этишдан мақсад ҳам, ёш олимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган имконият ва яратилган шароитдир. Бундан бир аср муқаддам она юртимиз Туркистон ўлкаси тақдири зиёлиларимизнинг ҳаёт-мамот масаласига айланган пайтда буюк маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат "Ҳар бир мамлакатнинг толеси ва тараққиёти ёшларга қандай таълим ва тарбия берилишига ҳар томонлама боғлиқдир", деган эзгу шиорининг мартиқий давоми илмфанга давлат томонидан қаратилган эътиборни тан олмоқ зарур. Демак, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши замон талабига айланди. Юртмизда "Эл-юрт умиди" жамгармаси ҳам ана шундай илм йўлида эзгуликка хизмат қилиш учун яна бир қулай имконият бермоқда. Албатта, бунда изланувчанлик ва фидоийлик билан янги тадқиқотларга кириш керак. Айниқса, ҳуқуқшуносларимиз учун ҳозир илмий тадқиқотлар учун давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилган даврда жумладан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 29-апрелдаги ПФ-5897 қабул қилинган янги яъни "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомилаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони миллий юридик таълим тизимини ҳамда юридик фанни янада ривожлантиришга қаратилган ўта муҳим хужжат бўлди.

Бу эса, Ўзбекистоннинг янги даврида умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий уйғунлаштирган илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Иккинчидан, давлат бошқаруви соҳасида кенг амалга оширилаётган жамоатчилик назорати, Жамоатчилик Палатаси, ҳалқ қабулхоналари, қонунийлик каби институтлар қўхна тарихга эга минтақамизнинг бой маданияти асрлар давомида илму-фан даргалари бўлмиш аждодларимиз ижодида илгари сурилган ғоялар, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларни илмий изланишлар орқали энг яхши жиҳатларидан тараққиёт учун қўллаш нафақат бизга, балки бутун башарият учун бебаҳо мерос бўлиб хизмат қиласди.

Учинчидан, мамлакатимиз давлат ва уни бошқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ, ҳуқуқий муносабатлар ва одил судлов масалаларини ўз ичига олган бой ҳуқуқий манбаларга эга бўлиб, жумладан (Бурхонуддин Маргинонийнинг "Ҳидоя", Низомуммулкнинг "Сиёсаннома", Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулк" каби минглаб тарихий-сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар мавжудки, улар ўз тадқиқотчиларини қутмоқда) асарлари илмий изланишларни талаб этади.

Шу мақсадда фармонда қайд этилган давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий фикр соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этилиши бу тарихий воқеа бўлиб, таҳсинга сазовордир.

Тўртингчидан, бугунги кунда ҳалқимиз миллий ўзлигини чуқур англааб, маънавий-ҳуқуқий қадриятларини қайта тиклашга муваффақ бўлиб, бугунги кунда ана шу қадриятлар билан адолатпарвар, ҳалол, вижданан пок юридик кадрларни тайёрлаш орқали коррпүцияга муросасиз янги юристлар мактабини шакллантириш даврини бошлаб юборди.

Бунда Ўрта Осиёлик фақиҳларимизнинг жаҳон ҳуқуқий маданияти тараққиётiga кўшган ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш давр талабидир. Чунки аждодларимизнинг



бой хуқуқий тажрибалари ва илмий мероси ўзбек давлати тараққиётига мустаҳкам маънавий пойдевор бўлиб ҳизмат қилади.

Зеро, жорий йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам буюк мутафаккирларимизнинг Маҳмудхўжа Беҳбутийнинг, Баҳоуддин Нақшбандийнинг юбилейларини нишонлаш ҳамда уларнинг ҳаёти ва илмий меросига алоҳида эътибор берилгани мавзунинг нечоғли долзарблигини белгилайди. Агар эътибор берсак, Маҳмудхўжа Беҳбутийнинг сиёсий-хуқуқий қарашларида илгари сурилган фикрлар ҳамон ҳам аҳамиятини йўқотмаганини кўрамиз. Масалан, "Ёшларга мурожаат", "Муҳтарам ёшларга мурожаат" мақолаларида маърифатнинг эрк йўлида асосий қурол бўла олишини таъкидлаган. Беҳбутий айниқса, ёшларнинг мустақил фикрли, маънавияти юксак бўлишини орзу қилган. Шунинг учун мазкур мақолаларида ёшларга мурожаат қилиб, замонавий илм эгаллашга катта аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган: "илми замоний исломиятда зарар қилмоқ нари турсин, фойда етар". Шунингдек, Беҳбутий ота-оналарга ҳам мурожаат қилиб, фарзандларнинг замонавий илмни эгаллаши ҳақида "лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да ўғлингизни замонча ўқимоғига саъй қилингиз", - дея маърифатга даъват этган. Дарҳақиқат, илм-маърифат қалбни поклайди, онгни равшанлаштиради. Жумладан, шундай ёзган: "Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Ҳозирда эса, Туркистонда муаллим оз бўлиб, муаллимларга эҳтиёжимиз шундадур. Чунки бу кунларда янги мактаб ҳаваскорини кундан-кун зиёдалашмоқдадирки, муаллимлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар йили Туркистонда юзларча мактаб очмоқ мумкиндур". Эътибор қаратсақ, Беҳбутий қаламга олган энг зарур муаммолардан бири мактаб ва илм-фан экан, бу масала ҳамма замонлар учун ҳам биринчи ва асосий бўлиб қолаверади. Демак, Беҳбутий қолдирган маънавий мерос ҳамма замонлар учун ҳам бирдай хизмат қилаверади, фақат бу манбаларни хуқуқшунослар ҳам ўз илмий ишларида тадқиқот мавзуси даражасида ёритмоғи лозим.

Шунингдек, давлатчиликка оид асарлари ва хуқуқий назариялари билан, ислом хуқуқи соҳаларини ифода этган фиқҳ илмининг ҳар томонлама ривож топишига улкан ҳисса қўшган маворауннахрлик олимларнинг асарлари ўз илмий тадқиқотчиларини кутмоқда. Мамлакатимиз тарихий-хуқуқий меросида хуқуқ соҳаларида янги фан ва мактабларга асос солиш билан бирга, янги хуқуқий назариялар яратилганки, улар ҳам бугунги кунда илмий муомалага киришга муҳтоҷ.

Уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш ёш олимлар олдида турган давр талаби ва олимлик бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2020 йил 29-апрельдаги ПФ-5087 "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомилаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони.
2. 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил.24-январь
4. Бурхонуддин Марғиноний.Хидоя. Тошкент: 2000.
5. Беҳбутий М. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. Б-201



ADMINISTRATIVE AND CRIMINAL RESPONSIBILITY FOR FORCED LABOUR IN NATIONAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Usmanov Quvonchbek Muzaffar o'g'li
LLM in International Law
University of World Economy and Diplomacy
quvonchbek.usmon@gmail.com
+998 97 742 86 88

Abstract. Forced labour is a serious problem in human rights. Implementation of conventions on forced labour requires a great attention. The Republic of Uzbekistan is moving towards a ban and abolition of forced labour by reforming its administrative and criminal legislation.

Key words: forced labour, right to free choice of employment, right to just and favourable conditions of work, forms of forced labour, administrative coercion to forced labour, administrative responsibility, penal responsibility, penalties, International Labour Organization, abolition of forced labour, conventions on forced labour.

Forced labour represents a violation of human rights and is prohibited by international norms. According to the International Labour Organization (ILO), more than 24.9 million people are currently involved in forced labour worldwide . Termination of forced labour remains an actual issue for the Republic of Uzbekistan as well. For this purpose, a number of measures have been taken, including the development of relevant legislation. In his speech at the 72nd session of the UN General Assembly, the President of Uzbekistan stressed, "Effective measures had taken in cooperation with the International Labour Organization to eliminate child labour and forced labour" .

International norms on the prohibition and abolition of forced labour include the Universal Declaration of Human Rights, the ILO Forced Labour Conventions No. 29 and No. 105, the International Covenant on Civil and Political Rights of 1966. In particular, Article 23 of the Universal Declaration of Human Rights states that everyone has the right to work, to free choice of employment, to just and favourable conditions of work . The International Covenant on Civil and Political Rights also states that no one shall be required to perform forced or compulsory labour .

ILO Conventions No. 29 and 105 define the concept of forced labour, its forms, the necessity and measures of its immediate abolition. As defined in Article 1 of Convention No. 105, any member of the ILO that has ratified the Convention undertakes to cease forced labour immediately and not to turn to any form of forced labour. Each State Party shall also take effective measures for the immediate and complete abolition of forced labour (Convention No. 105, Article 2) . In addition, the ILO Convention No. 29 stipulates that any State which has ratified the Convention shall prosecute unlawful use of forced labour and this State is obliged to ensure that the sanctions enshrined in law are truly effective and strictly enforced . International Labour Conference adopted Protocol of 2014 to the Forced Labour Convention (1930) in 2014 , because ILO Convention No. 29 had been obsolete, and as a result, some parts had been outdated in relation to current conditions, there were a number of gaps and concessions. This Protocol formally repeals 22 of the 33 articles of the ILO Convention No. 29 . Article 1 of the Protocol requires the State Party to provide legal protection for victims of forced labour, as well as to impose sanctions on the accused in forced labour.

Uzbekistan has acceded to these international instruments, including the ILO Conventions No. 29 and 105; the Oliy Majlis (parliament) ratified them on August 30,



1997 . On June 25, 2019, the parliament ratified the Protocol to the ILO Convention No. 29 . Pursuant to the international obligation to prohibit and abolish forced labour, Article 37 of the Constitution states, "any forced labour shall be prohibited, except as punishment under the sentence of a court, or in some other Instances specified by law" . In accordance with the Constitution, Article 7 of the Labour Code of the Republic of Uzbekistan also prohibits forced labour. Herewith, the protection of labour rights of every person is guaranteed, and the bodies that inspect and control the observance of labour legislation, as well as the bodies that deal with labour disputes exercise this protection (Labour Code, Article 8) .

As for the concept of forced labour, it is clear that the definition of this concept in international documents and national legislation is almost the same. Article 2 of ILO Convention No. 29 defines the term forced or compulsory labour shall mean all work or service which is exacted from any person under the menace of any penalty and for which the said person has not offered himself voluntarily . According to the definition in the Labour Code of Uzbekistan, forced labour is coercion to perform work by threatening to impose any punishment (including as a means of maintaining labour discipline) (Article 7, Part 1) .

The Code of Administrative Responsibility and the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan impose penalties for coercion to forced labour. The Code of Administrative Responsibility states that "administrative coercion to forced labour" is a ground for administrative punishment. There is a fine for any form of administrative coercion to forced labour (Article 51). From April 24, 2020, the amount of the fine will be from 50 to 100 times the basic calculation amount .

The subject of this offence is a special subject, so only an official person can be offender. These amendments and additions were made in accordance with the Act No. ARU-603 of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan" on January 22, 2020.

The Act No. ARU-603 on January 22, 2020 enriched the Criminal Code with a new article. In other words, there is a criminal responsibility for administratively coercion to forced labour. If the same act is committed after an administrative penalty has been imposed for forced labour, it is qualified as a crime. Under the new Article 1482 of the Criminal Code, the offender is a subject to one of the penalties, such as a fine (from 100 to 150 times the basic calculation amount), deprivation of certain rights (up to 2 years) or correctional labour (up to 2 years) .

Review of foreign legislation on responsibility for unlawful use of forced labour is useful for a comparative analysis of national norms. Ukraine, one of the countries which its criminal law is closer to us, also prohibits forced labour , and Articles 172-173 of the Ukrainian Criminal Code address the legal consequences of serious violations of labour law. According to Article 173 of the Criminal Code of Ukraine, gross violation of employment contract by an official causes to punish him with a fine (up to 50 times non-taxable minimum income) or, deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities (up to 5 years), or imprisonment (up to 6 months) or limitation of freedom (up to 2 years) . In accordance with this article, coercion to perform work not agreed upon in the contract is also a gross violation.

Despite the prohibition of forced labour in the Russian Federation, unlawful use of forced labour is common, and qualified an administrative offense - a violation of labour legislation, which administrative fines follow. Article 5.27 of the Code of Administrative Offenses of the Russian Federation does not specifically mention forced labour . In addition, there is no criminal responsibility for forced labour, in other words, there are shortcomings in the legislation of the Russian Federation .



Thailand deserves special consideration among other nations, which fight against forced labour in Asia. According to the International Trade Unions Confederation, Thai law still fails to protect effectively ethnic groups, indigenous peoples and stateless persons from forced labour and human trafficking . Migrants are still subject to forced labour, whereas they are about 4.9 million in Thailand . In 2019, Thailand was one of the first to ratify the Protocol to the ILO Convention No. 29. Taking seriously the fight against all forms of forced labour, Thailand amended its Anti-human trafficking Act (2008). It should be noted that Thai lawyers qualify forced labour as a criminal offense within human trafficking. Penalties for unlawful use of forced labour are set out in Chapter 6 of the Anti-human trafficking Act, entitled "Punishment," and include imprisonment (from 4 to 10 years) and fines .

Examining the responsibility for the unlawful use of forced labour, we see that the Republic of Uzbekistan is seriously fighting against forced labour through expanding cooperation with the ILO, ratification and implementation of its conventions. Strengthening of penalties and amendments to the criminal law confirm this opinion. It is also clear from foreign experience that in some countries the responsibility for forced labour is severe and in others light and insufficient. In summary, the Republic of Uzbekistan has ratified the ILO Conventions on forced labour and their successful implementation in its legislation remains actual.



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳамдамова Дилрабо Равшанбек қизи
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг магистратура тингловчиси
Телефон: +998(99) 300 27 40
E-mail: hamdamova92@inbox.ru

Анотация: Мақолада дунёдаги прокуратура органларининг моделлари, айрим ривожланган давлатлар прокуратура органларининг фаолият йўналишлари ва ўзига хослиги, ижобий ва салбий томонлари ҳамда самарадор тажрибани миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиши масалалари ўрин олган.

Калим сўзлар: қонунлар ижроси устидан назорат, жиноий таъқиб, давлат ҳуқуқий статистикаси, маҳсус ҳисобни юритиш, марказлашганлик, ягона бўйсунув.

Бизга маълумки, кўпчилик дунё мамлакатларида прокуратура органлари давлат ҳокимиёт органлари тизимида салмоқли ва аҳамиятли ўринга эга. Айрим давлатларда прокурор жиноий фаолиятни таъқиб қилиб, судда давлат айловини қўллаб- қувватласа, айрим МДҲ ва Осиё давлатларида қонунлар ижроси юзасидан тўлиқ назоратни амалга оширади.

Ҳозирги вақтда прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрнига кўра дунё мамлакатларининг тўрт гурухини ажратиш мумкин:

- биринчи гурухга прокуратура адлия органи таркибида бўлган АҚШ, Франция, Белгия, Нидерландия, Дания, Полша, Руминия, Испоил, Япония, Эстония ва Сурия каби давлатларни киртиш мумкин;

- иккинчи гурухга прокуратура бутунлай суд тизими таркибида бўлган ва судлар қошида ёки суд ҳокимиёти доирасида маъмурий мустақилликка эга бўлган Колумбия, Болгария, Испания каби давлатлар киради;

- учинчи гурухга прокуратура мустақил орган сифатида ажратилган ва давлат бошлиғи ёки парламент олдида ҳисобдор бўлган Россия, Озарбайжон, Қозогистон, Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ёрқин намуна бўла олади;

- тўртинчи гурухга прокуратура ёки унга бевосита ўхшаш органи бўлмаган давлатлар, хусусан, Англия, Хиндистон каби давлатлар киради.

Дунёда энг ривожланган давлатлардан бири бўлган Хитой Халқ Республикасининг прокуратура органлари вазифа ва фаолият йўналишлари бўйича миллий прокуратура органларига ўхшашдир. Хусусан, XXР Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ, халқ прокуратураси қонунийликка риоя қилинишини назорат қиласидиган давлат органи ҳисобланади, прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида назоратни мустақил равишда амалга оширадилар. Хитой халқ прокуратураси ягона марказлашган тизим бўлиб, Олий халқ прокуратураси прокурорлик назоратининг олий органи ҳисобланади. Олий халқ прокуратураси маҳаллий халқ прокуратуралари ва маҳсус халқ прокуратуралари фаолиятига раҳбарлик қиласиди. Юқори турувчи прокурорлар буйруқлари қуийи турувчи прокурорлар учун мажбурийдир.

АҚШ, Германия, Австрия, Греция, Италия давлатларида прокуратура органларида марказлашганлик ва ягона бўйсунув мавжуд эмас.

Амалиётга эътибор қаратсак, прокуратура органларининг марказлашганлик ва



ягона бўйсуниш тартибида фаолият юритиши жуда тўғри эканлигига гувоҳ бўламиз, зеро жиноятчиликка қарши курашиш ва қонун устуворлигини таъминлашда ягона марказлашган тизим бўлиши мустақил прокуратура тизимлари амал қилишидан яхшироқ. Мисол учун, Россия, Қозогистон ва Ўзбекистон прокуратура органлари ҳозирга қадар ягона марказга бўйсуниш тартибида ишлаб, жиноятчиларнинг самарали фош этилишига хизмат қилмоқда, шунингдек қонун устуворлиги таъминланмоқда.

Бироқ, ягона бўйсунувга асосланган прокуратура тизими ҳам камчиликлардан холи эмас. Хусусан, прокуратура органларидағи айрим юқори лавозимдаги мансабдор шахсларининг уюшган жиноятчилик вакиллари билан тил бириктириши содир этилган жиноятларнинг очилишига тўсқинлик қилиши ёхуд умуман очилмаслигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, очилган жиноят ишининг етарли асосларсиз ёпилиши ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Аммо бундай ҳолатлар амалиётда кам учрагани сабабли ягона марказга бўйсуниш тартибида ишловчи прокуратура тарқоқ ҳолдаги (масалан АҚШдаги) атторней хизматидан яхшироқ.

Атторней хизматининг ҳеч кимга ҳисобдор эмаслиги бу тизимнинг салбий жиҳатларидан бири бўлиб, қонунийликда анархияга олиб келиш эҳтимоли катта. Агар ҳар бир штат ва губерниянинг атторней хизмати ўзи билганича фаолият юритса, фуқаро ёки жабрланувчининг хуқуқлари муайян доирадаги шахслар қўлида қолиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, самарасизликни келтириб чиқаради. Тўғри, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи Федерал қонунлар мавжуд, лекин ушбу қонунларда уларнинг қайси ҳолатларда қандай фаолият юритиши аниқ кўрсатилмагани боис улар ўзларининг умумий хуқуқлари ҳамда "Миранда қоидалари" асосида ишлайдилар.

Атторней хизматининг ижобий томони эса ўз иши ва фаолиятига мустақил ёндаша олиши ҳамда масъулиятни ҳис қилишидадир. Улар муайян жиноят ишини очишда жуда мустақил ҳаракат қиласидар ва зарурат бўлганида гуруҳларга бирлашиб, турли йўналишлар бўйича жиноятни очишга киришадилар. Натижада эса ёмон бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, агар қонунни назорат қилувчи органда ҳисобдорлик бўлмаса, у чинакамига қонунни назорат қилувчи орган бўла олмайди. Бу узоқ йиллик ривожланган давлатларнинг давлатчилик тарихидан олинган тажрибалардир.

Масалан, XVIII асрда француз олимлари томонидан назарий жиҳатдан асослантирилган ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳам ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилишини назарда тутади. Шундай экан, бизнингча, қонунларни назорат қилувчи органлар ҳар доим ҳисобдорлик тартибига риоя қилишлари лозим.

Дунёдаги қўпчилик мамлакатлар прокуратура органларининг асосий вазифаси жиноий таъқиб ва тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда судда давлат айловини қўллаб-кувватлашдир. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш МДҲ давлатларининг аксариятида сақланиб қолган. Шунингдек, Хитой халқ прокуратурасида бу вазифа тўлиқ ва чуқурлаштирилган ҳолда "Прокурорлар тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида ёритилган. Унга асосан, прокуратура қонунийлик ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш, давлат номидан айловни қўллаб-кувватлаш, жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш, судлов фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, халқ судларининг жиноят ишлари бўйича чиқарган қарорлари ижросини назорат қилиш, шахснинг хуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ўтказилишига санкция (рухсат) бериш, халқ судлари томонидан чиқарилган қарорлар устидан протест бериш каби вазифаларни



бажаради.

Олий халқ прокуратураси - Умумхитой халқ вакиллари кенгаши ва унинг доимий қўмитаси олдида, маҳаллий халқ прокуратуралари эса давлат ҳокимииятининг маҳаллий органлари ва юқори турувчи халқ прокуратуралари олдида ҳисобдордир. Бу жиҳатдан Хитой халқ прокуратураси Ўзбекистон прокуратура органларига ўшаб кетади.

Миллий қонунчилиги бизнигига яқин бўлган МДҲ давлатларидан бири Қозогистон Республикаси бўлиб, ушбу давлат "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 5 моддасида прокуратура органлари фаолиятнинг бешинчи йўналиши сифатида белгиланган давлат ҳуқуқий статистикаси ва маҳсус ҳисоб (рўйхат)ни юритиш юзасидан назоратни амалга ошириш ўзига хослиги билан эътиборга молик.

Давлат ҳуқуқий статистика фаолиятини назорат қилишдан қўзланган мақсад барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхона ҳамда судлар томонидан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилиш ҳамда статистика қонунчилиги соҳасида назорат ўрнатишдан иборат.

Зеро, танқидий ва қиёсий таҳлиллар ҳаққоний амалга оширилсагина, давлат келажакка мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиши ва самарали татбиқ этиши мумкин. Бу ўринда, ҳаққоний таҳлиллар муваффақият гарови, десак адашмаймиз.

Бундан ташқари, ушбу йўналишнинг бошқа афзалликлари ҳам мавжуд. Хусусан, тақдим этиладиган ҳуқуқий статистик маълумотларнинг объективлиги, тўлиқлиги ва етарлигини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг йўналишларидан бири бўлгач, мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган сатистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва холислиги талаблари асосида иш юритиш масъулияти ортади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш лозимки, глобал ривожланиш даврида прокуратура органлари дунё мамлакатларида давлатчилик қурилишида аниқ шаклга келтирилган ва салмоқли тажрибалар тўплаган. Хорижий мамлакатлар прокуратура органларининг фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш жуда муҳим. Жаҳон тажрибаси ва ўзимизнинг амалиётимиз натижаларини рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олинган. Зеро, ҳеч бир мустақил, суверен давлат, ҳеч қачон бошқа давлатлардан ажralиб, ўз қобигига ўралган ҳолда тараққиётга эришмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давид Р. Основные правовые системы современности. - М., 1967. - С. 67.
2. Прокуратура Санкт-Петербурга. - СПб., 1987. - С.6.
3. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы: Учебник. - М., 1997. - С.293.
4. Вицин С. Прокуратура в правовом государстве. - М., 1997.
5. <https://en.wikipedia.org>.
6. <https://www.justice.gov/usao/us/attorney>
7. www.lawinfochina.com
8. prokuror.gov.kz



КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МАҲҚУМЛАРНИНГ ХҮҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ВА ОМБУДСМАН

**Л.А.Гафурова -Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Инсон хуқуқлари буйича Вакили (Омбудсман) нинг
Тошкент вилояти буйича Вакили, профессор**

**Р.Турдибоева -Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши
"Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга
қарши курашиш бўйича доимий комиссия"си раиси
ю.ф.н., доцент**

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги долзарб глобал муаммо бўлган Коронавирус пандемияси шароитида, жазо ўтаси муассасаларида маҳқумларнинг хўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг қонуний асослари халқаро ва миллий қонунчилик доирасида таҳлил қилинган. Ҳамда Коронавирус пандемияси давридаги карантин ҳолатида маҳбусларга яратилган шароит ва имкониятларнинг қонун даражасида яратилганини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хуқуқлари буйича Вакили (Омбудсман) томонидан назоратга олинганини ёритилган.

Калит сўзлар: COVID-19, Короновирус пандемияси, пенитенциар муассасалар, тергов изоляторлари, Омбудсман, жамоатчилик назорати

Инсон хуқуқлари - жамиятнинг энг олий қадрияти, муҳим конституциявий институти, ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон хуқуқлари халқаро хуқуқда ва миллий хуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади. Бутун дунёни ларзага келтирган Короновирус пандемияси даврида инсон хуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида касб этади.

Бу борада халқаро хукуқ ва миллий қонунчилигимида карантин ҳолатида маҳқумларнинг хўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг минимал талаблари ишлаб чиқилган ва бу минимал талабларга карантин пайтида ҳар доимигдан ҳам қатъий амал қилиниши лозим бўлади.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг "Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал қоидалари" 1955 йилда Женевада бўлиб ўтган жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарликга қарши курашиш бўйича БМТнинг биринчи Конгрессида қабул қилинган ҳамда иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш томонидан 1977 йил 13 майдаги 663C (XXIV) ва 1957 йил 31-июлдаги 2076 (LXII) қарорларида тасдиқланган. Шунингдек, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 17-декабрда қабул қилинган "Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари" (Нельсон Манделла қоидалари) бу борада халқаро норматив хужжат саналади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал талабларида, овқатланишда: одатдаги вақтда сифатли озиқ-овқат билан таъминланиши, истаган пайтда тоза ичимлик суви билан таъминланиши, Жисмоний тарбия ва спорт борасида: об-ҳавога қараб камида бир соат тоза хавода спорт билан шуғулланиши, тиббий хизматда ҳар бир муассаса психиатрия соҳасини яхши биладиган тажрибали тиббиёт ходимига эга бўлиши, қамоқхона шифохоналари тегишли дори-дармон ва тиббиёт ускуналари билан жихозланган бўлиши ва етарли даражада тиббиёт мутахассислари билан таъминланган бўлиши,



тиш ва аёллар шифокори хизмати йўлга қўйилган бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, шифокор доимо овқатнинг сифати ва тарқатиш шароти, муассасанинг тозалиги, санитар ҳолати, иситиш, ёритиш ва вентиляция тизими ҳолати, махбусларнинг кийими ва ётоқ анжомларининг тозалик ҳолати ва яроқлилиги, уларнинг спорт машғулотларига иштироклари ҳақида муассаса раҳбарини хабардор қилиб туриши лозимлиги, муассаса раҳбари эса уша заҳотиёқ ушбу камчиликларни бартараф этиши чораларини қўриши кераклиги белгилаб қўйилган.

Бу қоидалар карантин бўлмаса ҳам амал қилиниши лозим бўлган қоидалар ҳисоблансада, аммо карантин даврида уларга амал қилишга янада катта эътибор қаратилиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан жазони ўташ муассасаларида коронавируста қарши курашиш бўйича ўз тавсиялар ишлаб чиқкан. Шунингдек, Европа Иттифоқи аъзо давлатлари учун Қийноқларга қарши Европа кўмитаси ҳам шу каби ўз қоидаларини ишлаб чиқган.

Унга кўра, карантин шароитида маҳбусларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилмасликларини олдини олиш мақсадида, уларнинг адвокатлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчиларни уларнинг олдига киришига рухсат берилишини кафолатлаш, қариндошлари ва яқинлари билан кўришиш тақиқланган ҳолатда, унинг ўрнини телефонда сўзлашишларни кўпайтириш орқали ўрнини қоплаш тавсия этилади.

Халқаро ташкилотлар пандемияга қарши курашиш, маҳбусларнинг ҳуқуқларини таъминланишига негатив таъсир қилишидан хавотирланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўзининг маҳсус докладида, маҳбуслар зикланган ва кўп ҳолатда антисанитар шароитда яшайдиган "ўта заиф гуруҳ"га киришини таъкидлайди. Махбусларнинг кўпчилиги чукур иммун танқислиги, ВИЧ, туберкулёз ва гепатит каби касалликларга чалинган инсонлардир. Бунаقا вазиятда инфекция жуда тез тарқалиши ва битта кишининг касал бўлиши қолганлар учун жуда хавфли тус олади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яна, бу тоифа инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларида қандайдир чекинишлар учун COVID-19 ни баҳона, сабаб қилиб, бу билан ўзини оқлаш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Яъни карантин сабаб, уларни ташқи оламдан умуман узиб қўйиш мумкин эмас. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилари ва адвокатлари билан учрашишларга рухсат бермаслик каби ҳар қандай уринишларни, шундай ҳолат деб баҳолаб, жамоатчилик томонидан қатъий назоратга олиниши лозим. Шу билан бир қаторда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маҳбусларга тиббий хизмат кўрсатишда ҳам умумий талаблар қўлланиши кераклигини эслатди. Ўз ўзини яккалаш жазони ўташ муассасалари ходимлари томонидан мажбурланиши мумкин эмас, фақат тибиёт ходимининг клиник қарорига асосан фақат маҳсус тибиёт ходимларигина бу чорани қўллаши мумкинлиги таъкидланган.

Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида бу борада нима дейилган? Албатта, халқаро нормаларга асослаб қабул қилинган қонунларимизда бу қоидалар ўз аксини топган. Ўзбекистонда жазони ўташ ва маҳбусларни тарбиялаш чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа қатор норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жиноят - ижроия қонунчилигининг вазифаси, жазони ўташни таъминлаш, маҳбусларни тузатиш, жиноят содир этмасликни огоҳлантириш, маҳбусларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Ушбу кодексга кўра, маҳбуслар соғлигини ҳимоя қилишга шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақлидурлар. Маҳбуснинг касаллигига қараб,



шифокорнинг тиббий хулосаларига кўра уни колониядан ёки турмадан маҳсус даволаш муассасаларига ўтказиш мумкин. Бунда тиббий ёрдамга муҳтож маҳбусни, маҳсус жихозланган хоналарда қоровул назоратида даволанишга юборилади.

Кодекснинг 77- моддасида, озодликдан маҳрум этилган маҳбусларга телефонда сўзлашишларига рухсат этилади. Телефон сўзлашувлар муассаса раҳбариятининг назорати остида рухсат этилади. Телефон сўзлашувларининг сони муассасанинг қандай режимдалиги ва жазонинг қандай турдалигига боғлиқ бўлади. Маҳбусларнинг ўзаро телефонда сўзлашувларига рухсат этилмайди.

84-моддасида эса маҳбусларнинг яшаш жойлари ҳақида бўлиб, унда ушбу яшаш хоналар қурилиш, санитар-гигиеник талаб ва меъёрларга жавоб берадиган бўлиши керак. Маҳбусларга алоҳида шахсий ухлаш жойи, ётоқ жиҳозлари ва лозим даражада инвентарь билан таъминланади.

85-моддасида эса маҳбусларнинг овқатланиши белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган овқатланиш меъёрлари асосида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Айrim ҳолатларда қўшимча овқатлар билан таъминланиши мумкин. Бу ҳомиладорлик ёки болали аёллар учун ёки ногиронлар учун қўлланилади.

87-моддасида эса, жазони ўташ муассасаларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитар ва эпидемияга қарши ишлар қонун доирасида амалга оширилади. Тиббий кўрик маҳбусни жазони ижро этишга келган вақтида, доимий, лекин олти ойда камида бир марта ва жазони ўташ жойидан чиқиб кетаётганда ўтказилади, шунингдек, мурожаатларга кўра ҳам тиббий кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Жазони ўташ жойига келгандан кейин 15 кун ичида суҳбат ўтказилади, тиббий кўрикдан ўтади ва карантин хоналарда санитар-гигиеник чора-тадбирлардан ўтиши керак. Маҳбус оғир касалликка чалинган ҳолатда маҳбуснинг рухсати билан унинг яқин қариндошларига хабар берилади, қўшимча телефонда сўзлашувларга, учрашувларга рухсат этилади. Маҳбусларни дори дармонлар билан таъминлаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, маҳбуслар ҳам шахсий ва умумий гигиена ҳамда санитария қоидаларига амал қилишга мажбур.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 29-июлдаги 2495-сон билан руйхатдан ўтган, Озодликдан маҳрум этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларида ҳам маҳбусларнинг қатор хуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида санитар-эпидимиологик ҳолатни яхшилаш ва аҳолини хавф-хатардан ҳимоя қилиш ва коронавирус эпидемиясини тарқалишини олдини олиш мақсадида қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиндики, булар ҳам жазони ўташ муассасалари тўла амал қилиб келинмоқда.

Қисқа муддатда, қатор қабул қилинган норматив-ҳужжатларимизга назар солсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-январдаги "Ўзбекистон Республикасида янги турдаги коронавирусни олиб қелиш ва тарқатишининг олдини олиш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш бўйича маҳсус республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги 5537-сонли фармойиши, 2020 йил 19 марта

ПФ - 5969-сонли "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони, 2020 йил 26-марцдаги "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-4649-сонли қарори, "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қурашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария - эпидимиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-



тадбирлар тўғрисида"ги ФҚ-4652 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг"Коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2020 йил 23- марта 176-сонли Қарори шулар жумласидандир. Ҳатто, "Жиноят, Жиноят-ижроия кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги" Қонун 2020 йил 26-мартда Президент томонидан имзоланди. Чунки, карантин талабларини бузишни олдини олиш учун албатта жазо чораларини қатъйлаштирмаса бўлмайди.

Юқорида қайд этилган норматив-хуқуқий хужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги барча пенитенциар муассасалар карантинга олинди. Миллий превентив механизм доирасида, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тергов изоляторларида ҳамда жазони ўташ муассасаларида бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз назоратига олган. Омбудсманнинг матбуот хизматининг берган маълумотига қўра, Европа Хавфсизлиги ва Хамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги пенитенциар муассасаларда коронавирус инфекциясини тарқалишини олдини олиш мақсадидаги лойиҳа координатори 180 млн сўмлик инсонпарварлик ёрдамини кўрсатди.

Турли хилдаги шахсий гигиена воситалари, жумладан, тиббий ниқоблар, қўлқоплар, химояловчи кийимлар, боғлаш материаллари, антибактериал воситалар инсонпарварлик ёрдами сифатида аёллар колонияларига ва вояга етмаганлар учун тарбия колонияларига етказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияларига асосан, тергов изоляторлари ва жазони ўташ муассасаларида коронавирус инфекциясини киришини ва тарқалишини олдини олишга қаратилган барча чоралар кўрилди. Тергов изоляторлари ва жазони ўташ муассасаларида эпидемиологик вазиятни назорат қилиш ва доимий ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида жазони ўташ бош бошқармасининг тибиёт ходимлари орасидан тезкор штаб ташкил этилган.

Эпидемиологик вазиятни яхшилаш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда: Аввало, колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар билан колониялар малакали шифокорлари томонидан коронавирус эпидемияси хавф-хатари ҳақида ҳамда шахсий гигиена талабларига риоя қилиш каби карантин талаблари ҳақида тушунчалар бердилар ва колонияларда қўзга қўринадиган жойларда вирус касаллиги гигиенаси тўғрисида кўргазмали ахборот маълумотлар тайёрланиб, эълон кўринишида жорий этилган.

Малакали шифокорлар томонидан барча маҳкумлар ва маҳкумалар, хизматчилар индивидуал тартибда тиббий текширувдан ўтказилди ва "COVID-19" билан касалланганлар мониторинг жараёнида аниқланмади. Тибиёт бўлимлари томонидан маҳкум ва маҳкумалар ётоқҳонаси, ошхона, сартарошхона, ювениш хоналар, текширув майдони ва бошқа маҳкум ва маҳкумалар харакатланадиган жойлар барчаси мунтазам 2-4 маротаба дезинфекциядан ўтказилиб келмоқда.

"COVID-19" инфекциясини кириб келишини олдини олиш, ушбу хавфли вирусни жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳамда шахсий таркиб ўртасида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 март кунидаги 14/1-234-сон топшириғи ижроси бўйича жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар яқин-қариндошлари билан қисқа ва узоқ муддатли учрашув, йўқлов посилка ва хат жўнатмалари келиши ва кетиши тўхтатилганлиги сабабли, маҳкум ва маҳкумалар учрашувлари телефон орқали сўзлашувга алмаштириб берилмоқда, Жиноят - ижроия кодексининг 76-77-модддаларига асосан .



Колония Тиббиёт бўлими ва соҳавий бўлиmlар томонидан жазо муддатини ўтаётган маҳқум ва маҳқумалар "COVID-19" ни қандай холатларда юқиши ва қандай холатларда юқмаслиги асосий эътибор шахсий гигиена талабларига риоя этган холда қўлини муnтазам равишда совунлаб ювиши, доимий равишда тиббий ниқоб (маска) тақиши, тиббий қўлқоп кийиши, оралиқ масофани сақлаши, истма кўтарилиганда зудлик билан тиббиёт бўлимига мурожаат қилиши кабилар тушунтирилиб, яқин-қариндошлари томонидан йўқлов, бандерол ва посилкалар тўхтатилганлиги сабабли маҳқумаларга шахсий гигиена воситалари: атир совун, хўжалик совуни, қўл учун антибактериал спрей, тиббий ниқоб, тиббий қўлқоп, шампунь тарқатилиб шахсий гигиенага амал қилиши назорат қилиб келинмоқда.

Шунингдек, Республикаизда жорий этилган карантин даврида Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасига асосан, колонияларда маҳқум ва маҳқумалар жисмонан соғлом бўлиши учун бадан тарбия, спартакиада тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳар бир колонияда малакали психолог мавжуд булиб, маҳқум ва маҳқумалар билан индивидуал ёндашган ҳолда улар томонидан суҳбатлар, психологик тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Манзил колониялар назорат ўтиш жойларида, ташқаридан келаётган хар бир шахсга маҳсус антисептик воситалари билан ишлов берилганидан сўнг, шахснинг тана ҳарорати текширилиб, нормал холатда бўлганидан кейин, манзил колония ички худудига кириш учун рухсат берилмоқда, шу билан биргаликда, ички худудтда олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари хам маҳсус ишловлардан сўнг ички худудга олиб кирилиши назоратга олинган.

Колониялар назорат ўтиш жойида фильтрлаш тизими жорий этилган бўлиб, у ерда тиббиёт бўлими ходимлари 1 нафар шифокор ва 2 нафар хамшира томонидан маҳсус эпидемияга қарши кийим бош кийган холатда хизматга келаётган ходимларнинг контактсиз лазер термометр орқали ҳарорати текширилиб, дезинфекция қилиб ўтказиш йўлга қўйилган. Колония ходимларини мақсадсиз ташқарига чиқишига чек қўйилган. Шунингдек, колонияда хизмат қилаётган ходимлар эпидемияга қарши химоя костюми, оёқ кийим, кўзойнак, қўл учун антибактериальный спрей, тиббий ниқоб, тиббий қўлқоплар билан таъминланган.

Алоҳида кайд этиш керакки аёллар колониясида хам барча юкорида кайд этилган ишлар юкори савияда олиб борилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқ маҳқумаларга гўшт, тухум, қатиқ ва бошқа оқсилларга бой таомлар бериб келинмоқда. Тиббиёт бўлимида даволанаётган, хомиладор, диспансер назоратида турган, ёш боласи бор маҳқумалар ва болалар уйида тарбиялананаётган ёш болаларга меъёрда белгиланган товуқ гўшти, творог, асал, балиқ, кефир, мева шарбати ва шунга ўхшаш маҳсулотлар бериб келинмоқда.

Вояга етмаган кизлар ва болалар тарбияланувчиларга турли хилдаги касалликлар юқишини олдини олиш мақсадида, карантин режими жорий қилиниб, болалар доимий равишда малакали шифокор назоратида бўлиб, болаларнинг ётоқ жойлари ва синф хоналари доимий равишда дезинфекция қилиб келинмоқда.

Карантин даврида тарбияланувчилар мактабда дарсларни ўзлаштириб олишлари учун телекўрсатувда намойиш этилаётган дарслар телевизор орқали ўтилиши ташкиллаштирилган.

Колонияларда маҳқум ва маҳқумалар хамда шахсий таркиб орасида ушбу вирус тўғрисида ва карантин даврида амалга оширилиши зарур бўлган мажбурлов чеклов чора-тадбирлартўғрисида тарғибот ишларини олиб борилиши мақсадида, маҳаллий соғлиқни сақлаш тиббиёт бирлашмалари ва санитария эпидемиологик осойишталик марказлари мутахассислари билан тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Барчамизга маълумки. Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари нафақат фуқароларни мурожаатини қўриб чиқиши ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга кўмаклашиш ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгининг ошишига кўмаклашиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, балки унинг назорат функцияси ҳам самарали олиб борилади.

Омбудсманнинг назорат функцияси унинг минтақавий Вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ҳуқуқшунос олимлар, социологлар, журналистлар, барча даражадаги мансабдор шахслар иштирокида амалга оширилади.

Омбудсман минтақавий вакилиги ҳам пандемия даврида ўз фаолиятини онлайн тартибда бўлса ҳам олиб бормоқда. Яъни, ИИББ ЖИЭБ жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар аҳволи ва карантин даврида уларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида мониторинг ишларини олиб борди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатди, маҳкум ва маҳкумалар ҳамда жазо ўташ жойларида хизмат қилувчилар учун карантин талабларига риоя этиш учун барча чоралар кўрилган экан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январ куни имзолаган №Р-5537-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 март кунидаги №176-сонли "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари асосида хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида жорий этилган "карантин" режимида, ИИББ ЖИЭБ жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар ҳамда шу колонияларда хизмат қилиб келаётган ходимлар томонидан карантин талабларига қатый амал қилган ҳолда ташкил этилган.

Бугунги кунда колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар орасида мухит қониқарли даражада, уларнинг кайфияти яхши, тушкунликка ва ваҳимага тушиш холати кузатилмади. Маҳкум ва маҳкумалар орасида "COVID-19" билан ҳозирги холатда касалланганлар қайд этилмаган. Бу эса пандемия даврида нафақат эркин фуқароларимиз орасида балки, жазо ижросини ўташ масканларида ҳам барча карантин талабларига тўлиқ риоя этилаётгани, улар учун барча шароит ва имкониятлар яратилганини билдиради. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг жазони ўташ муассасаларида маҳбусларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатлари халқаро ва миллий қонунчиликка амал қилган ҳолда ҳимоя қилиб келинмоқда ва унинг назорати Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар, жумладан Омбудсман ва жамоатчилик томонидан доимий назоратга олинган.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Т.: 68 б. www.lex.uz
Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-



сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-январдаги "Ўзбекистон Республикасида янги турдаги коронавирусни олиб келиш ва тарқатишнинг олдини олиш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш бўйича маҳсус республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги 5537-сонли фармойиши. www.lex.uz

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 март кунидаги №176-сонли "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти қарори www.lex.uz -Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

6. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций в отношении обращения с заключенными (Правила Нельсона Мандэлы) Justice Section, Division for Operations Vienna International Centre, P.O. Box 500, 1400 Vienna, Austria .www.unodc.org

7. Женева конвенциялари тўплами./ А.Х.Сайдов тахрири остида. Т.: 2002. -240 б.



КАФИЛЛИК АСОСИДА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Очилов Самариддин Камолиддинович
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси
Телефон: +99897-494-14-54
samariddinovichilov@gmail.com

Аннотация

Мазкур тезисда содир этган жиноий қилмиши учун суд томонидан тайинланган жазодан тегишли хulosса чиқарган шахсни жамоатчилик кафиллиги асосида жазодан озод қилишининг назарий жиҳатлари, бу борада тадқиқ этилиши лозим бўлган назарий жиҳатлар, хulosса ва тавсиялар ёритилган.

Калим сўзлар: шахс, жамият, хulosса, қилмиш, суд, ҳукм, жазо, маҳкум, жамоатчилик, кафиллик, жазодан озод қилиш, хулқ, тарбия.

Маълумки, содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб эътироф этиладиган бўлса, албатта бунинг учун жазо муқаррардир. Шу ўринда тайинланадиган жазо аниқ мақсадга қаратилган бўлиши, максимал натижа бериши барқарор бўлиши лозим.

Жазо шахсни қайта тарбиялаб, унинг хулқини тузатиш ва ижобий хулқ-атвор билан жамиятга қайтиришга хизмат қилмайдиган бўлса, унда тайинланган жазо кўзланган мақсадга номувофиқ тайинланган бўлади.

Аксинча, шахс қилмишининг моҳиятини тушуниб етган, ижтимоий хавфли хусусиятини йўқотган, айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, содир қилмишининг оқибатларини тушуниб етган, тегишли хulosса чиқарган бўлсада, унга нисбатан жазо тайинланиши жамиятдаги нормал хулқ-атворли шахсни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Шахсни тарбиялашда энг катта масъулиятни жамият зиммасига олиши, яъни жамоатчилик кафиллиги асосида жиноят содир этган шахсни жазодан озод қилиш нисбатан аниқроқ натижа берадиган чора сифатида эътироф этилмоқда.

Умуман, "кафил" арабча сўз бўлиб, кафолат берувчи, васий, зомин деган маъноларни англатади. Шунингдек, бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олевчи, кафолат берувчи шахс тушунилади [2].

Кафил сўзнинг ижтимоий маъноси ўзида бир шахснинг иккинчи шахсга бўлган ижобий муносабатини, бир шахснинг келгусидаги ижобий хулқ-атвори учун иккинчи шахснинг ўз хоҳиш-иродасига кўра ихтиёрий равища ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишини ифодалайди.

Кафилнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида тўхтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 6-моддасида жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкинлиги қайд этилган.

Кафилнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида процессуал ҳуқуқ нормасида бир мунча батафсилроқ изоҳ мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 251-моддасида [3] шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атвортада бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатлиги назарда тутилган.



Мазкур кодекснинг 252-моддасида жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шунинг билан биргалиқда Жиноят-процессуал кодексининг Шунингдек, ушбу 251-моддасида айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкинлиги қайд этилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 208-моддасига [4] кўра кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги, олдини олиш учун шахсий кафолат қўлланилган ҳаракатлар айбланувчи томонидан содир этилишига олиб келган бўлса, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ҳуқуқида шартли ҳукм қилиш, муддатидан илгари жазодан озод қилиш ва бошқа жазодан озод қилиш нормалари назарда тутилганки, айрим ҳолларда шахсга нисбатан жиноят қонуни нормаларида назарда тутилган мажбурлов чоралари ёки давлат тузилмалари томонидан қўлланиладиган чораларга нисбатан шахснинг ўзи яшаётган ёки ишлаётган жойдаги кишиларнинг таъсири самарлироқ натижа бериши мумкин [5].

Ҳозирги кунда жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахслар жамоат кафиллиги асосида озодликдан маҳрум қилиш билан бўлмаган жазо тайинланиши, муддатидан илгари жазодан озод қилиниши ёки тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилиши амалиёти вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан кафилликни қўллашга оид Меморандумлар [5] тузилган.

Меморандумларга кўра, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган судланувчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш амалиёти шаклланди.

Хусусан, 2018 йилда мазкур идоралар кафиллиги асосида жами

1197 нафар судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган [6].

Масалан, Хотин-қизлар қўмитаси кафиллиги асосида судланган аёллардан 45 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. 11 нафари эса шартли озодликка чиқарилган. Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 69 нафар ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, 17 нафарига шартли ҳукм ўқилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган кафиллик хатлари асосида 310 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, 42 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм чиқарилган.

Миллий жиноий-ҳуқуқий қонунчиликда ҳам кафиллик ҳуқуқий тартибга солинмаган. Айни вақтда, кафиллик тақдим этилганда, судлар демократизм ёки инсонпарварлик принципларига таяниб жазо масаласини ҳал қилмоқда.

Ваҳоланки, жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш ёки жазодан озод қилиш масаласи фақат қонунга асосланиши, шу жумладан кафиллик ҳам бевосита қонунда мустаҳкамланиши лозим.

Жиноят ҳуқуқида кафиллик тушунчаси алоҳида жиноий-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилмаган, унинг мазмунига илмий-назарий таъриф мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, кафиллик тушунчаси жиноят ҳуқуқида жазодан озод



қилиш таълимотининг алоҳида институти сифатида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилиши, бу борада мавжуд муаммоларнинг назарий ечимлари ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

Шунингдек, кафиллик институтини тадқиқ этиш натижасига кўра унга хуқуқий таъриф берилиши, кафилликни қўллаш асослари, кафилликни қўллаш субъектлари, кафилликни тақдим этиш тартиби, кафилликни қабул қилиш асослари ва оқибатлари жиноят кодексида акс этиши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, Муаллифлар жамоаси./ "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти./ "К" ҳарфи, 336-бет,

Т.: - 479 бет.

2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси./ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси./ 1995 й.,

2-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси./ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси./ 1995 й., 3-сон.

4. М.Усмоналиев, Жиноят хуқуқи, Умумий қисм./ Олий ўкув юртлари учун дасрлик./ - Т., "Янги аср авлоди", 2005 й., 27-бет, - 664 бет.

5. "21ASR.UZ" ахборот-таҳлилий сайти. <http://21asr.uz/post/> / Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг расмий веб-сайти. <http://www.wcu.uz> .

6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайти./ <http://sud.uz/%D0%BE%D0%>



КОНСТИТУТЦИЯ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАЯНЧИ.

**Отакулова Ёқутхон Сулаймоновна
Фарғона вилояти Данфара тумани
17-умумий ўрта таълим мактаби
миллий истиқбол ғояси ва хуқуқ
фани ўқитувчиси. +998 99 931-47-86**

Аннотация-Уибу мақолада Ўзбекистон конституцияси қабул қилиниши тарихи ва ўзбек халқининг тарихий ва миллий қадриятларини, гарб демократиясининг инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам этган бугунимиз ва келажагимиз пойдевори саналган асосий қомусимиз ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар- Инсон ҳуқуқлари,Ўзбекистон Конституцияси, Давлат ва жамият,Мустақиллик,Тараққиёт.

Давлат агар дину ойин (қонун) асосида қурилмас экан, тўра-тузликка боғланмас экан, ундан салтанатнинг қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди. Амир Темур.

Мустақаллик шарофати туфайли 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Эркинлик ва озодликни, мустақиллик ва ҳурлики тантанали тарзда ўзида намоён этувчи бу муқаддас хуқуқий ҳужжат қабул қилинган қутлуг санани халқимиз умумхалк байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқда. Мустақиллик Конституцияси жаҳоннинг сиёсий харитасида янги давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини бўлганлигини қонуний тасдиқлаб берди.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямида "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди".

Конституция асосий қонун ҳисобланиб, ўз ичига давлатнинг ижтимоий, сиёсий тузуми қонунларининг асосий йўналишларини аниқ тизимда белгилайди.

Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқdir.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори-унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси озод ва суверен давлатнинг хуқуқий асосларини яратиш билан бирга, жамиятимизнинг хуқуқий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Конституцига биноан ўзбек халқининг йўли битта - Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, мустақилликни мустакҳамлаб, мамлакат равнақини таъминлашдир. Инсон хуқуқлари - умуман ҳар қандай хуқуқнинг зарур қисми, ижтимоий мувофиқлаштиришнинг маҳсус тури сифатида хуқуқ моҳиятини ифодалашнинг муайян шаклидир. Инсон хуқуқлари хуқуқсиз ва ундан ташқарида мавжуд бўлмаганидек, хуқуқнинг ҳам инсон хуқуқларисиз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос мазмуни шундан иборатки, у ўзбек халқининг тарихий ва миллий қадриятларини, гарб демократиясининг инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам этади.



Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш зарурлигини инобатга олиб, Республика Президентининг 2001 йил 4 январда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди. Мазкур Фармойишнинг мақсади: Ўзбекистон Конституциясининг жамиятда ги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиягини ўргатиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтиришга қаратилгандир

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш гояси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Биринчи Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш учун мамлакатнинг кўзга кўринган сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи бошқа мутахассис олимлардан таркиб топган 64 кишидан иборат комиссия тузилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг биринчи ташкилий мажлиси 1991 йил 12 апрелда Президент Ислом Каримов раислигига ўтди. Унда келажаги буюк давлатнинг Конституцияси "Ўзбек халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак" деган вазифа қўйилди. Бу вазифа замиридаги тамойилларга жавоб бера оладиган халқчил Асосий Конун яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши тарихда янги бурилиш даври саҳифасини очиб берди. У жамиятда тамомила янги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тизим қарор топишига ҳуқуқий пойдсвор сифатида дунёга келди. Унинг қабул қилиниши қонунчиликдаги мустақиллик бўлди.

Конституция халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одоб-ахлок, одамийлик, ўзга миллатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, иймон ва эътиқод, ор-номус, иффат ва ҳаёв каби эзгу фазилатларга асосланади.

Конституцияда миллий хусусиятлар ҳам ёрқин акс эттирилган. Бу хусусиятлар Конституцияда мустаҳкамланган қоидаларда миллий қонунчилик ривожланиши учун замин яратилганлиги; тарихий, этнографик, миллий анъаналар, урф-одатлар ва қадриятларимиз сингдирилганлиги; маънавий ва маданий тарихий меросни асраш, оила қадриятлари ва миллий руҳий, демографик, табиат-икълим, ижтимоий-иқтисодий шароитлар инобатга олинишида намоён бўлади.

Конституцияда яна бир муҳим хусусият ўз ифодасини топган. Бу ўзимизнинг тарихан таркиб топган илфор тажрибаларимиздан фойдаланилганлигидир. Тарихдан маълумки, биз яшаётган Ватанимиз ҳудудида қонун устуворлиги таъминланиши асосида озодлик ва мустақиллик мустаҳкамланган буюк салтанатлар ҳукм сурган даврлар бўлган. Хусусан, Амир Темур даврини алоҳида таъкидлаш лозим. "Темур тузуклари" шу давринг ёрқин "Конституция"си бўлиб, жамиятда устувор равища амалда бўлган. Ана шу тажрибалардан, ал-Фаробийнинг фозил давлат ва Навоийнинг адолатли жамият тўғрисидаги таълимотлари ҳамда бошқа буюк алломаларнинг ҳуқуқий меросларидан фойдаланилганлиги Конституциянинг мазмунини янада бойитган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси якка ҳукмронликка даъво қилувчи мафкурадан, зўрлаб тиқиширилган сиёсатбозликдан, сиёсатлашувдан, баландпарвоз шиорлардан, синфийликдан ва партиявийликдан холидир. Шунинг учун ҳам Мустақиллик Конституцияси шўро даврида қабул қилинган сиёсий манифест шаклидаги Конституциялардан ҳаётийлиги ва амал қилувчи хусусияти билан чинакам юридик ҳужжат сифатида мазмунан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мақсади, принциплари, асосий қоидалари мазмун ва моҳияти негизини белгиловчи улуғвор гоялар унинг Муқаддимасида тўла баён этилган. Конституция муқаддимаси жуда ихчам ва юксак



савияли. Муқаддимада Ўзбекистоннинг ривожланиш, янгиланиш ва тараққиёт йўли ҳамда янги жамият ва давлат қурилишининг йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу истиқболдаги мақсадлар сари ривожланишнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли қўйидаги илфор ҳуқуқий фояларга таянади. Булар: инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг қоида ва талабларинги тан олиш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт тарзини яратиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш, фуқаролар тинчлиги, миллий ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат. Бу фоялар халқимизни ягона мақсад йўлида бирлаштиради ва жисплаштиради.

Конституция фоялари ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уларни ҳаётга тадбиқ қилишга доир бўлган куч ҳам керак. Бундай куч жамият, давлат ва инсоннинг ўзидир. Асосий Қонундаги инсоний, маънавий аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий фояларни рўёбга чиқаришда ҳар бир инсон ва фуқаронинг фаол иштирок этиши муҳимдир. Шу билан бирга, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданият даражаси юқори бўлиши ҳам зарурӣ шартлардан биридир. Шунинг учун ҳар биримиз ақл-заковатимизни ва билим салоҳиятимизни Конституцияда мустаҳкамланган юксак фояларни ҳаётда рўёбга чиқаришга сафарбар этишимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янгича босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2017-йил, 101-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент.: "Ўзбекистон", 2018.
3. Общая теория права и государства:/ Под ред. В.В.Лазарева. - М.:1994.
4. Темур тузуклари. - Тошкент.: "Faafur Fулом ", 2014..
5. Бобоев Б.Ҳ, Одилқориев Т.Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Тошкент, 2000.



HUQUQSHUNOSLIK FANLARIDA NO'ANANAVIY DARSLARNI TASHLIK ETISH

Namangan tuman 9-umumiyy o'rta ta'lif maktabi

Tarix-huquqshunoslik fani o'qituvchisi

Shomatova Zulfiya

Telefon: +998 (91) 354 27 87

zulfiya_565@mail.ru

Annotatsiya: Maqolada huquqshunoslik fanlarini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalarning ahamiyati, ularni qo'llashning muhimligi, o'qituvchining pedagogik mahorati va o'quv mashg'ulotlarini samaradorligiga erishish pedagogik texnologiyalarga qanchalik bog'liqligi keltirilgan.

Kalit so'zlar: Pedagogik texnologiya, ilg'or, huquqiy ong, huquqiy madaniyat, ijodkor o'qituvchi.

Mustaqil davlatimizni rivojlantirish istiqbollari har tomonlama bilimli, yoshlar qo'lida bo'lib, bu ularidan yuksak huquqiy ong va huquqiy madaniyatga ega bo'lish huquqni puxta bilishni talab qiladi. Huquqiy bilim berish orqali huquqiy madaniyatning yuksalishiga erishiladi va huquqqiy ong shakllantiriladi.

O'quvchi-yoshlarga huquqiy bilim berish, ularda milliy huquq tizimi to'g'risida tasavvur uyg'otish, huquqiy madaniyatni yuksaltirish, qonun ustuvorligini anglash, huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini yuzaga keltirishda ta'lif muassasalarining hamda biz pedagoglarning o'rni alohida mazmun kasb etadi. Ta'lif muassasalarida amalga oshirilishi ko'zda tutilgan huquqiy ta'lifning asosiy maqsadi aynan bir vazifa, o'quvchilarga bilim berish bilan bir qatorda, ularning qonun va qoidalarga itoatkorlik bilan ko'nikma va malakalarni shakllantirishga qaratilishi lozim. Bu o'rinda har bir darsga alohida yondoshgan holda, o'quvchilarga ta'lif tarbiya berishning ilg'or usullaridan foydalanish maqsadga muofiq bo'lar edi. "2017-2021-yillar harakatlanish strategiyasi" da Yurtboshimiz Sh. Mirziyoyev ta'lif tizimini, ayniqsa huquqiy tizimni rivojlantirish orqali aholi hiqiqiy ong va madaniyatini yuksaltirishga erishish zarurligi, buning uchun ta'lif tizimida islohatlarni yanada chuqurlashtirish haqida alohida to'xtalib o'tdi.

Huquqiy ta'lifni inovatsion metodlar vositasida tashkil etish orqali huquqiy madaniyatning yuksalishiga erishiladi. Umumta'lif maktablarida huquqiy ta'lifni samaradorligini oshirish orqali o'quvchilirni mustaqil faoliyat yuritishga tayyorlanish, hayotiy maqsadni belgilay olish, ma'naviy-axloqiy xulq-atvorini takomillashtirish, kasbiy faoliyat yo'nalishini belgilab olishga nisbatan jiddiy munosabatda bo'lishga erishish mumkin. O'quvchilar ongiga ijtimoiy munosabatlarning huquqiy me'yorlarni singdirish, ularni nobaqlub hatti-harakatlar sodir etishdan himoya qilivchi mezonlar ekanligi haqida tasavvur hosil qilish, o'quvchilarda quyidagi holatlarning rivojlanishiga zamin yaratadi:

1. Yoshlarda huquqqiy me'yorlar, qonunlarning nafaqat davlat, balki shaxs manfaatlarini birdek himoya qilishiga nisbatan ishonchning shakllanishiga erishish;

2. O'quvchilarni huquqqa oid bilimlarni o'zlashtirishga bo'lgan ichki extiyoj va qiziqishining yuzaga kelishini ta'minlash;

3. O'quvchilarda ijtimoiy-huquqiy me'yorlar, qonunlarga nisbatan hurmat va itoatkorlikni qaror toptirish;

4. O'quvchilarda har qanday ko'rinishdagi huquqbazarlikka qarshi kurashish tuyg'usini tarbiyalsh;


5. O'quvchilarda ijtimoiy -huquqiy madaniyat va faollikni qaror toptirish; Hozirgi vaqtida ta'lif jarayonida o'qitishning zamонавиј metodlari keng qo'llanilmoqda. O'qitishning



zamonaviy metodlarini qo'llash o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta'lif metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqish maqsadga muofiq sanaladi. Buning uchun dars jarayonini oqilona tashkil qilinishi, ta'lif beruvchi tomonidan ta'lif oluvchilarni qiziqishini orttirish, ularning ta'lif jarayonida faolligi mustaqil rag'barlantirib turilishi, o'quv materiallarini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularni mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, baxs-munozara, muammoli vaziyat, yo'naltiruvchi matn, loixa, rolli o'yinlar kabi metodlarni qo'llash va ta'lif oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

O'qituvchi zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanar ekan, albatta bunda birinchi navbatda fan, mavzu, o'quvchilar yoshi, kasbiy yo'naltirilganligi va shu kabi bir necha jihatlarga e'tibor berishi kerak. Masalan VIII-sinf "Davlat va huquq asoslari" darsligidagi "Jamiyat", "Davlat" mavzularini o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan: "Muammoni hal qilish texnologiyasi" dan foydalanishimiz mumkin.

Muammoni hal qilish uslubi - muammoni aniqlash va uni hal qilishning eng maqbul yo'llarini topishga o'quvchining tayyorligini tekshirib ko'rish uchun qo'llaniladi. O'quvchi bunda birinchi bo'lib muammoni aniqlab oladi. So'ogra muammoni yechish uchun axborotlarni izlaydi. Izlanish chog'ida kerakli jurnallar, monografiyalar, darsliklar, qo'llanmalardan foydalanish mumkin. Bu bilan o'quvchi olgan ma'lumotlaridan xulosa chiqarishi va uni amalda tadbiq etish etish ko'nikmalariga ega bo'ladi



Darslarni zamonaviy texnologiyalar asosida o'tish orqali o'quvchilarda qonunlar, yuridik adabiyotlar bilan mustaqil ishlay olish ko'nikmsini shakllantirish, ularni erkin fikrlash mavzu yuzasidan o'zining mustaqil fikrini bildira olish, mavzuni nazariy jihatini xolisona ilmiy taxlil etish xususiyatlarini rivojlanishga yordam beradi.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev asarlari
2. WWW.uzedu.uz
3. X.T.Odilqoriyev "Davlat va huquq nazariyasi"



HUQUQNING VUJUDGA KELISHI VA UNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI

Yunusov Davronbek Bekmirza o'g'li
O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi
Harbiy-texnik instituti tadqiqotchisi.
Telefon +998909809664

Annotatsiya. Ushbu maqolada huquq tushunchasining yuridik tahlili uning vujudga kelishi bo'yicha fikrlar tahlil qilingan. Huquqni chuqur va izchil o'rganish ahamiyati bo'yicha fikrlar ilgari surilgan.

Kalit so'zlar: huquq, huquq shakllari, huquqiy ong, huquqiy hayot

Insoniyat qadim zamonlardan huquq masalasiga katta qiziqish bilan munosabatda bo'lib kelgan. Huquq va huquqiy hayot masalalari hamma vaqt dolzarblik kasb etib kelganligi barchamizga sir emas. Bu masalalar ham mustaqil O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi, taraqqiyoti uchun muhim ahmiyatga ega. Mustaqillikka erishganimizdan so'ng bir necha ming yillik tarixga ega o'zbek davlatchiligi tajribasini, uning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy asoslarini har tomonlama o'rganish muhim vazifaga aylandi.

E'tiborli tomoni shundan iboratki, bosh qomusimiz O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining muqaddimasida ham "inson huquqlariga va davlat suveriniteti g'oyalariga sodiqligini tantanali ravishda e'lon qilib, o'zbek davlatchiligi rivojining tarixiy tajribasiga tayanib, xalqaro huquqning umum e'tirof etilgan qoidalari ustunligini tan olgan holda"[1,3] qabul qilinganligining o'zidan ham huquq, huquqiy masalalarni chuqur o'rganish, tadqiq etish muhim ahmiyat kasb etishi ko'rishimiz mumkin.

Shu sababli ham dastavval huquqning vujudga kelishi, mazmun-mohiyatini tushunib olishimiz zarur. "Huquq" kundalik hayotimizda ko'p qo'llaniladigan tushuncha bo'lib , "haq", "haqiqat" so'zlaridan olingan. Huquqni ikki xil ma'noda tor va keng ma'noda tushunishimiz mumkin, avvallambor, tor ma'noda - uni yuridik normalar sifatida, ya'ni, muayyan jismoniy va yuridik shaxslarning huquqi sifatida, keng ma'noda - esa huquqni erkinlik va adolat mezonlari bilan bog'liq holda hamma uchun majburiy bo'lgan, davlat tomonidan o'rnatilgan va bajarilishi ta'minlanadigan qoidalari, me'yorlar yig'indisi sifatida tushunishimiz kerak.

Professor Z.M.Islomov "huquq" tushunchasi va tasavvurlari orasida huquqni tartibga soluvchi kuch sifatida anglash tushunish alohida muhim ahmiyat kasb etishi to'g'risida to'xtalib, quyidagi fikrlarni ilgari surgan, "huquq"- kishilarning u yoki bu xatti-harakatini o'rinci va o'rinsiz deb topish uchun asos bo'lishini, butun insoniyat hamjamiyatini normal, tartibli hayot kechirishini ta'minlovchi, shuningdek, shaxsning biron-bir holati, kishilar qilmishlari, axloqiy xatti-harakatlari qonuniy yoki noqonuniyligini e'tirof etilishini ta'minlaydi.[2,6] deb fikr yuritgan.

Yuqorida fikrlardan kelib chiqib aytadigan bo'lsak, huquqni vujudga kelishi tabiiy hodisadir. Sababi, odamzot vujudga kelishi bilan jamiyatda o'zini tutish qoidalari ham vujudga keladi. Insoniyat davlat vujudga kelgunga qadar ham urf-odat, an'analarga rioya qilib yashab kelishgan. Asta-sekinlik bilan odat, an'alar hayotning ajralmas bir qismiga aylanib huquq vujudga kelgan. Davlat ham fuqarolarisiz davlat bo'limganidek, insonlar ham huquqlariga ega bo'lgandagina to'la inson, fuqaro bo'lib shakllanadi.

Qadimgi Rim mutafakkirlari huquqni - yaxshilik, halol yashash, har kimga o'ziga munosibini berish, o'zgalarga zarar yetkazmaslik, ezgulik adolat sa'natidir, deb ta'riflashgan. Sharq mutafakkiri, qomusiy olim Abu Nasr Farobiy huquqni - fozil kishilarning haqiqiy baxtga erishish vositasi deb tushungan. Huquq, uning fikricha, mamlakatda tinchlikni



ta'minlash, xavfsizlikni ta'min etish, taraqqiyotga shart-sharoit yaratish, ijodiy mehnatga imkon yaratish vositasidir. Huquq - insonlarning ehtiroslarni jilovlash vositasidir. Huquq - insonni asrash, avaylash qurolidir[3,202] deb hisoblaydi. Haqiqatdan ham yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, huquq insonlarning ajralmas bir qismi ekanligi, ularni ezgulikka da'vat etadigan, jamiyatda halol yashash tartibini joriy etish,adolat o'rnatishda, insonlarning xavfsizligini ta'minlashda katta ahamiyat kasb etadi.

Yuridik adabiyotlarda huquqga quyidagicha ta'rif berilgan: " Huquq - bu davlat tomonidan o'rnatiladigan yoki ma'qullanadigan va qo'riqlanadigan, hamma uchun majburiy bo'lgan yashash qoidalaridir. Huquq ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi regulayatordir" deb fikr yuritsa, yana boshqa yuridik adabiyotlarda "huquq - davlat tomonidan belgilangan yoki ruxsat etilgan va uning kuchi bilan himoya qilinadigan umummajburiy xulq-atvor qoidalari tizimi" -deb hisoblaganlar. [4, 255]

Ko'rinib turibdiki, huquq ko'p qirrali tushuncha, unga to'liq bir tushuncha holda hamma jihatlarini qamrab olishning imkoniy yo'q. Shunday bo'lsada, huquq tushunchasini tashkil etuvchi asosiy belgilar sifatida quyidagilarni belgilashimiz mumkin:

Birinchidan, hamma uchun majburiyligi;

Ikkinchidan, davlat tomonidan o'rnatilishi, muxofaza qilinishi;

Uchinchidan, huquq qonun yoki boshqa aniq shakllarda ifodalangan bo'lishi;

To'rtinchidan, huquqning ijtimoiy tenglikni ta'minlash vositasi ekanligi;

Beshinchidan, huquqning sub'yektiv hamda ob'yektiv huquqlarga bo'linishi;

Oltinchidan, ehtiroslarni jilovlash vositasi ekanligi;

Yuqoridagi belgilarning barchasi huquqni to'laroq tushunish imkoniyatini beradi.

Xullosa qilib aytganda, bugungi kunda fuqarolarimizning huquqiy ongini oshirish ularda sog'lom huquqiy muhitni yaratishda huquqni yuridik nuqtai nazardan chuqur va izchil o'rganish, tadqiq qilib borish zarur. Bu birinchi navbatda mamlakatimizda insonparvar demokratik huquqiy davlat qurishning ko'p jihatdan samarali va mukammal bo'lishini ta'minlasa, ikkinchidan, huquqiy bilimli, mamlakatimizning mustaqilligini har doim astoydil ko'z-qorachig'iday asrab-avaylovchi, himoyalovchi fuqarolarni, ayniqsa vatanparvar yosh avlodni kamol toptirish imkonini beradi.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.Toshkent - "O'zbekiston". 2019. № 3

2.Islomov Z.M. "Huquq tushunchasi, mohiyati, ijtimoiy vazifasi" o'quv qo'llanma.: Toshkent - 2004. - B.6.

3. "Davlat va huquq nazariyasi" //Toshkent - 2000. B.202.

4. "Davlat va huquq nazariyasi" A.A'zamxo'jayev va Sh.O'razayev// .: T - 1992. B.255.



МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ТИЗИМИ

Марданов Жасурбек Ҳусниддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистри

Телефон: +998 (90) 1165777

MardanovShunqor@mail.ru

АННОТАЦИЯ:

Мақолада Молиявий ва коррупцияга оид айрим жиноятларниң умумий тавсифи ва тизими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: коррупция, молия, коррупциявий жиноятлар, соф коррупциявий жиноятлар, коррупция элементлари аралашиши мумкин бўлган жиноятлар, молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар, номоддий наф, учинчи шахслар, мавқедан фойдаланиш.

Коррупция ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишига, унинг бугунги куни ва келажагига соя соладиган говдир. Коррупция бу жамиятнинг, давлат сиёсатининг илдизига болта урувчи кучлиги ҳеч кимга сир эмас. Коррупция молиявий соҳада бўлса, унинг иқтисодга етказадиган зарари янада катта бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунки суд-хуқуқ ислоҳотларини мувофақиятли амалга ошириш тўғридан-тўғри коррупцияга қарши курашиш фаолиятига боғлиқ бўлади[1].

Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи "Transparency International" ташкилотининг маълумотларига кўра, айни дамда дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва пораҳўрлик натижасида йилига 1 триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилади[2].

Коррупция - мансаб мавқеидан омманинг мулкини, нормал турмуш тарзини шахсий мақсадларда фойдаланиш йўли билан содир этилидиган хуфёна иқтисодиётни таъминловчи салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Бир нечта халқаро ҳужжатларда Коррупцияга турлича таътифлар берилган. Бунда коррупция тушунчasi унинг муайян турлари билан боғланиб, шу тариқа мазкур жиноят бошқа жиноий қилмишлар билан тенглаштирилади[3]. Биз бу ҳолатни Европа Кентгари томонидан "Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида"ги Конвенция[4]нинг 2-15- моддаларида, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 26 марта қабул қилинган "Коррупцияга қарши Америка-давлатлараро Конвенция"сида[5] учратишимииз мумкин.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон 2008 йил 7 июнда қўшилган Коррупцияга қарши конвенциясининг (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) мазмунини таҳлил қиласидан бўлсак, коррупцияга оид жиноятлар ҳам давлат органлари фаолиятида ҳам хусусий соҳа тизимларида юз беришига асосланган қоидалар белгиланган. Конвенциясининг[6], 15-моддасида миллий мансабдор шахсларнинг актив ва пассив пораҳўрлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, унинг мазмунига кўра, актив пораҳўрлик деганда давлат мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида, бирор ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш тушунилади.

Қандай жиноятлар айнан коррупцияга оид жиноятлар сирасига киришини аниқлаш учун хуқуқий ҳужжатларга мурожаат қиласидан бўлсак, Ўзбекистон



Республикаси "Коррупцияга қарши кураш түғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида "коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш" деб таъриф берилган. Яна коррупцияга оид илмий позицияни аниқлаштириш мақсадида ушбу қонундаги "коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик"ка берилган таърифга қарайдиган бўлсак, коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш, деб таъриф берилганлигига гувоҳ бўламиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, миллий қонунчилигимиздаги "коррупция" тушунчаси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки хизмат мақомидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: мансаб ёки хизмат тушунчалари фақат давлат тизимида бўладими ёки улар хусусий секторда бўлиши мумкинми?

Хусусий секторда мансаб ёки хизмат тушунчалари бўлганлиги боис ҳам айнан хусусий секторда, мисол учун давлат улуши бўлмаган корхоналарда ҳам коррупция ҳолати кузатилиши мумкин. Бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши кураш соҳасида аъзо мамлакатларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, коррупцияга оид жиноятлар ҳам давлат органлари фаолиятида ҳам хусусий соҳа тизимларида юз беради.

Коррупцияга оид жиноятларнинг тугал рўйхати бирор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган эмас. Уларнинг сирасига кирадиган жиноятларни белгилаб олишда юқоридаги ҳалқаро ҳужжат асосланмоқчи бўлишади. Бироқ, бу ҳам ечим эмас. Ушбу ҳужжатда аъзо давларлар чора кўришлари лозим бўлган жуда ижтимоий хафвли жиноятлар алоҳида моддаларда келтирилган. Булар: миллий оммавий мансабдор шахсларни сотиб олиш (15-модда); хорижий оммавий мансабдор шахсларни ёки ҳалқаро ташкилотларни мансабдор шахсларини сотиб олиш (16-модда); оммавий мансабдор шахс томонидан мулкни талаш, ноқонуний ўзлаштириш ёки белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш (17-модда); давлат хизматчига таъсир қилиб, ундан гараз мақсадларда фойдаланиш (18-модда); мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш (19-модда); ноқонуний бойиш (20-модда); хусусий секторда жиноий сотиб олиш (21-модда); хусусий секторда мулкни ўзлаштириш (22-модда); жиноятдан топилган даромадларни ювиш (23-модда)[7]. Бундан шундай хулоса чиқадики, булар конвенцияга аъзо давлатлар томонидан энг камида олдини, унга қарashi курашиш воситаларини яхшиланиши лозим бўлган ва айни пайтда коррупцияга оид жиноятларнинг турларидир.

Ҳалқаро ҳужжатларда коррупция тушунчаси унинг муайян турлари билан боғланиб, шу тариқа мазкур жиноят бошқа жиноий қилмишлар билан тенглаштирилади[8]. Биз бу ҳолатни Европа Кенгаши томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилиниб, 2000 йил 1 июлдан кучга кирган "Коррупция учун жиноий жавобгарлик түғрисида"ги Конвенция[9]нинг 2-15-моддаларида, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 26 марта қабул қилинган "Коррупцияга қарши Америка-давлатлараро Конвенция"сида[10] учратишимиз мумкин.

Коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхатини норматив ҳужжатларда келтирилган бўлмасада, коррупциянинг белгиларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги қўйидаги жиноятларни коррупцияга оид жиноятлар икки гурухга бўлиш мумкин. булар соғ коррупциявий жиноятлар ва коррупция элементлари аралашадиган жиноятлар.



"Молиявий жиноят" ибораси эса, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари учун бегона, деса бўлади. Сабаби қонун хужжатларида ушбу иборанинг қўлланганлиги ҳолати ўрганилганда, фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрель қабул қилинган ва 2018 йил 24 майда кучни йўқотган "Молия-иктисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-331-сон Қарорида ушбу атама қўлланилган.

Англо-саксон ҳуқуқий тизимида, хусусан АҚШда Молиявий жиноят деганда мулкка нисбатан содир этилган жиноят тушунилади. Ушбу жиноятлар деярли ҳар доим уни содир қилган шахснинг шахсий манфаати учун амалга оширилади ва обьекти бўлган мулкка нисбатан ноқонуний ҳуқуқни вужудга келтиради. Молиявий жиноятлар ҳар хил шаклларда содир бўлиши мумкин. Молиявий сектор дуч келадиган энг кенг тарқалган жиноятлардан бири - бу ноқонуний пулларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш, фирибгарлик, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, растарата, хужжатларни қалбакилаштириш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва қалбакилаштириш[11]. Молиявий жиноятларни тергов қилиш учун алоҳида тергов органлари тузилган. Масалан, АҚШ Молия вазирлиги (US Department of the Treasury) таркибида Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service) айнан молиявий жиноятларнинг айrim турлари бўйича терговни амалга оширади[12].

Назаримизда молиявий жиноятлар иборасининг қонунларимизда қўлланмасликка сабаб аввалдан ишлатиб келинган терминологияга кўра, "Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар", "Бошқарув тартибига қарши жиноятлар" ва бошқа атамалар мавжудки, улар у ёки бу турдаги молиявий жиноятни ҳам қамраб олган ҳамда қонунчиликда жиноятларни обьектига кўра тизимлаштиришда молиявий жиноятларни алоҳида кўрсатишга зарурат сезилмаган.

Хозирги илм фан адабиётларида иқтисодий жиноятларнинг алоҳида тури сифатида молиявий жиноятлар ҳам кўрсатилмоқда. Бу туркумдаги жиноятлар тоифасига қандай жиноятлар мансублиги хусусида фикр юритишида молия ҳуқуқи қоидаларига марожаат қилишимизга тўғри келади.

Соҳа адабиётларида "давлат молиясига"- умум давлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини (фондларни) ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойлаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими, деб таъриф берилган[13]. Молия кенг маънода нафақат давлат молиясидан, балки нодавлат молиялардан ҳам иборат бўлади. Ушбу молиявий муносабатлар учун фондлар ташкил этилади. Қонунларда фондларнинг номлари айrim вазиятларда аниқ баён қилинади: Устав фонд, заҳира фонд. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддасида бюджет тизими бюджетларига ҳам "Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари" деб таъриф берилган. Хулласки, фондларни шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни тартиботига қарши содир этиладиган жиноятлар молиявий жиноятлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қуйидаги жиноятлар молиявий жиноятлар ҳисобланни мумкин:

Терроризмни молиялаштириш (ЖК 1553-м.); Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-м.); Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли



қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (176-м.); Чет эл валютасини яшириш (ЖК 178-м.); Сохта тадбиркорлик (ЖК 179-м); Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш (ЖК1841-м.); Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-м); Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖК 188-м.); Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мulkни жалб жтишга доир ноқонуний фаолият (ЖК1881-м.);

Ўз навбатида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳам коррупцияга оид жиноятнинг ҳам молиявий жиноятнинг белгиларини ўзида жамлаган жиноятлар молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар ҳисобланади. Бу турдаги жиноятларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қуидаги моддаларида кўрсатилган жиноятлар киради; Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-м.); Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (176-м.); Сохта тадбиркорлик (ЖК 179-м); Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-м.); Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖК 188-м.); Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мulkни жалб этишга доир ноқонуний фаолият (ЖК 1881-м.); Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-м.); Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.); Пора олиш (ЖК 210-м.); Пора бериш (ЖК 211-м.); Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-м.); Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК243-м.)

Фойдаланилган адбиётлар рўйхати:

1. Коленко Е. Иституциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему "Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт".- Ташкент: Chashma Print, ст.110-118
2. Korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O'quv qo'llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo'jaqulov; mas'ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. - Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2017. - 5 b.
3. Бабаев А.А. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашда коррупцияга қарши қурашнинг аҳамияти ва ҳуқуқий жиҳатлари. - Магистрлик диссертацияси. - Т.: 2009, 85 б.
4. Convention drawn up on the basis of Article K.3 (2) (c) of the Treaty on European Union on the fight against corruption involving officials of the European Communities or officials of Member States of the European Union.
5. Опубликована в Официальном Журнале (далее - ОЖ) N С 195, 25.06.1997, стр. 2 - 11. (1999 йил 27 январда қабул қилиниб, 2000 йил 1 июлдан кучга кирган)
6. Зуфаров Р.А., Ахтаров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция.Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъулмуҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. - 168 бет.
7. Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4//<https://lex.uz/docs/1461327>
8. Ларичев В.В. Предварительное расследование преступлений в СИМ и Германии: Дис.... канд. юрид. наук.- Москва, 2004. С.21-
9. Li A. O'zbekiston Respublikasining moliya huquqi: Darslik. 2-nashr (qayta ishlangan va to'ldirilgan). -Т.: TDYuI, 2006. -7-bet.



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИ ЎРГАНИШ.

Гулбаданбегим Раҳмонова

Самарқанд вилояти Юридик коллежи З-босқич
ўқувчиси.

ТЕЛЕФОН: 979217215

z.kagomat60@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада хотин-қизларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ва уни ўрганиш, гендер тенглигига оид масалалар, жамиятда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор.

Калим сўзлар: Хотин-қизлар ҳуқуқи, қуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ, гендер тенглик.

Бугунги кун юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни талаб этади. Хотин-қизлар салоҳиятидан фойдаланиш, ўз мақсадларини рўёбга чиқариши учун имкониятлар тақдим этиш мамлакатнинг жадал иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўсишига ҳамда ривожланишига қўмаклашади.

Давлат ва жамиятнинг нуфузи, тафаккури, маданиятини -белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини ойнадек акс эттирувчи мезон, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабатидир.

Юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиласидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб турибди, унда хотин-қизларнинг бандлиги, ижтимоий фойдали меҳнатдаги фаол иштироки белгиланган. Ўзбекистонда аёллар ҳаракатини кучайтириш, ўзбек аёлларининг жамиятда ўз ўрнини белгилаш, Ўзбекистон аёллари иқтидор салоҳияти юксак эканини дунёга кўрсатиш мақсадида ҳукуматимиз қатор муҳим ҳужжатларни расмийлаштируди. Қолаверса, бутун халқаро майдонда ўз ўрнини топиб, дунё сиёsatдонлари томонидан эътироф этилаётган мамлакатимизнинг янги парламентида айнан хотин-қизларнинг ўз ўрни, мавқеи, даражаси бўлиши ҳам табиий.

Хақиқатан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий ўйналишларидан биридир", - деган сўзларининг ўзи ҳам юртимизда аёллар масаласи нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325 сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўzsиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг 562-сонли Қонуни ўз навбатида мустақил Ўзбекистонимизда аёллар масаласи, ҳуқуқи, манфаатлари кафолатланганлиги, уларнинг меҳнат



қилиши, оила ва жамиятда ўз ўрни топиши учун барча имкониятлар яратилганлигини янада тасдиқлайди.

Миллий давлатчиликимиз ривожида Амир Темур хукумронлиги даври алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида хотин-қизларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга нисбатан гайриқонуний хатти-ҳаракатда бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилганлиги "Темур тузуклари"да ҳам қайд этилган.

Амир Темур ва Бобурлар зукко, нозиктааб, юксак дид, оқила, фаросат соҳибалари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ақл-идрок билан муҳокама эта оладиган аёллари ва қизларини ўта қадрлаганлар.

Амиркалик тадқиқочи Дэвид Майерс жинс, генлар ва маданият масалаларини ўрганган бўлиб гендерни - эркаклик ва аёллик хусусиятларини тавсифловчи тушунча сифатида қўллаган. Хотин-қизларни эркакларга нисбатан анчагинга масалаларда устунликка эга эканликларини ҳам алоҳида таъкидлаган.

Инсон ҳаёти оиласдан бошланади. Ҳаётга бўлган барча қарашларимиз оила бағрида шаклланади. Оила муҳаббат, ҳурмат, бирдамлик ва меҳрибонлик манбаи. Айнан шу қадриятларга ҳар бир ривожланган жамият суюнади. Мустаҳкам давлатларнинг асоси ҳам, халқнинг фаровонлиги ҳам оиласалар тотувлиги туфайлидир.

Қайси оиласда аёл - она маънавияти юксак бўлса, шу оиласда аҳиллик, самимилик муҳити ҳукм суради, фарзандлар эса маънавий жиҳатдан етук инсонлар сифатида вояга етадилар, маънавиятли она ўз фарзандида одоб, инсонийлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялай олади, фарзандларига қун тартибини тўғри ташкил этишга ўргатади, бола фаолиятини талаб даражасида назорат қиласди. Оиласда маънавий озуқани етарли даражада олган инсон келажакда ўзининг баҳти ва камолоти йўлида адашмайди, ёт фояларга эргашмайди, ўз оиласи ва Ватанинг шаънини ҳимоя қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 март куни Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида "қизларимиз - бизнинг келажагимиз, миллатимиз генофондини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш - эзгу бурчимиз", - деган фикрлари мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган оқилона муносабатнинг яққол тасдиғидир.

Шунингдек, юртбошимизнинг "Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида ҳам ёшларни ҳар томонлама уйғун, билимли ва ахлоқли, миллий қадриятлар ҳамда она Ватанга содик фарзандлар сифатида тарбиялаш вазифаси белгиланган бўлиб, айниқса, миллат давомчилари бўлган кизларни маърифатли, оналик мақомига муносиб этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда яратилаётган бундай имкониятлар туфайли 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди, 184 минг 300 дан зиёд тенгдошларимиз иш билан таъминланди.

Ўтган бир йил мобайнида ўғил-қизлардан 266 нафари республика, 80 нафари халқаро фан олимпиадалари голиблари бўлди, спортчиларимиздан 12 нафари жаҳон, 93 нафари Осиё чемпионатларида, 150 нафардан зиёди халқаро мусобақаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиди.

Ҳаётни кузатар эканмиз, инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишини жамиятда ижобий муносабат билан қабул қилинади. Бундай инсонларни ақлий, ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ҳар нарсага



қодир, юзидан нур балқыйдиган, тилидан бол томадиган хушфеъл инсонлар, деб ҳам таърифланади. Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида ана шундай инсонлар ҳақида бундай дейди: "Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур". Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли,

билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни

кўзда тутса, "Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади", - дейди.

Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интигувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсон бўлишга ундейди.

Аввало бола тарбияси, хусусан, қиз боланинг тарбия жараёнида ҳукуқлари камситилмаслиги мақсадга мувофиқ. Зеро, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: "Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг".

Халқимиз аёлларни эъзозлайдиган эл. Аёл оладиган барча эъзознинг ярми аёллиги учун бўлса, ярми оналиги - ўзи қолдирадига табаррук "из" учундир. Халқимизда яна "Гул ўсса - ернинг кўрки, қиз ўсса - элнинг кўрки" деган мақол бор. Мақол қизларнинг нафосатга қиёс қилиниши билангина эмас, миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга боғлиқлиги билан пурхикматdir, шунинг учун ҳам қизлар тарбиясига элимизда алоҳида аҳамият берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз". - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Файзиев Т. Темурий –маликалар. - Т.:Ўзбекистон, 2012 йил, 18-бет.
3. www. Ziyonet. Uz. Фуқаролик жамияти.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи//Халқ сўзи, 2019 йил 8 март.
5. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: 1996. 41-бет.



ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ДОИРАСИДА ОЗИҚ ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (БМТ ВА ФАО МИСОЛИДА).

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
"Халқаро ҳуқуқ ва давлат ҳуқуқий фанлар"
кафедраси ўқитувчиси Азиза Ходжаева.
+998977559028

Аннотация: Уибу мақолада БМТ ва ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти)нинг умумий тавсиялари, муҳим хусусиятлари, муайян халқаро стандартларга мувофиқлиги, ҳамда халқаро миқиёсдаги қашоқлик ва очликка қарши кураш ва Ўзбекистонда озиқ овқат хавфсизлиги масалалари бўйича.

Калит сўзлар: БМТ, ФАО, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, балиқ овлаш, денгиз маҳсулотлари, ўрмон хўжалиги ва ўрмон маҳсулотларининг асосий турлари.

Глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлиги жуда кўп хусусиятли ва энг мураккаб муаммо мақомини олади. Маҳсулотнинг етарли миқдори ва сифатини таъминлаш унинг аспектларидан биридир. Ушбу оғир вазифа ФАО нинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади ва бу оддий вазифа эмас:

2020 йилга келиб жаҳон аҳолисининг сони 7,6 миллиард кишига этади, бу 90-йилларнинг ўрталарига нисбатан аҳоли сонининг 31 фоизга ошиши демакдир. Ривожланаётган мамлакатларда маълум бир вақт ичида аҳоли сонининг тахминан 98 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, 1995 йилдан 2020 йилгача ривожланаётган мамлакатлар шаҳар аҳолисининг сони икки баробарга ошиб, 3,4 миллиардни ташкил этади.

Бутун дунё аҳолисининг бундай ўсиши ва айниқса, шаҳарларда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамжамият учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун озиқ-овқатнинг мавжудлигини ошириш учун фермерлик ва чорвачиликни жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва тарқатиш тизимларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, янги технологияларни жорий этиш зарурлигини тақазо этади.

Ер юзида аҳолининг ўсиб бориши билан қашшоқлик ва очлик даражаси ҳам юқорига қараб ўзгариб бормоқда.

БМТ ҳисоб-китобларига кўра дунё аҳолисининг сони 2025 йилгача 83 млрдга етиши кутилаётган бир пайтда яқин 30 йил ичида озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасини 75 фоизга оширишга тўғри келади. БМТ тўйиб овқатланмаслик, хусусан, очлик, табиий оғатлар каби нафақат озиқ-овқат етишмаслигидан, балки ана шу ҳолатни бошдан кечираётган аҳолининг қашшоқлиги туфайли ҳам юзага келиши мумкинлигини очиқ-ойдин баён этади. Гарчи очликни камайтиришнинг энг самарали усули иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ҳисоблансада, БМТнинг очликка қарши кураш олиб борувчи кўпгина муассасаларининг аҳолининг ночор қатламлари, айниқса, қишлоқ жойларида марказдан узоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар учун бирламчи озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга кўмаклашувчи муҳим ижтимоий дастурлари мавжуд. Ҳамма учун озиқ-овқат мўл-кўлчилиги ҳар доим уларнинг фаол ва соғлом ҳаёт тарзи учун зарур бўлганлиги боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ташкил этилгандан бошлаб қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, овқатланишни яхшилаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун курашиб келмоқда. ФАОнинг преамбуласида



Ташкилотни ташкил этиш мақсадларини белгилайди. Ундаги аъзо давлатлар "умумий фаровонлик" га эришиш учун мустақил ва коллектив чора-тадбирларни амалга оширишда қўйдаги мақсадларни: "Озиқ-овқат сифати ва одамлар турмуш даражасини оширишни", "барча озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш самарадорлигини ошириш" ҳамда "қишлоқ аҳолисининг аҳволини яхшилаш" кўзлади. ФАОнинг юқорида келтирилган мақсади, жаҳон иқтисодиётининг ўсишига ёрдам бериш ва инсоният турмуш даражасини яхшилаш ва очликка барҳам беришга қаратилган.

ФАО фаолиятининг асосий йўналиши қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлгани билан, Уставнинг 1-моддасида: ФАОнинг маъноси, "қишлоқ хўжалиги" тушунчаси ҳисобланиб, ва шу билан бирга унинг ҳосилалари "балиқ овлаш", "денгиз маҳсулотлари", "ўрмон хўжалиги" ва "ўрмон маҳсулотларининг асосий турлари" ташкил этади.

Дастур озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан шугулланадиган (фермерлар, пудратчилар, дехқонлар) оиласи турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Бунинг учун эса аъзо давлатлар ҳукуматлари бажариши лозим бўлган қўйидаги еттига масала ўртага қўйилади:

-Озиқ овқат хавфсизлигига кўмаклашувчи иқтисодий ва ижтимоий тараққиётта эришиш учун умумий шароитларни таъминлаш;

-камбағалликка қарши кураш ва аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини кафолатлаш; -озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор тарзда кенгайтириш;

-озиқ овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда савдонинг ҳиссасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

-ҳаракат режалари ва мониторинг ўтказишида давлатлараро ҳамкорлик қилиш.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади", - деб таъкидлаган. Президент томонидан келгусидаги стратегик муҳим вазифа сифатида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илгор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиширишни кўпайтириш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"га мувофиқ Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш

Хулоса ўрида шуни айтиш мумкинки, аҳоли сонининг кескин суръатда ўсиб бориши, давлатларнинг қишлоқ хўжалигига кам даражада эътибор бериши, ишлаб чиқариш қувватининг пастлиги ҳамда маҳсулот тақсимотининг teng эмаслиги бу борада янги-янги муаммолар келтириб чиқармоқда. Бу эса ФАОнинг фаолияти таъсирини янада ошириш, янги ва аниқ лойиҳалар устида ишлашини тақозо



Этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Отдел народонаселения ООН. 1998. World Population Prospects: The 1996 Revision. Нью-Йорк
5. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения./ Под ред. Л.Н. Красавиной. Изд. второе, переработанное и дополненное. М., "Финансы и статистика", 2001. С. 7-30
6. Сборник базовых документов: Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенный Наций. Тома I и II. Издание 2017 г.



ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ИШ ЮРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

Бекзод Ражабов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистранти

+998 (99) 012 91 97

bekzod-rajabov91@mail.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишининг тарихий ривожланиши босқичлари ўрганиб таҳлил қилинган, соддалаштирилган шаклдаги айрим иш юритув турлари бўйича янги таҳрирда қабул қилиниши режалаштирилган жиноят процессуал кодексига тақлиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Жиноят ишлари бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритув, хусусий айблов, жиноят процессида протокол (баённома) тартибида иш юритиши.

Мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотлари босқичма-босқич тадрижий жиҳатдан ривожланиши, жиноят ишлари юритувига доир нормаларда ҳам соллаштирилган тартибининг турли даврларда турлича бўлганлигига тарих гувоҳлик беради.

Тарихдан маълумки, Республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамизнинг VII-VIII асрига қадар одат хукуқи[1] ҳамда зардушдийлик динининг асосий манбааси бўлган "Авесто" асосида тартибга солинган[2].

VIII асрдан - XIX асрнинг сўнгигига қадар, мамалакатимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида, жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган[3].

Жиноят-процессуал қонунларида жиноят иши юритуви мураккаблашганини (дастлабки терговда ҳимоя хукуқининг чекланиши жиҳатдан олганда) ёки маълум бир даврга келиб уни соддалаштирилгани ҳам тарихий жараёнларнинг тадрижий ривожланиш босқичи билан бевосита боғлиқ.

Жиноят ишлари бўйича иш юритувга оид нормаларда соддалаштириш жараёнининг ривожланиш босқичларини тушуниш учун, Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихига назар солиш орқали тадқиқ этамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Жиноят процессуал кодекслари қабул қилинган тарихий саналари қўйидагича бўлган:

1922 йилги РСФСРнинг биринчи жиноят процессуал кодекси 1922 йил

4 июнда қабул қилинган (6-бўлим, 32-боб, 481-модда) Туркистон АССР ҳудудида ҳам амалда бўлган.

1926 йилги, Ўзбекистоннинг биринчи ЖПК 1926 йил 16 июнда қабул қилинган (6 бўлим, 32-боб, 455-модда) ва у 1 июлдан кучга кирган. Шу пайтдан эътиборан РСФСР, Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари ЖПКлари ўз кучини йўқотган.

1929 йилги, Ўзбекистоннинг иккинчи ЖПК 1929 йил 29 июнда қабул қилиниб, (18-боб, 175-модда), шу йилнинг 1 августидан юридик кучга кирган.

1959 йилги, Ўзбекистоннинг учинчи ЖПК Олий Советнинг 5-чақириқ,

2 сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, (8-бўлим, 29-боб, 378-модда) 1960 йил 1 январдан юридик кучга кирган[4].

Суд соҳасида юз берган ўзгаришларнинг муҳим босқичини Марказий Осиё ҳудуди устидан советлар тузумининг ўрнатилиши даври ташкил қиласди.



Бу давр эса халқимиз тарихидан ўта мураккаб зиддиятли жараёнлар даври сифатида ўрин олган.

Туркистан Республикаси РСФСР таркибига кирган бўлиб, РСФСРда амалда бўлган қонунлар ўлкамиз ҳудудидаги судлов амалиётига жорий этилган эди.

1922 йилги РСФСРнинг биринчи жиноят - процессуал кодексининг муҳим жиҳати шунда эдики, илк бор судлов тизими ҳамда уни юритишида иштирок этувчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган процессуал муносабатлар муайян бир тизимга солинган эди.

Бироқ, ушбу кодекснинг мавжуд бўлишигача, турли процессуал тартиб таомиллар, турли хилдаги процессуал кафолатлар масаласи турлича ҳал қилинган.

Лекин, РСФСРнинг ЖПКсига ижобий хислат: (*Nulla poena sine lege*) қонун билан белгиланмаган бўлса, бундай ҳаракат на жиноят на шундай ҳаракатни содир қилган шахсни жазолаш мумкин.

РСФСР ЖПКда жиноят қонунчилигини қиёслаш асосида қўллаш ва дастлабки терговда ҳимоячининг иштироки чекланлаш каби салбий томонлар ўз аксини топган.

Шунингдек, қайд этилган ЖПКда муайян жиноий қилмишлар, хусусан ижтимой хавфи унча юқори бўлмаган ва кам аҳамиятли жиноят ишлари соддалаштирилган тартибда муҳокама қилинган.

Аммо соддалаштирилган тартибда муҳокама қилинадиган жиноят ишлари бўйича айблананаётган шахсга жиноят процессуал қонунда процессуал кафолатлар берилмаган[5].

Мамлакатимиз жиноят судлов соҳасида биринчи миллий жиноят-процессуал муносабатларни тартибга соглан ёзма ҳукуқий ҳужжат сифатида 1926 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 2-бўлими Суд олди юритуви деб номланган бўлиб, ушбу босқичда иш юритувга оид масалалар тартибга солинган.

Ушбу кодексда, суд олди иш юритувнинг икки босқичи:

1. Суриштирув (8-боб)
2. Дастребки тергов (9-боб) қисмлари мавжуд бўлган.

Суриштирув - 1 йилгача бўлган муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноят ишлари бўйича юритилиши назарда тутилган.

1926 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодексининг

106-моддасига кўра, Дастребки тергов, округ ёки ҳарбий трибуналлар судловига таалуқли жиноят ишлари юзасидангина юритилиб, бошқа жиноятлар бўйича дастребки тергов фақат халқ судининг қарори ёхуд прокурорнинг таклифи билан юритилиши белгиланган.

1926 йилдаги жиноят процессуал кодексининг яна бир хусусияти, "тезлаштирилган дастребки тергов" юритувнинг мавжудлигидир.

Яъни кодекснинг 108-моддасига биноан, "Агар терговчига келиб тушган материаллар иш ҳолатини тўлиқ ойдинлаштиради деб ҳисобланса, тергов тўлиқ ўтказилмасдан, айбланувчи сўроқ қилиниб, унга айблов эълон қилинади. Жиноят иши бўйича айблов хуросаси тузилиши мумкин"лиги белгиланган.

Жиноят ишини судда муҳокама қилиш босқичлари 2 га ажратилиб, биринчи босқич, суд терговига тайёргарлик кўриш тарафларнинг гувоҳ ва эксперталарнинг суд муҳокамасида ҳозир бўлганлигини аниқлаш, очиқда бўлган судланувчига нисбатан қамоқча олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, суд таркибини эълон қилиш, тарафларда раддиялари бор йўқлигини аниқлаш ва суд муҳокамасини ўтказиш учун зарур бўлган процессуал масалалар ҳал қилинган ва суд муҳокамаси



иштирокчилариға халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилиши киритилган.

Иккинчи босқич, суд тергови бўлиб (айлов хulosасини агар ишда айловчи сифатида жабрланувчи иштирок этаётган бўлса, унинг аризаси ёхуд дастлабки тергов юритилиши шарт бўлмаган ишлар бўйича прокурорнинг судга бериш тўғрисидаги қарорини (275-моддаси) эълон қилиш билан бошланган.)

Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 278-моддасида, соддалаштирилган тартибини назарда тутивчи жиноят ишини судда кўриш бўйича қоидалар ўрнатилган.

Хусусан, Айловга судланувчининг муносабатини аниқлаш муҳим процессуал масала ҳисобланиб, "агар айбланувчи айлов хulosасида қайд этилган ҳолатлар билан тўлиқ келишса", суд унинг кўрсатувларини эшлиши билан чекланиб, суд тергови ўтказилмасдан тарафлар музокарасига ўтилган. Бунда албатта айбланувчи прокурорнинг айлов хulosасида қайд этилган ҳолатлар билан келишувининг мавжуд бўлиши унинг муҳим белгиси саналган.

1926 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг таркибий тузулишида иш юритувнинг 3 тури ажратилган:

Биринчи тури: Умумий иш юритуви;

Иккинчи тури: Алоҳида иш юритуви;

Учинчи тури: Махсус (соддалаштирилган) иш юритуви.

Ўзбекистон ССРнинг 1929 йилгида ЖПКси жиноят процессуал муносабатларни "соддалаштириш" йўналишида ислоҳ қилинган. Ушбу кодекснинг 175-моддаси бўлган холос. У 1926 йилдаги кодексдан фарқли ўлароқ, нафақат сон жиҳатдан балки, мазмун жиҳатдан ҳам қисқарган.

1929 йилдаги ЖПКда суриштирув ҳамда дастлабки тергов муддатлари аниқ белгиланиб, суриштирув муддати 1 ой қилиб белгиланган бўлса, дастлабки тергов ҳаракатларининг муддатлари 2 ой қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, суриштирув ҳамда тергов устидан назоратни таъминловчи прокурор томонидан тергов муддатлари иерархик тарзда узайтирилиши каби нормалар мавжуд бўлган.

1929 йилдаги ЖПК суднинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, процессуал ваколатларни ҳам бир қадар соддалаштириб, унинг мантиқий узвийлигини кучайтириди.

Ақли норасо шахсларнинг жиноий ҳаракатлари бўйича тиббий йўсингидаги мажбуровлор чорасини қўллаш ҳақида ишларнинг алоҳида юритув тартиби жорий қилинган.

Жиноят процессуал нормаларни соддалаштириш, айрим ҳолларда бир-бирига мазмунан мос бўлмаган процессуал масалаларни бирлаштириш усулида амалга оширилган.

Масалан, жиноят иши қўзғатиши масаласи судловга тегишлилик масаласи билан (1-боб) бирилаштирилганлигини фикримизнинг далилидир.

Эҳтиёт чораларининг турлари ҳам бир мунча қисқартирилиб, ҳеч қаерга кетмаслик, кафиллик ва қамоқда сақлаш турлари қолдирилган.

Суд муҳокамаси босқичида процессуал қоидалар қисқартирилган. "Айлов хulosасини ўқиб эшиттириш" ўрнига "судланувчига айлов мазмунини тушунтириш" билан ўзгартирилган.

1929 йилги ЖПК нафақат процессуал тартибларни "соддалаштириш", "қисқартириш"да намоён бўлди, энг асосийси қатафон қилишнинг катта қуролига айланганлиги тарихнинг ўзи исбойлади.

Ушбу кодекс ўрнини тўртинчи, янги 1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида қонун эгаллаган.



1959 йилги ЖПКда гумон қилинувчи жиноят процессининг иштирокчилари доирасида киритилмаган ва унинг хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Фақатгина айланувчи ва судланувчиларниң хуқуқ ва мажбуриятлари кодекс нормаларида ифодаланган.

Айланувчи ва судланувчининг ҳимоя хуқуқлари амалда кафолатланган.

Суднинг сиртдан хукм чиқариши, айлов холосасини тузиб танишириши фаолияти тутатилган.

1929 йилдаги кодексидан фарқли ўлароқ, 1959 йилдаги кодексда суд муҳокамасида судланувчининг иштирокининг шартлиги каби қоида киритилган.

1959 йилдаги кодексда жиноят судлов ишларини юритишнинг янги шаклари вужудга келган.

Тиббиёт характеридаги мажбурий чораларни қўллаш, жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган жиноят ишларини юритиш (хусусий айловни юритиш), хулиганлик (безорилик) ва давлат ва жамоат мулкини оз миқдорда талон-торож қилганлик тўғрисида ишларни юритиш (протокол шаклда айловни юритиш), жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахсларга мажбурий жазо чорасини қўллаш ишларини юритиш каби иш юритишнинг шундай турлари бўлган.

Шулардан "протокол шаклда айловни юритиш" институти иш юритувни "соддалаштирилган" тартибига яқин бўлган институт ҳисобланади.

Протокол шаклда айлов юритиш (Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шакли) - майда жиноятларга тааллуқли хуқуқий иш юритишнинг шакли ҳисобланган.

Ушбу шакл жавобгарликка тортилган шахсларнинг шахси ҳақидаги барча маълумотларни тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама текшириш мақсадида жиноятни тез ҳал қилиш имконини берган.

Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шаклининг моҳияти шундан иборат бўлганки, бундай тайёргарлик жиноят ишини қўзғатмасдан, тергов ҳаракатларини ўтказмасдан (ҳодиса жойини кўздан кечиришдан ташқари) амалга оширилади.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий судланувчи ва жабрланувчи сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди.

Фақат хуқуқбузар тайёр иш юритуви материаллари билан танишади. Судгача иш юритиш натижалари материалларни судда кўриб чиқиш учун асос бўлган протоколда тузилади.

Материалларни судгача тайёрлаш ўн кунлик муддат билан чекланиб, муддат умуман узайтирилмаган.

Барча тўплangan материаллар протоколга илова қилиниб ва суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати тузилган. Протоколда судгача тайёргарликнинг протокол шакли кўриб чиқиш учун юборилган суднинг номи кўрсатилган. Судланувчи барча материаллар билан танишиб чиққанидан сўнг, барча хужжатлар тасдиқланиши учун прокурорга тақдим этилган.

Прокурор қабул қилган материаллар асосида қўйидаги ўзининг қарорини қабул қилган. материалларни судга юборишга рухсат бериш (1);

дастлабки тергов мажбурий бўлган жиноят тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда жиноят ишини қўзғатиш, қўзғатилган ишни терговчига ёки суриштирув органига юбориш (2); жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлмаган тақдирда, шунингдек иш юритишдан ташқари ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш (3).

Прокурор томонидан протокол тасдиқланганидан сўнг, материал суриштирув



органининг раҳбари ёки протоколга руҳсат берган прокурорнинг шахсан ўзи томонидан материаллар судга юборилган.

Суд жараёни жиноят-процессуал кодексининг - умумий қоидаларига мувофиқ, судгача иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган. Суд терговини бошлаб, суд бундай ҳолларда тузиладиган айблов хулосасини эмас, балки суриштирув органи раҳбари томонидан тасдиқланган протоколни эълон қилган.

1991- yil 14- sentabrda faollar guruhi o'tish davrida manzilli ijtimoiy yordam va ijtimoiy himoyaga muhtoj bo'lgan aholi qatlamlari va guruhlari manfaatlarini ifoda etuvchi va ilgari suruvchi partiyani tashkil etish tashabbusi bilan chiqdi. 1991- yil 1- noyabrda O'zbekiston Xalq demokratik partiyasining I Ta'sis qurultoyi bo'lib o'tdi. Qurultoy partiya Ustavi va Dasturini qabul qildi, uning ijtimoiy-siyosiy faoliyatining ustuvor yo'naliшlarini belgiladi. 1991- yil dekabr oyida partiya O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan ro'yxatga olindi. Dekabr oxiriga kelib partiyani tashkiliy rasmiylashtirish va uning hududiy tashkilotlarini Qoraqalpog'iston Respublikasi, barcha viloyatlar va Toshkent shahrida hamda mamlakatdagi barcha tuman va shaharlarda tashkil etish jarayoni yakunlandi. 1992 -yil 1 -yanvar holatiga ko'ra, partiya safida 347,7 ming a'zo bo'lib, ular 11,3 ming boshlang'ich tashkilotlariga birlashdi. 1994- yil 1- noyabrda O'zbekiston XDPning II qurultoyi bo'lib o'tdi. Qurultoy O'zbekiston Xalq demokratik partiyasining 1994- yil dekabr oyida mustaqil O'zbekistonda Oliy Majlis va xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashlariga ilk o'tkazilgan ko'p partiyaviylik saylovida ishtirok etishi to'g'risida qaror qabul qildi. Shundan o'zining o'chmas tarixiga ega. O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi o'z dasturiy maqsadlarini, avvalo, O'zbekiston mustaqilligini asrash va mustahkamlash, Vatanimiz gullab-yashnashi, mamlakatda ijtimoiy barqarorlik, fuqarolar va millatlarning o'rtasidagi hamjihatlik, har bir oila hamda butun xalqning farovonligiga erishish kabi umummilliy manfaatlar ustivorligiga asoslanib vazifalarini belgilab kelmoqda.

Xususan, O'zbekiston taraqqiyoti strategiyasining bosh maqsadi; aholisi, turmush darajasi yuqori bo'lgan, rivojlangan demokratik davlatlar qatoriga qo'shilish, jahon hamjamiyatida munosib o'rin egallash maqsadi yuqoridagi manfaatlarga to'liq mos keladi. Men ham O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi o'z oldiga qo'ygan dastur va islohotlar bilan tanishib chiqib, Xalq manfaatlari hamma narsadan ustun ekanligiga shohid bo'ldim. Mazkur jarayonda islohotlar samaradorligini tubdan oshirish, davlat va jamiyatni har tomonlama jadal rivojlantirish, mamlakatni modernizatsiyalash hamda barcha sohalarni liberallashtirishga qaratilgan.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'naliши bo'yicha Harakatlar strategiyasidagi vazifalarni partiya tomonidan hayotga tatbiq etish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Partiya shunday buyuk ishlarni o'z oldiga qo'ygan ekan, men ham shu islohotlarni amalda ijrosini bajarish uchun o'z kuch-g'ayratimni safarbar etib, kelgusida partiya rivoji uchun o'z hissamni qo'shaman. O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi Toshkent viloyati Angren shahar kengashida deputat sifatida o'z o'rnimni egallar ekanman, shu orqali qonunlarni qabul qilish, davlat hokimiyyati ijro organlarini shakllantirish, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo'naliшlarini belgilash, yoshlari siyosatida olib borilayotgan ishlarni samarali amalga oshirish imkoniyatlariga ega bo'lishni



maqsad qildim.Yuqoridagilardan kelib chiqib Toshkent viloyati Angren shahar Kengashida Yoshlar siyosati va sog'lom avlodni tarbiyalash masalalari bo'yicha doimiy komissiya a'zosi sifatida ham,Vatanimizni rivojlanishiga,O'zbekistonda kechayotgan demokratik islohotlarda faol ishtirok etib,dunyoda rivojlangan davlatlar qatoriga qo'shilishiga,kelajagimiz bo'lgan yoshlarni o'z o'rinalarini topishida, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasining rolini va hissasini oshirishga intilaman.Men ham o'zim qatori yoshlarni qo'llab-quvvatlagan O'zbekiston Xalq demokratik partiyasining deputati bo'lganimdan faxrlanaman.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati:

1. XDP 2020-2024 yillarga mo'ljallangan saylovoldi dasturi
2. www.xdp.uz
3. www.lex.uz



"YUKSAK MA'NAVİYAT -YENGILMAS KUCH"

Qahhorova Nargiza Baxtiyorovna

Navoiy viloyati Qizilteqa tumani 9-maktab Milliy istiqlol g'oyasi,

huquq va ma'naviyat asoslari fani o'qituvchisi

Tell: +99897 283 05 04

Annotatsiya: Mamlakatimizdagi hayotning rivojlanishi, unda intellektual salohiyat, aql-idrok, fikr, ma'naviy - ma'rifiy g'oyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etishidan dalolat bermoqda. Bunday tez sur'atlar bilan rivojlanish ta'lim-tarbiya, ma'naviyat, ma'rifat sohasidagina emas, balki uning tarixiga nisbatan ham jiddiy e'tiborni talab etib, talabalar ongiga ma'naviyat tarixi haqida tushuncha, ko'nikma va bilimlarni singdirishni taqozo etmoqda.

Kalit so'zlar: ta'lim-tarbiya, ma'naviyat, ma'rifat, ruh, aql, ong, idrok, ruhiy holat, , an'analari, taraqqiyot, siyosat.

Milliy an'analarimiz va asriy qadriyatlarimizning tiklanishi, hayotimizdagi o'rni yanada rnustahkarnlanmoqda. Ma'lumki, kuchli, qudratli davlat kuchli ma'naviyat zaminida vujudga keladi. Mustaqilligimizning dastlabki kunlaridan oq ajodolarirniz tomonidan ko'p asrlar mobaynida yaratilib kelgan g'oyat ulkan, bebahoh ma'naviy va madaniy merosimiz, milliy qadriyatlarinizi tiklash davlat siyosatining muhim masalasiga aylandi. Xalqimiz o'z taqdirining chinakam egasi, o'z tarixini ijodkori, o'ziga xos milliy qadriyatlarning, madaniyatining sohibi sifatida tan olindi. Hozirgi davr O'zbekiston taraqqiyotida ma'naviyat va ma'rifat, milliy istiqlol g'oyasming roll hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda. Muharam birinchi prezidentimiz I.A.Karimov "Hushyorlikka da'vat" asarida hozirgi eng muhim vazifalardan biri jamiyatimiz a'zolarini, avva'lambor voyaga yetib kelayotgan yosh avlodni karnol topdirish, ularning qalbida milliy g'oya, milliy mafkura o'z vataniga mehr - sadoqat tuyg'usini uyg'otish, o'zligini anglash, ularni milliy va umrbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratligini ta'kidlashdir. XX asrda "Ma'naviyat" tushunchasining mazmuni yanada kengaydi va dunyoviylik kasb etdi. "Ma'naviyat" arabcha so'z bo'lib "ma'no" so'zidan olingan: Ruh, aql, ong, idrok, ruhiy holat, ichki kayfiyat, dadillik, jasorat, xususiy, mohiyat, g'amxo'rlik, qayg'urish, did kabi bir necha ma'nolami anglatadi. Ma'naviyat odamlarining ruhiy va aqliy olami yig'indisi. Ma'naviyat boyib borsa, jamiyat ravnaq topadi. Aksincha ma'naviyattiing qashshoqlashuvi jamiyatning tanazzulga yuz tutishiga olib keladi. Boy ma'naviyatirniz buyuk davlat ko'rib bo'lmaydi. Ma'naviyat jamiyat va millat ravnaqining bosh omili va poydevoridir. Ma'naviyat insonni ruhiy poklanlsh va yuksalishga da'vat etadigan inson ichki olamini boyitadigan, Lining iymoni irodasini, e'tiqodini mustahkamlaydigan, vijdonini uyg'otadagan qudratli botiniy kuch ekanligini unutmaslik lozim. Moddiy narsalar odamga jismoniy oziq va quvvat bersa, ma'naviyat unga ruhiy oziq va qudrat bag'ishlaydi. Faqat moddiy jihatdan ta'minlanish bilan kifoyalanish ongsiz va ruhsiz maxluqlarga xosdir. Vatanimizmng gullab yashnayotganligini uning jahon hamjamiyatiga yuz tutayotganligi, urf-odatlarimizni qadriyatlarimizni qaytadan tiklayotganligimiz va bularni davlat siyosati darajasiga ko'targanimiz bizning ma'naviyatl xalq ekanimizdan dalolat beradi. Xalq ma'naviyati, an'analari, urf-odatlari milliy negizdan hosil bo'ladi, va tarixiy ahamiyatga ko'ra o'ziga xos, nodir sanaladi. Ayni har xalqning o'ziga xos madaniyati asrlar davomida boshqa xalqlarning madaniy yutuqlaridan ajralmagan holda yuzaga keladi rivojlanadi. Har bir avlod madaniy boylikni yangitdan yaratmaydi, balki sivilizatsiya davomida shakllangan moddiy va ma'naviy boyliklarni qabul qiladi hamda boyitadi. Demak, birinchi prezidentimiz I.A. Karimov ta'kidlaganlaridek, "Yuksak ma'naviy burchlar kecha yoki bugun o'ylab topilgan emas. Ular insonlarning ming yillik



tarixi, ota-bobolarimizning necha-necha avlodlar tajribasi davomida yuzaga kelgan". Xulosa qilib aytganda ma'naviyatning asosini vatanparvarlik, insonparvarlik, ilmli, ma'rifatli bo'lish, o'z dinini, o'z xalqining urf-odatini sevish, ularni qadrlash kabi yuksak insoniy fazilatlar tashkil etadi.

Foydalanimizga adabiyotlar:

1. www.aim.uz Ma'naviyat asosari
2. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch Islom Karimov 2008
3. Ma'naviyat tarkibi, tuzilmasi va tamoyillari. A.S.Begmatov



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Xo'janiyozova Donogul
300- DIU maktabi huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Odatda har bir davlat o'z Konstitutsiyasiga va shu asosda o'z konstitutsiyaviy tuzilmasiga ega. Sohibqiron Amir Temurning "Temur qonunlari" Sharq tsivilizatsiyasining konstitutsiyaviy hujjatining xususiyatlariga xosdir. Ular Osiyo xalqlariga, xususan bizning mintaqamizga kuchli ta'sir ko'rsatdilar. Agar biz O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi yaratilishining murakkab, o'ta muhim tarixiy voqealariga murojaat qilsak, shubhasiz, Konstitutsiya xalqimizning mustaqillik yo'lidagi harakatining mantiqiy natijasidir. Asosiy qonunni yaratishda deyarli uch ming yillik milliy davlatchilik tajribasi hisobga olingan.

Kalit so'zlar: demokratik talablar, davlat suvereniteti, fuqarolik jamiyat

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Islom Karimov, xalqimizning chinakam mustaqillik uchun olib borgan o'ta murakkab va mashaqqatli kurash tarixi, Buyuk rahbarimiz demokratik talablar va xalqaro mezonlarga to'la mos keladigan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy muallifi edi. Konstitutsiyaviy mustaqillikka erishgan birinchi huquqiy qadam davlat tili maqomining o'zbek tiliga berilishi edi. O'sha paytda men til muammolarini o'rganish bo'yicha hukumat ishchi guruhi a'zosи sifatida Islom Karimovning 1989 yil 23 iyunda O'zbekistonning birinchi rahbari sifatida faoliyat boshlanishi bilan bog'liq tarixiy jarayonlarning bevosita ishtirokchisiga aylandim. O'sha yilning 21 oktyabrida "Davlat tili to'g'risida" qonun qabul qilindi va bosma nashrda e'lon qilindi. Unda mustahkamlangan muhim huquqiy qoidalar keyinchalik Konstitutsyaning 4-moddasida quyidagicha belgilab qo'yilgan: "O'zbekiston Respublikasining davlat tili - bu o'zbek tilidir. O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiladigan millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va urf-odatlari hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi".

Konstitutsiyaviy mustaqillik sari ikkinchi huquqiy qadam bu Prezidentlik institutini tashkil etishdir. Mamlakatimiz hayotidagi bu juda muhim tarixiy voqeа 1990 yil 24 martda yuz berdi. Mustaqillik e'lon qilinishidan oldin ham XII chaqiriq Oliy Kengashning birinchi sessiyasida Prezident lavozimini tayinlash to'g'risida qaror qabul qilindi. Ushbu sessiyada Islom Karimov O'zbekistonning birinchi Prezidenti etib saylandi.

Mustaqil O'zbekistonning birinchi Konstitutsiyasini yaratish g'oyasi birinchi bo'lib ushbu sessiyada ilgari surildi. Prezidentlik institutining tashkil etilishi O'zbekistonning davlat suvereniteti va mustaqilligi yo'lidagi siyosiy va ma'naviy jasoratning haqiqiy namunasidir. Mamlakatimizda sobiq Ittifoq ichida birinchi bo'lib Prezident lavozimi o'rnatilganligi ham shundan dalolat beradi.

Islom Karimov Konstitutsiya loyihasini birinchi nashrdan oldin to'rt marta, keyingi nashrdan oldin - ikki marta va yana bir marta - hujjatni sessiyaga taqdim etishdan oldin tahrir qildi. Ushbu barcha tahrirlar va qo'shimchalar muhim edi. Islom Karimov Muqaddas kitobimiz bo'lgan "Quron'i Karim" dan foydalangan holda Konstitutsiyaga diniy qarashlar, onalik va bolalikni muhofaza qilish, erkaklar va ayollarning teng huquqligini, madaniy yodgorliklarni davlat tomonidan muhofaza qilish, to'g'risidagi moddalarni qo'shishni taklif qildi. Birinchi Prezidentimiz insонning erkinliklari va fuqarolarning burchlarini mustahkamlovchi moddalarga katta e'tibor qaratdi. Shunday qilib, yetti marotaba o'tkazilgan tekshiruvdan so'ng loyiha deputatlar muhokamasiga yuborildi.

Mamlakatimizda demokratik huquqiy davlat va kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirish tizimli va bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Konstitutsiyaviy normalar davlat



organlari va fuqarolik jamiyatni institutlari rivojlanishining huquqiy mezonlarini belgilaydi. Mamlakatimiz Konstitutsiyasi siyosiy va huquqiy hayotning ko'zgusidir.

Xulosa qilib aytish mumkin: Konstitutsiyani ishlab chiqish, muhokama qilish va qabul qilish jarayoni, shuningdek, O'zbekistonning Birinchi Prezidenti Islom Karimovning Konstitutsiya butun dunyoni davlat, millat sifatida ulug'laydigan entsiklopediya degan fikrlarini yaqqol tasdiqlaydi. xalqimiz irodasi, ma'naviyati, ijtimoiy ongi va madaniyatini namoyon etadigan millat, bu xalq tafakkuri va ijodining natijasidir.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Adolat - bu qonunning ustuvor yo'naliishi: 2001 yil 29 avgustda ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning VI sessiyasida ma'ruza. // Prezident matbuot va axborot xizmati sayti. URL: www.press-service.uz
2. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. Toshkent, 2018 yil.
3. Ta'lim muassasalari kutubxonalarini va jamoat kutubxonalarini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining yangi tahriri bilan ta'minlash to'g'risida: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 5-avgustdagい qarori. 2003 URL: www.lex.uz



"АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПСИЯСИ" ТУШУНЧАСИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ФАНЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ.

Номозова Баҳоргул Исмоиловна
Қашқадарё вилояти юридик колледжи
"Мутахассислик фанлари кафедраси" мудири,
1тоифали ўқитувчи, Зараражали юрист
Электрон манзил:afton.inbox.uz
Телефон:99891-465-54-43

Аннотация: Айбсизлик презумпсиясининг мазмуни ҳақида тушунча берилади. Айбсизлик презумпсияси жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш кафолати эканлиги тушунтирилади.

Калит сўзлар: Айбсизлик презумпсияси, гумон қилинувчи, айбланувчи.

"Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган - шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам - шу халқ. Бизга ишонч билдириган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак - одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак - аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади."

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди. Юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш асосий вазифага айланди. Бу эса ҳар бир ҳуқуқ соҳаларидағи тушунчалар-нинг мазмунини тушунишни тақоза этади.

Айбсизлик презумпсияси тушунчаси - юридик жавобгарликка тортиш жараёнита жалб этилган шахснинг айбсизлиги эҳтимолидир. Бу принсипга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар улар айбсиз ҳисобланадилар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Яъни, у бунга мажбур эмас. Мазкур вазифа суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар зиммасига юкланди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органлар шахсни юридик жавобгарликка тортиш бўйича якуний холоса чиқаришдан олдин унинг айборлигини исботловчи ишончли далилларни тўплаши лозим. Агар бунинг уддасидан чиқилмаса, ушбу презумпсияга мувофиқ шахс айбсиз ҳисобланади ва жавобгарликдан озод этилади.

Айборликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Фуқаронинг айбсизлик презумпсияси - шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолати Конституциямизнинг бутун мазмун моҳиятида устиворлик қиласиди. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, ерки қадр-қимматини биринчи ўринга қўйилади. Демократиянинг умум инсоний принципларига асосланиши уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари



олий қадрият деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (26-модда) айбизиллик презумпсияси ўзининг ифодасини топган бўлиб, унда жумладан, шундай дейилади: "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...". Бунда Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш кучайтирилган.

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасида ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Айбизиллик презумпсияси жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш кафолати ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 4-моддасининг иккинчи қисмида ҳеч ким суднинг хукми чиқарилмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қоидада айбизиллик презумпсияси моҳиятининг икки жиҳати очиб берилган. Яъни: биринчиси - жиноятнинг муайян таркибини белгилаш ва шахснинг жиноят содир этганликда икрор бўлишини қонунга аниқ риоя қилган ҳолда амалга ошириш; иккинчиси - шахс фақат суднинг айлов хулосасига, қарорига биноан айбор деб топилиши ва қонунда кўзда тутилган хукуқий чора ёки жазога тортилиши мумкин. Бунда инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффоғлиги ошириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тутатиш; вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, уларнинг хукуқий ҳимоясини қучайтириш; ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш; ижтимоий фойдали меҳнатта жалб этиш орқали ахлоқ-тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини қучайтиришга қаратилган "мажбурий жамоат ишлари" тариқасидаги жиноий жазони киритиш;

Демак, шахснинг айборлигини белгилаш учун фақат исботлаш тартиб-қоидаларига риоя қилишнинг ўзи камлик қиласи, шу сабабли жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари етарлича мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексида назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, лекин у ижтимоий хавфли, гайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010-йил 12-ноябрдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини қучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008-йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санксия бериш хукуқи прокурордан судга ўtkазилиши принсибиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конститутциявий хукуқ ва эркинликлари, унинг дахлизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда".

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантирилишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 2-йуналишида Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги таъминланди, суд тизими нуфузи оширилди ва демократлаштирилди. Маъмурий жиноят, фуқаролик иқтисодий қонунчииги такомиллаштирилди.



Суд ҳокимияти юридик жавобгарлик ва қилмишнинг хуқуқча хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаб хulosса қилади. Уларга қуидагилар киради: ақли норасолик, зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфлилилк даражаси бўлмаган хуқуқбузарликлар содир этиш кабилар.

Шундай қилиб, фуқаронинг айбизлиги презумпсияси ўзбошимчалик, зўравонлик, гайриқонуний босим ўтказиш ва қонунийлик бузилишининг олдини оловччи муҳим кафолатдир.

Ушбу ўринда буюк мутафаккир А.Фитратнинг қуидаги сўзларини келтириш ўринлидир."Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат ҳурмат топиши, Жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка тушиши, баҳтсизлик юкини тортиши эътибордан қолиб ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ".

Айбизлик презумпсияси ҳақида маълумот берилгандан сўнг ўқувчиларга Қиёсий таҳлил интерфаол усули топшириғи 5 дақиқа вақт оралиғида берилади: Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлардан зарурий мудофаа; охирги зарурат, муомалага лаёқатсизлик: Зта термин жадвал асосида бўлиб кичик гуруҳларга бўлинади, тушунчалар моҳиятини ўқувчилар билан биргаликда

	Зарурий мудофаа	Охирги зарурат	Муомалага лаёқатсизлик
1.			
2.			

таснифланади, ҳамда жадвал тулдирилади."Инсон ва унинг қадр-қиммати" ҳақида угити асосида фикрлар жанги усули қўлланилади. Фаол ўқувчилар рағбатлантирилади.

Мақсад фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларига ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга оид нормаларни рўёбга чиқариш, "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуг тушунча марказий ўринга қўйилганлиги ҳамда "Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар" деган фояни кучайтириш.



Фойдаланилган адабиётлар.

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.Ўзбекистон 2018.

2.Каримов И.А.Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепсияси.-Т.: "Ўзбекистон 2010 - 22- бет.

3.Мирзиёев Ш.М. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз,мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.

4.Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони.Т. Ўзбекистон 2020.30.04

5.Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ти Қонуни (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда.

6.ОдилқориевХ.Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Дарслик.- Т.: Адолат,2018.



АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ МАСАЛАЛАРИДА ҲАЛҚАРО ТАЖРИБА

Нозимжон Жабборов,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистри

Телефон: +998 (90) 9253426

nozim.jabborov.82@bk.ru

Аннотация:

Мазкур мақолада активларни бошқариши, жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш бўйича ҳалқаро тажриба ҳамда бу борадаги ҳалқаро ташкилотлар мутахассислари берган тавсиялар ўрин олган.

Калим сўзлар: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, активларни қайтариш.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жинояччилик туғилиши ва фаолият қўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солади.

Ҳозирги даврда давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири бу интеграция жараёни иштирокчилари ўртасидаги савдо-иктисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга асосланиб, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан муносабатларни янги босқичга кўтаришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида давлат активлари тартибсиз бошқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатаётганлиги, ҳозирги вақтда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат қўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бошқарилаётганлиги, бундай ёндашув сўнгги 27 йил давомида давлат корхоналарини қандай аҳволга олиб келгани ҳеч кимга сир эмаслиги ҳақида тўхталиб ўтган. Шунингдек, мавжуд тизимни тартибга солиш мақсадида Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни мустақил агентлик этиб қайта ташкил этиш лозимлиги, Агентлик давлат мулкини бошқариш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, акция ва облигациялар чиқариш ўюли билан уларни молиявий соғломлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларига бош-қош бўлиши хусусида таклиф билдирилган эди[1].

Ушбу таклифлар натижаси ўлароқ, 2019 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5630-сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 404-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан тасдиқланган Низомда Агентликнинг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари, хуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби белгиланган[2]. Мазкур Агентлик суд қарорлари асосида берилган ижро хужжатларини ижро этиш ваколатига эга эмас.

Активларни қайтариш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар ичida энг мукаммали, фикримизча, АҚШ қонунчилиги ҳисобланади. Бу мамлакатда "ноқонуний пулларни" ювишга қарши фаол кураш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган



бўлиб, 1970 йилда АҚШ Конгресси мазкур ҳодисага қарши кураш соҳасида замонавий давлат сиёсатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласидан учта қонунни қабул қилди: "Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида", "Гиёҳванд моддалар тарқалишини универсал назорат қилиш тўғрисида", "Банк сири тўғрисида". Ўша вақтларда ёқ Америка Кўшма Штатлари ушбу ноқонуний фаолиятда маҳфий банк депозитларидан фойдаланиш имконияти ҳақида жиддий фикр юрита бошлади.

Хусусан, бундай ҳисобварақлардан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний йўл билан олинган маблағларни тақсимлаш ҳамда ички савдо қоидаларини бузиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фаол фойдаланилган. Банк сири тўғрисидаги қонун хужжатлари ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш ва тергов қилишда асосий тўсиқ бўлган, чунки мустақил бўлган банклар ўз мижозларининг ҳисобварақлари тўғрисида маълумот беришга қонуний мажбурият олмайдилар.

АҚШ Адлия вазирлигининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва активларни қайтариш бўйими (Money Laundering and Asset Recovery Section, MLARS) ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича АҚШнинг етакчи агентлиги ҳисобланиб, хориж давлатлари расмий идораларининг сўровларини кўриб чиқиши, коррупция ва бошқа жиноий схемалар бўйича ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтаришга оид ахборот алмашишда ёрдам беради.

Адлия вазирлигининг Ташқи ишлар бошқармаси жиноят ишлари бўйича бўйими (Office of International Affairs, OIA) АҚШнинг марказий органи ҳисобланиб, ўзаро ҳукукий ёрдам тўғрисидаги барча расмий сўровларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳукуқига эга. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб келиб тушган расмий мурожаатлари Ташқи Ишлар Вазирлигига келиб тушади. Федерал Тергов Бюроси (Federal Bureau of Investigation, FBI) ва Миллий хавфсизлик хизмати тергов бўйими (Homeland Security Investigations, HSI) ушбу ташкилотларда маҳсус молиявий терговчилардан иборат маҳсус туруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг бевосита вазифаси глобал коррупцияга қарши курашишdir[3].

Германияда жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш 1992 йил 15 июлда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва бошқа уюшган жиноятчиликнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан жиноий қонунчиликка ўзгартишлар киритилган.

Хусусан, Германия Жиноят кодексининг 261-моддаси пул ювиш ва мулкий имтиёзларни яширганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра ноқонуний хатти-ҳаракатлардан бири натижасида олинган даромадни, унинг келиб чиқиши манбасини яширган ёки ушбу обьектнинг келиб чиқиши, унинг жойлашган жойи, мусодара қилиниши, олиб қўйилиши, сақланиши ёхуд бундай обьектнинг сақланиши ёки сақланишига тўсқинлик қиласидан ҳар қандай шахс жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу модданинг 5-қисмида жиноят эҳтиётсизлик (бепарволик) туфайли содир этилган бўлса ҳам жиноий жавобгарликка тортиш имконияти кўзда тутилган. Шунингдек, агар жиноятчи ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олса ва зудлик билан бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар қилса ва моддий бойликлар буст бутун сақланишини таъминласа, бундай ҳаракатлар жавобгарликни истисно қиласиди[4].

Активларни қайтариш бўйича Ирландия тажрибасида жиноий йўл билан қўлга киритилган активларни мусодара қилишни таъминлаш учун жиноий мусодара



қилиш ва жиноий таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида мол-мулкни мусодара қилиш белгиланган[5]. Ноқонуний ўзлаштирилган активларни қайтариш бўйича тергов Бюроси кўп тармоқли агентлик бўлиб, полиция, солик ва божхона бошқармалари, ижтимоий хавфсизлик вазирлиги вакиллари, юридик мутахассис, маъмурий ва техник ходимлардан иборат.

Тайланд ҳукумати томонидан 1999 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва пулларни ювишга қарши курашиш тўғрисидаги қонун (Anti-Money Laundering Act - AMLA) қабул қилиш билан бирга пулларни ювишга қарши курашиш бошқармаси (Anti-Money Laundering Of?ce - AMLO) ташкил қилинган[6].

Бошқарма Адлия вазирлиги назорати остида иш олиб борадиган мустақил орган бўлиб, Бош вазир ёки унинг ўринбосари бошчилигидаги пулларни ювишга қарши Кенгашга ҳисобот беради.

AMLO жиноятларни тергов қилишдан ташқари активларни мусодара қилиш ва ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ ишларни текшириш учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикасида суд қарорлари асосида бериладиган ижро хужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида"ти Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижроилари зиммасига юклатилган бўлиб, суд қарорлари ижроси бўйича мол-мулкларни давлат фойдасига мусодара қилиш мазкур қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 15 июль 2009 йилдаги "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб кўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ти Қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади[7].

Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш Агентлиги ўзига юклатилган функция ва вазифалари доирасида давлат активларини бошқариш, хусусийлаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш ва риэлторлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланиб, у жиноий йўллар билан ўзлаштирилган активларни қайтариш ёки уни тасарруф қилишда ваколатли эмас.

Суд қарорлари асосида мусодара қилиш белгиланган активларни давлат даромадига қайтариш эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижроилари томонидан амалга оширилади.

Юқорида баён этилган ҳорижий тажрибаларга асосланган ҳолда, миллий қонунчилигимизда ҳам ҳорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл ташкилоти активларни аниқлаш ва уларни тасарруф этишни вақтинча чеклаш каби айрим турдаги сўровнома (талабнома)ларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан тўғридан-тўғри бажариш тартибини белгилаш таклиф этилади.

Кейинчалик ушбу активлар юзасидан ҳорижий давлатлар судлари томонидан якуний қарор қабул қилинганидан кейин эса, амалдаги тартибга кўра ушбу қарор миллий судларимиз томонидан тан олиниб, ижрога қаратилганидан сўнг ижроси таъминланиши бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштиришга хизмат қиласи.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 28.12.2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.

2. 15 май 2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 404-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом.

3. "Механизмы и процедуры возвращения активов в США: практическое руководство для международного сотрудничества". Подразделение по отмыванию денег и возврату активов (MLARS) Министерство юстиции США

4. "Опыт США и Германии в сфере борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем" МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "СИМВОЛ НАУКИ" №2/2016 ISSN 2410-700X.

5. Выявление доходов от преступной деятельности: Опыт Ирландии. "Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства" стр. 220.

6. Роль Бюро по управлению активами в составе Управления по борьбе с отмыванием денег "Возврат похищенных активов Руководство по конфискации активов вне уголовного производства" стр. 239.

7. 15 июль 2009 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Низом.



ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ИШ ЮРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН ВА МОХИЯТ.

Бекзод Ражабов

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси Академияси магистранти

Тел:+99899-012-91-97

bekzod-rajabov91@mail.ru

Аннотация: Мақолада жиноят ишлари бүйича иш юритувни соддалаштириш борасида айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва назариялари таҳлил қилиниб, юридик жиҳатдан таъриф берилган.

Калим сўзлар: Соддалашмоқ, соддалаштириш, жиноят - процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиши, терговга қадар текширув, суришигув, дастлабки тергов ва судда иш юритиши.

Суд тизимини такомиллаштириш ҳамда уни мунтазам ривожлантириб бориши - жамият олдида турган энг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий вазифалардан биридир. Зоро, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган туб ижтимоий ислоҳотлар мамлакатимизда демократик ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "буғунги кунда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнлари янги, юксак босқичга кўтарилимоқда. Бинобарин, суд тизими фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, унинг натижадорлигини тубдан яхшилаш энг долзарб вазифага айланмоқда"[1].

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида, "Соддалашмоқ", "оддий" тушунчаларига қўйидагича таъриф берилган бўлиб, унга кўра, тузилиши, таркиби жиҳатдан оддийроқ ҳолга келтирмоқ, англашилиши осон, унча мураккаб бўлмаган ҳолат сифатида изоҳланган[2].

Маълумки, мамлакатимиз парламенти томонидан дастлаб соддалаштирилган тартибда иш юритиши борасидаги процессуал юридик нормалар фуқаролик суд ишларини юритишга доир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида, кейинчалик иқтисодий суд ишларини юритишга доир Ўзбекистон Республикасининг "Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ти Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий-процессуал кодексига 5 та моддадан иборат "Соддалаштирилган тартибда иш юритиши" деб номланган

231-боб билан тўлдирилган эди. Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам янги 3321-модда "Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишининг соддалаштирилган тартиби"[3] деб номланган янги қарор ижросида соддалаштирилган тартиб таомиллар билан тўлдирилди.

Демак, амалдаги жиноят процессуал кодексига ҳам янги соддалаштирилган тартибни назарда тутувчи янги нормалар киритилиши кун тартибida турган навбатдаги долзарб масаладир.

Илгари сурилаётган таклиф бўйича олий маълумотли юристлар ва кенг жамоачилик фикрини ўрганиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси Академияси ходимлари орасида "Жиноят процессида соддалаштирилган тартиб ҳақида биласизми?" деган сўровнома ўtkазилди.



Сўровнома натижаларига мувофиқ, кўйилган саволлар бўйича 56%

(114 нафар) ушбу ҳақда ўзининг тушунчаси мавжуд эканлигини кўрсатиб овоз берган бўлса, қолган 45 % (116 нафар) бу тўғрисида алоҳида юридик таъриф мавжуд эмаслиги борасида фикр билдирганлиги ушбу жиноят процессида соддалаштирилган тартибида иш юритиш тушунчасини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатмоқда[4].

Айни вақтда, жиноят процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибида иш юритиш тушунчасининг аниқ норматив тусдаги хуқуқий моҳияти қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Шу боис, "Жиноят процессуал муносабатларни соддалаштириш", "судга қадар иш юритувда соддалаштирилган тартиб"нинг мазмун-моҳияти, унинг назарий хусусиятлари борасида мамлакатимиз айrim ҳуқуқшуносларининг назарий фикрларини кўриб чиқамиз.

Жумладан, ИИВ ҳузуридаги тергов департаменти бошқарма бошлиғи ҳуқуқшунос Б.Э.Бердиалиев, "судга қадар ишни юритувнинг соддалаштирилган тартиби"га - терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида иш ҳолатлари аниқ ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини инобатга олган ҳолда қисқа муддатда қонуний қарор қабул қилиш инконини берувчи жараён деб таърифлаган[5]. Ҳуқуқшунос олим Н.И.Хайриев томонидан жиноят процессуал муносабатларни интенсификациялаш (ёки жадаллаштириш) орқали жиноят процессуал муносабатларни соддалаштириш жараёнини тадқиқ этган[6]. ТДЮУ ю.ф.д. профессори З.Ф.Иногомжонова суд босқичида соддалаштирилган тартибни, Г.З.Тўлаганова суд босқичида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши [7] хусусида ўз илмий ишларида фикр юритишган. БМТ нуқтаи назарига кўра, "соддалаштирилган тартиб" ("summary proceedings") бу - одил судлов тизимини юқори сифатда самарадорлигини ва ҳаражатларни камайтириш орқали судга қадар ҳамда суд босқичида ишни кўриб чиқиши тезлаштирилишини таъминлашга қаратилган тартиб" бўлиб ҳисобланади[8].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида, "Ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва унга билдирилаётган айбловнинг асосли эканлигини билиш учун, тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ҳамда мустақил ва холис суд томонидан барча адолат талабларига риоя қилган ҳолда суд муҳокамасида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга"лиги қатъий белгиланган[9]. Фикримизча, бу ердаги, "адолат" тушунчаси замирида айбланувчини азобловчи процессуал шаклларни имкон қадар қисқартириш ва унинг тақдирини тезликда ҳамда адолатли ҳал қилишга имкон қадар шароит яратадиган судлов юритуви тартибини амалга оширишни назарда тутмоқда. Айнан ана шу қоида, кейинчалик жиноят ишларини судларда юритиш бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқишига пойдевор бўлиб хизмат қилган. Жумладан, 16 декабрь 1966 йилдаги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"нинг 9-моддаси 3-бандига мувофиқ, "жиноят содир этганликда айбланиб ушланган ёки қамоқقا олинган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ваколатини амалга оширувчи мансабдор шахснинг ҳузурига келтирилиши, шунингдек, оқилона (мақсадга мувофиқ) муддат ичида ўзига нисбатан юритилган ишнинг судда муҳокама қилиниш ёки озод бўлиш ҳуқуқига эга"[10].

Жиноят процессида одил судловни амалга оширишни соддалаштириш билан боғлиқ муаммолар турли илмий йўналишларда ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Хусусан, процессуалист ҳуқуқшунос олими Ю.К.Якимовичнинг фикрича, "соддалаштирилган судлов юритуви" бу жиноят процессининг тузилиши ва



тизимига боғлиқ бўлган жиноят процессининг элементи" сифатида тадқиқ этган[11].

Жиноят процессининг тузулиши сифатида унинг босқичларида иш юритувнинг қанчалик тез фурсаларда кўриб чиқилиши, жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра иш юритиш ваколатига эга бўлган давлат структураларининг муайян ваколатларини қонунда беглилаб берилиши билан ўз фикрини исботлаган.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини мақуллаган ҳолда фикримизча қуйидагича таърифни келтириш жоиз. "Жиноят - процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш - терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов, суд босқичида иш ҳолатларини аниқ ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезлиқда ҳамда оқилона муддатларда қонуний қарор қабул қилиш инконини берадиган, жиноят процессининг барча иштирокчиларининг ортиқча тақрорловчи куч ва бошқа воситаларни сарфланишини олдини олишга қаратилган жиноят процессининг жараёни" дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлини катьяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. -Б.427.
2. Э.Бегматов, А.Мадвалиев ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. "Ўзбекистон миллий инцеклопедияси" давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси.
3. <https://lex.uz/pdfs/4766244#4767242>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application April 5, 2020)
- 4.Б.Х.Ражабов. Жиноят ишлари бўйича иш юритувни соддалаштириш: миллий ва хорижий тажриба. Магистрлик диссертация ишининг 2-иловаси. 2020 йил апрел-май ойларида диссертация иши бўйича Бош прокуратура Академияси телеграмм каналида ўтказилган сўровнома натижаларидан.
5. Б.Э.Бердиалиев. Ишни судга қадар юритиш тартибини соддалаштиришга оид айрим масалалар. Илмий мақоласи. 139-бетда. Жиноят ва жиноят - процессуал қонунчиликни либераллаштириш - инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш кафолати: Республика илмий - амалий конференцияси материаллари (2018 йил 24 апрель) ИИВ Академия. Т-2018 й.
- 6.Н.И.Хайриев. Жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясидан. ТДЮУ. Т: 2016 йил.
7. З.Ф.Иногомжонова, Г.З.Тўлаганова. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув кўйланма.
8. Т. ТДЮИ нашриёти 2006.
9. Ш.Ҳайдаров. Жиноят ишларини юритишнинг каррупцияга қарши курашиш борасидаги аҳамияти. http://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_ID=21525
10. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. <https://lex.uz/231546494>
11. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/165164681>
12. Якимович Ю. К. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производства. Основные и дополнительные производства. -Томск: 1991. -С. 48



МЕЖДУНАРОДНЫЕ ДОГОВОРЫ ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА: КРАТКИЙ ОБЗОР, ОСОБЕННОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ

Рахманова Сабрина Шухрат кизи

Студентка 2 курса Ташкентского государственного юридического университета
rakhmanova1709@mail.ru

Аннотация. В настоящей статье исследованы международные договоры по правам человека и дан краткий обзор, особенности и тенденции развития международных стандартов в области прав человека.

Ключевые слова: права человека, международные организации, ООН, универсальные стандарты по правам человека, декларация, пакт, конвенция.

Права человека являются неотъемлемым достоянием всех людей, без какого бы то ни было различия на основании расы, цвета кожи, пола, языка, религии, национального или социального происхождения, или любого иного аспекта.

В ст. 1 Устава Организации Объединенных Наций (ООН) говорится, что одна из главных целей ООН заключается поощрении и развитии уважения к правам человека и основным свободам для всех, без различия расы, пола, языка и религии. Важно подчеркнуть роль Устава в создании правовой основы для формирования механизма международной защиты прав человека, особенно в области разработки международных стандартов и деятельности международных контрольных органов [1].

Аналогичные положения содержатся в уставах практически всех региональных организаций. В частности, в Заключительном акте Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе (Хельсинский заключительный акт) от 1975 года, отдельной главой были определены направления деятельности и закрепления прав человека как основополагающих, и после принятия данного акта принцип уважения прав человека и основных свобод был включен в 10 главных императивных принципов международного права. То есть уставы региональных организаций не просто подтвердили. Сегодня права человека стали важнейшим и наиболее динамично развивающимся направлением международного сотрудничества. Принято огромное количество международных договоров по правам человека. Их принято называть международными стандартами по правам человека [2].

Под международными стандартами в области прав человека понимаются международно-правовые нормы, закрепляющие и развивающие принципы прав человека. В первую очередь, это обязательства государств предоставлять индивидам основополагающие права и свободы и не предпринимать действий, посягающих на эти права и свободы, не допускать какой-либо дискриминации, а также пресекать действия, нарушающие права человека. Помимо этого, устанавливается ответственность государств за невыполнение своих обязательств, определяются международные механизмы защиты прав человека.

Ключевую роль играет Международный бильль о правах человека, который включает в себя: Всеобщую декларацию о правах человека (1948), Международный пакт о гражданских и политических правах (1966), Международный пакт об экономических и социальных правах (1966), Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах (1966), второй Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах, направленный на отмену смертной казни (1989). Наличие огромной



правовой базы, включающей множество документов, обуславливает необходимость их классификации.

Стандарты делятся на универсальные, т.е. признанные во всем мире (как правило, это нормативные акты, принятые ООН) [3] и региональные, действие которых распространяется на определенный регион, обычно на территории какого-либо межгосударственного объединения (Совет Европы, Европейский Союз, СНГ и пр.) Региональные стандарты часто бывают более конкретными, предусматривающими более строгую ответственность в рамках межгосударственного объединения для государств-нарушителей этих стандартов.

По юридической природе договоры по правам человека можно подразделить на документы обязательного и рекомендательного характера.

Так, международные стандарты бывают в виде деклараций, международных договоров (пакты и конвенции), резолюций международных организаций, руководящих принципов. Декларации принимаются обычно итоговым документом совещаний межгосударственных органов (например, резолюцией Генеральной ассамблеи ООН) и не имеют обязательной силы. Декларация - это свод принципов, определяющий дальнейшее направление развития международных отношений в определенной сфере. Государство может стараться приводить свое законодательство в соответствии с декларацией, но не обязано это делать.

Основу международно-правовых норм в области прав человека составляют международные договоры (соглашения) - пакты и конвенции. Эти формы международно-правовых актов носят общеобязательный характер для всех государств, их ратифицировавших или к ним присоединившихся. На основе договоров создаются специализированные международные органы для контроля за соблюдением условий соглашений.

Лекин айнан шу гуруҳнинг ҳуқуқий мақоми ҳозирги қонунчиликда муаммоли бўлиб, олимлар ўртасида турли баҳс-мунозораларни келтириб чиқармоқда.

Бир қатор рус олимлари жумладан, Е.Ю.Пашкова, Д.Н.Северин бу субъектлардан корпорация иштирокчиси мақомини йўқотган шахслар иштирокидаги низоларни ва универсал ворислик асосида улуш, пай, акциялар ворислари иштирокидаги низоларни корпоратив низолар жумласига киритишни асосли деб ҳисоблайди .

Фикримизча, бу нуқтаи назар тўғри ҳисобланади, чунки бу туркум низолар келтириб ўтилган шахсларнинг айнан корпорацияга ва унда иштирокчилик ҳуқуқларига таалуқли эканлиги низони корпоратив низо сифатида баҳолашга асос бўлади.

Юқорида баён қилинганларга асосан, корпоратив низолар таалуқлилигининг предмет ва субъект мезонларини такомиллаштириш асосида қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир нечта таклифларни келтириб ўтамиз.

Биринчи таклиф, процессуал қонунчиликка корпоратив низо субъектлари қаторига корпорация иштирокчиси статусини (бошқа шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида) йўқотган субъектлар, шахсларни ҳам киритиш лозим ҳисобланади, яъни бундай шахслар иштирокидаги низоларни шахснинг корпорацияда иштирокчилик муносабатига боғлиқ низо бўлганлиги сабабли, корпоратив низо эканлигидан келиб чиқиб, иқтисодий судлар таалуқлилиги киритиш.

Чунки амалиётда бу шахслар иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилганларида уларнинг даъвоси арз қилинган пайтда корпорация иштирокчиси эмаслигига асосланиб низо иқтисодий судларга таалуқли эмас деб рад қилиниши



уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари одил судлов томонидан кафолатланишига салбий таъсир ўтказади. Бу эса, бу шахсларнинг ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин.

Агар бу масалага иқтисодий процессуал қонунчилик асосларига таяниб баҳо берганимизда ҳам, бу субъектларнинг иқтисодий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини қонунийлаштириш асосли эканлигига амин бўламиз. Чунки, процессуал қонунчилигимизда бу масала ЎзР ИПКнинг 25-моддаси иккинчи қисмида "Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади" деган норма асосида ҳал қилинган. Ушбу нормани қонун аналогияси асосида қўллаб, ИПК 25-моддасига қўйидагича ўзгартириш ва қўшимича киритилиб: "Корпорация иштирокчиси мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги корпорацияда иштирокчилик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади", деган қисм билан тўлдирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи таклиф, корпорация ташкил қилиш, яъни уни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан олдинги тарафлар ўртасида корпорация ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни корпоратив низолар таркибида киритиш ва бу низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаш. Бу шахслар иштирокидаги низони фуқаролик ишлари бўйича судлари эмас, балки иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаш.

Бинобарин, корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддаси биринчи қисмининг 1) бандига кўра, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар, корпоратив низолар жумласига киритилган. Бу норма талабидан бу туркум низоларнинг корпоратив низо эканлиги ва уларнинг иқтисодий судлар судловига тааллуқли эканлиги талаби келиб чиқади. Лекин амалиётда, бу норма тегишли тартибда кўлланилишида корпорация, яъни юридик шахсни ташкил этиш жараёнидаги иштирокчиларнинг иқтисодий низолар субъекти таркибида киртилмаганлиги тўсқинлик келтириб чиқаради.

Бинобарин, ИПК 25-моддасида биринчи қисми биринчи бандида, "иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар", деб белгиланганлиги амалиётда тааллуқлилик борасида бу шахсларни бу низолар иштирокчиси эканлиги юзасидан ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Шу боис, ушбу нормага тегишли равишда ўзгартириш киритилиб, "шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда, жумладан юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низоларда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади)", деган таҳрирда қабул қилиниши таклиф қилинади.

Юқорида келтирилган таклифларнинг процессуал қонунчилигимизга киритилиши корпоратив низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилик мезонларининг мукаммаллашишида, натижада бу низоларнинг тегишли суд ваколати доирасида малакали кўриб чиқилишини таъминланишида ҳамда



фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини одил суд томонидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 24 январда қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/3523891>.
2. Афанасьева Е.В. Корпоративное право. Учебный курс. Москва-2017. <https://istina.msu.ru/publications/book/75206574/>.
3. Вялых Е.И. Процессуальные особенности рассмотрения корпоративных споров в Российской Федерации. Автореферат докторской диссертации на соискание кандидата юридических наук. Екатеринбург - 2018. <https://www.twirpx.com/file/2626403/>.
4. Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат докторской диссертации на соискание кандидата юридических наук. Москва-2006. <https://www.dissertcat.com/content/korporatsiya-i-korporativnye-konflikty>.
5. Пашкова Е.Ю. Подведомственность арбитражным судам споров, возникающих из корпоративных правоотношений. Автореферат докторской диссертации на соискание кандидата юридических наук. Москва-2016. <https://www.dissertcat.com/content/podvedomstvennost-arbitrazhnym-sudam-sporov-voznikayushchikh-iz-korporativnykh-pravoootnoshen>.
6. Северин Д.Н.. Рассмотрение судами споров, вытекающих из условий учредительства хозяйственных обществ (корпоративные споры). Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Минск, 2014. <http://dep.nlb.by/jspui/handle/nlb/45667>.



ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Алижонов Саид Али Анваржон ўғли,
Магистратура, 1-босқич
ЖИДУ, "Халқаро ҳуқуқ" йўналиши**

Аннотация: Мазкур мақолада гиёхвандлик муаммоси, гиёхвандликка қарши самарали курашии ноқонуний наркосавдога нисбатан мамлакат хавфсизлигини таъминлашмасалалари ёритилган. Ўзбекистон ҳукумати ИНТЕРПОЛ ваколатхонаси, БМТ Гиёхвандлик ва жиноятычиликка қарши кураш бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик масалалари ва МДХ давлатлар ҳамжиҳатликда иш тутишлари ва ички ҳуқуқий базани мустаҳкамлаб боришлари масалалари тадқиқ этишдан иборатdir.

Калит сўзлар: гиёхвандлик муаммоси, курашии, ИНТЕРПОЛ, ноқонуний наркосавдо, прекурсорлар, жиноятычилик.

Инсоният янги минг йилликка қадам қўйган бир пайтда эски асрдан баъзи иллатларни мерос қилиб олди. Шулардан бири "XXI асрнинг вабоси" номини олган гиёхвандлик муаммосидир. Бу иллат айрим шахсларнинг ҳаётини заҳарлаш билан чегараланиб қолмади, балки бутун жамиятни издан чиқарувчи ва бутун бошли давлатларни инқизор жарига итариб юборувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни таъкидлаш муҳимки, гиёхвандлик иллати бир давлат ҳудуди чегарасидан ташқарида ривож топади ва енгил мўмай даромад топиш учун ундан фойдаланувчи разил шахсларни ўз домига тортади. Гиёхвандликка қарши самарали курашиш учун давлатлар ҳамжиҳатликда иш тутишлари ва ички ҳуқуқий базани мустаҳкамлаб боришлари керак бўлади.

Маълумки, гиёхвандлик муаммоси асрлар давомида изғиб, ҳозирги тубан кўринишга келди.

XX асрнинг II ярмига келиб, гиёхвандлик муаммоси янги даражага кўтарилиди. Бунга эса техника ва технологиянинг ривожланиши, қолоқ давлатларга ривожланган мамлакатлар эътиборининг сусайгани хамда таълим тизимида ислоҳотлар пасайиб кетганилиги таъсир кўрсатди. Аксарият холларда, ноқонуний наркосавдони амалга оширадиган шахслар четда қолиб, бегуноҳ ва унинг аянчли оқибатларидан умуман бехабар инсонлар нобуд бўладилар. Гиёхвандлик билан шуғулланишни қўллаб-қувватлайдиган омил бу унинг енгил даромад келтиришидадир. Бу салбий касб бозорда ўзини оқлаган ва қатъйлиги билан донг таратгандир. Биринчидан, гиёхвандлик воситаларининг бозордаги нархи унинг етиштириб чиқарилишига нисбатан 100 мартағача даромадлироқ бўлса, иккинчидан бу моддадан бир марта татиб кўрган шахс кейинрок хам сурункали равишда уни истеъмол қилиб туришни тусаб қолади. Масаланинг оддий шахс онгига англаниши кийин бўлган жиҳати шундаки, гиёхвандлик жамиятда мисли кўрилмаган касофатлар келтириб чиқариши мумкин. Буларга оммавий эпидемиянинг тарқалиши, жиноятычилик суръатининг кескин кўтарилиб кетиши, ахлоқсизлик даражасининг ўсиб кетиши, жамиятнинг демографик кўрсатгичи пасайиб кетиши ва иқтисодий инқизорни келтириб чиқариши мисол бўла олади.

Хусусан гиёхвандлик бўйича европа мониторинг журналининг 2016 йилги ҳисботига кўра, Европада гиёхванд моддалар савдосидан тушадиган даромад Европа Иттифоқига аъзо саккиз давлатнинг ЯИМнинг 0,1-0,6 фоизини ташкил етади. 2018 йилда Европа Иттифоқидаги гиёхванд моддаларнинг чакана бозори



24 миллиард еврога баҳоланди, унинг асосий қисми наша бозори бўлиб, бу бозорнинг 38 фоизини ташкил қиласди, иккинчи ўринда героин (28 фоиз), учинчи ўринда кокаин (24 фоиз). Шу билан бирга, бу рақамларни минимал деб ҳисоблаш керак, чунки уларни ҳисоблашда атиги бешта асосий дори ҳисобга олинган ва муҳим тахминларни талаб қиласиган чекланган маълумотлар ишлатилган [1]. Яна бир аянчли маълумот, Ер юзида наркотик моддаларни истеъмол қиласиганлар сони 2017 йилда 271 миллион киши, яъни 15-64 ёшдаги дунё аҳолисининг 5,5 фоизи гиёҳванд моддаларни истеъмол қиласди. Ушбу рақамлар 2016 йилги тахминларга яқин бўлишига қарамай, узоқ муддатли таҳлил шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда гиёҳванд моддаларни истеъмол қиласиганлар сони 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп. Гарчи ушбу ўсиш қисман 15-64 ёшдаги популяциянинг 10 фоизга кўпайиши билан боғлиқ бўлсада, мавжуд маълумотлар Африка, Осиё, Европа ва Шимолий Америкада опиондан фойдаланишининг юқори даражада тарқалишини, шунингдек, Шимолий Америка, Жанубий Америка ва Осиёда гиёҳванд кишиларнинг юқори эканлигини кўрсатмоқда[2].

Ҳозирда Марказий осиё айrim давлатларида нарковазият фуқароларга жиддий таҳдид туғдиришда давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди гиёҳванд моддалари етиштириш учун унумдор ҳисобланади. Бироқ, ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг сергаклиги туфайли мамлакат тупроқларида гиёҳванд етиштириб чиқариш сезиларли кўпаймаган. 2014 йил мобайнида 15 ёшдан 64 ёшгacha бўлган 5% га яқин аҳоли (бу тахминан 250 млн. одам) наркотикларнинг ҳеч бўлмаганда бирор бир турини татиб кўрган. Тўғри, бу кўрсаткич кейинги 4 йил мобайнида дунё аҳолисининг умумий сонига нисбатан ошмаган. Лекин, сўнгги 6 йил мобайнида илк маротаба гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида унинг салбий оқибатларидан азият чекаётганлар сони номутаносиб равишда ўсганлигини кузатиш мумкин. 29 млн. дан зиёд одам бугунги кунда мана шу тоифага мансуб (бу кўрсаткич аввал 27 млн. бўлган). 12 млн. га яқин одам инфекция йўли билан гиёҳванд моддаларни қабул қиласди, уларнинг 14% ОИВ/ОИТС билан касалланган [3]. Мустақиллик қўлга киритилгандан биланоқ ўзбекистон Республикаси жиноятчиликнинг айrim турларига қашқатқич зарба бериб, янги жиноят кодексини қабул қилди[4]. Мамлакат ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятлари такомиллаштирилди. 1961 йилги "Наркотик воситалар т?грисидаги Конвенция[6]", 1971 йилги "Психотроп моддалар тўғрисидаги БМТ Конвенцияси"[5] ҳамда 1988 йилги "Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишга қарши кура БМТ Конвенцияси[7]" ҳукуматимиз томонидан ўрганиб чиқилди ва имзоланди. Қўшни давлатлар билан "Ноқонуний наркотик воситалар ва психотроп моддалар ҳамда прекурсорларни ишлаб чиқариш, муомалага киритиш ва истеъмол қилишни назорат этиш тўғрисида шерикчилик Меморандуми (1992 "Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукуматларининг наркотик воситалар ва психотроп моддаларни ноқонуний муомала шартномаси" (1996)[8], имзоланди. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда гиёҳвандликни бартараф этиш бўйича етарлича ҳукуқий база мавжуд. Бу эса ноқонуний наркосавдога нисбатан мамлакат хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади. Демакки, қонунга таянган холда ушбу вабога қарши самарали кураш ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон ҳукумати ИНТЕРПОЛ ваколатхонаси, БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик олиб борилмоқда ҳамда мамлакат ички органлари (Божхона хизмати, Солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги



Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази) ўз фаолиятларини мувофиқлаштирмоқдалар. Республика Соғликни сақлаш ва Таълим вазирликлари томонидан дастурий фаолият амалга оширилмоқда. Ўтиш даврида қонунларнинг ўзгартиришларга учраши, кушимчалар киритилиши ва такомилланиб бориши одатий ва зарурый ҳолатдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳванд" воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида" ги қонуни ҳам такомиллаштирилди [8]. Бироқ, мазкур қонунни янада такомиллаштириш ҳозирги кун талабига айланиб бормоқда. Жумладан, 46 моддадан иборат бўлган мазкур қонунда асосан гиёҳвандлик воситалари иштирокида ноқонуний фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ёритилган. Масалан, қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган қонуний гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар р?йхати тартибга солинган бўлса, 5, 9 моддаларда эса Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонуний гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни муомалага киритиш фаолияти ва уни лицензиялаш тартиби қўрсатилган. Бундан ташқари, 24 моддасида Ўзбекистон ҳукуматининг гиёҳвандлик воситалари ва Писиҳатроп моддалар ва прекурсорларга нисбатан монополияга эга эканлиги, улардан фақат тиббиёт мақсадларида фойдаланиш тартиби қайд этилган. Аммо наркотик моддалардан қонунга хилоф равища фойдаланиш, уларни ноқонуний савдога чиқариб юбориш билан боғлик файриқонуний хатти-ҳаракатлар ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш қонунда етарли изоҳланмаган. Фақатгина

В бўлимда (33-модда) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни қонунга хилоф равища муомалага киритишга қарши курашни мувофиқлаш тартиби, оммавий рекламага (34-модда) йул қўйилмаслиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни тиббий к?риқдан ўтказиш (35-модда) ва конунга асосан гиёҳвандлик воситаларини назорат қилишни таъминлай олмаган юридик шахсларни тугатиш (40-41 моддалар) тўғрисида суз юритилади. Афсуски, ноқонуний наркосавдо билан шуғулланадиган шахслар қора бозорда якка ҳолда фаолият юритиб, кунига минглаб савдо операцияларини амалга оширадилар. Бундай жиноятчиларни жавобгарликка тортиш тартиби, уларнинг категориялари қонунда ўз аксини топа олмаган. Бундай жиноятларни жавобгарликка тортиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида XIX бобда ўз аксини топган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища жиноят содир этган айрим шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш хаққининг йигирма беш бараваридан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш[9] жазолари қўлланилищи белгиланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида" ги қонуни ўртасида атамаларнинг ишлатилиши бўйича номутаносибликлар мавжуд Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида "гиёҳвандлик" атамаси ишлатилган бўлса, бу атама 1999 йилги қонунда "гиёҳвандлик" сифатида" қайд этилади. Бундан ташқари, "гиёҳвандлик" атамаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексида ", Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида" кўлланилади. Бу эса кўпчилик ҳуқуқшунослар ўртасида баҳс-музокарага сабаб бўлиб келмоқда. Чунончи, ҳуқуқшунослар Жиноят кодексида келтирилган гиёҳвандлик шаклини кўллайдилар, зеро "гиёҳвандлик" дейиш билан гиёҳлар дунёсини салбий бўёқقا буркаб кўйган бўламиз дейдилар. Бошқа ҳуқуқшунослар эса, "гиёҳвандлик" шакли умуман лугат бойлигимида йўқлигини таъкидлаб, бу атаманинг қўлланилиши наркотик моддалар маъносини бермайди деб уқтирадилар. Нима бўлганда ҳам, бизнинг



назаримизда Жиноят кодекси ва 1999 йил 19 августдаги "Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида"ги [10] қонуни ўзаро мувофиқлаштириб қўйиш лозим. Бу эса омманинг фикри ва қонун чиқарувчи орган вакилларининг мушоҳадаларига боғлик. Миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига Мослаштириш борасида ички қонунларимизни ўзаро мувофиқлаштириб, тартиблаб куйишимиз даркор. Бунда фикримизча: 1. Ички қонунларимизни қабул қилаётганда рус ва ?збек тилларидаги таҳрирларига янада жиддийроқ эътибор беришимиз; 2. Янги қонун ишлаб чиқлаётганда унинг олдинги қабул қилинган қонунлар ва кодекслар билан ўзаро мувофиқлигини назорат этишимиз; 3. Глобализация талабларига биноан Республика ташкилот ва муассасаларининг гиёхвандликка қарши фаолиятини ягона мувофиқлаш тизимини яратишимиз, шу билан биргаликда Марказий Осиё минтақавий мувофиқлаштириш марказини очиш масалалари хусусида ўйлаб кўрмогимиз; 4. Гиёхвандлик моддаларини тизимлашда ва ҳамкорлик фаолиятини олиб борища компютерлаштириш масалаларига эътибор беришимиз; 5. Гиёхвандлик муаммоси билан фақатгина давлат ташкилотлари ва вазирликлари эмас, балки жойлардаги ўз ўзини бошқариш органлари фаол жалб этишимиз керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Европейский центр мониторинга наркотиков и наркозависимости. Доклад о рынках наркотиков в ЕС, 2016
2. https://www.unodc.org/unodc/ru/frontpage/2019/June/world-drug-report-2019_-35-million-people-worldwide-suffer-from-drug-use-disorders-while-only-1-in-7-people-receive-treatment.html
3. <http://www.un.uz/uzb/news/display/141>
4. <https://www.lex.uz/acts/111453>
5. <https://lex.uz/docs/2673450>
6. <https://lex.uz/docs/4066682>
7. <https://lex.uz/docs/4066682>
8. <https://lex.uz/acts/2663675>
9. <https://lex.uz/docs/86044>
10. <https://www.lex.uz/acts/111453>



ХУҚУҚ ШАКЛИ (МАНБАИ) ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Авлияқулов Суннатилла Холмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси, лейтенант

Телефон: +998(90)3378889

Аннотация: Ҳуқуқнинг манбаи деганда, умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади. Ҳуқуқ шакли - давлат билан ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Калит сўзлар: Ҳуқуқ шакли, одат, ҳуқуқий одат, юридик прецедент, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, норматив шартнома.

Ҳуқуқнинг манбаи деганда, умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади. Ҳуқуқшунослиқда "ҳуқуқ шакли" ва "ҳуқуқ манбаи" каби ўхшаш тушунчалар мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро нисбати хусусида баҳс юритар эканмиз, авваламбор, уларнинг этимологиясига эътибор қаратиш ҳамда ўзаро алоқадорлиги ва фарқини аниқлаб олиш лозим. Юридик адабиётларда баъзан ҳуқуқ шакли ва манбаи синоним тушунчалар сифатида талқин этилса, бошқа ҳолларда мазкур тушунчаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши баён этилади.

Ҳуқуқ шакли - давлат билан ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Унда ҳуқуқнинг ташқи ифодаланиши тушунилади. Ҳуқуқ манбаи дейилганда, ҳуқуқ нормасининг пайдо бўлиши ва амал қилишига имкон берувчи замин тушунилади. Таниқли рус ҳуқуқшуноси Г.Ф. Шершенович ҳуқуқ шакли - маълум маънода ҳуқуқни ўзида акс эттирувчи, унинг олдинги вақтда чиқарилган манбаи, яъни асоси деб таърифлаган. Ҳуқуқ шакли, давлат иродасининг ҳамма учун мажбурийлик усулига қараб белгиланади. Шунга қараб, ҳуқуқнинг тўртта тарихий шакли мавжуд: ҳуқуқий одат, юридик прецедент, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва норматив шартнома.

Одат - доимий тақрорланиши натижасида кишилар онгида шаклланган хулқатвор қоидаси. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи манбалар тизимида одат ва ҳуқуқий одатни фарқлаш лозим. Кундалик турмушдаги барча одатий қоидалар ҳам ҳуқуқий одат сифатида шаклланавермайди. Ҳуқуқий одат - узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир.

Мамлақатимиз мисолида оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг мустақилликкача бўлган даврида "Наврўз", "Қурбон ҳайити", "Рўза ҳайити" каби диний байрамлар одат тарзида, айрим ҳолларда яширин равишда ўтказилар эди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, йўқотилган миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш мақсадида Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан "Наврўз", "Қурбон ҳайити" ва "Рўза ҳайити" каби миллий қадриятларимизни расмий равишда байрам сифатида эътироф этиб, шу кунларни дам олиш қунлари, деб эълон қилди ва меҳнат қонунчилигида дам олиш қунлари сифатида белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқий одат ҳозирги вақтда, асосан ер, мерос, никоҳ ва оилавий муносабатларни тартибга солишида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим давлатларида қисман қўлланилмоқда.

Юридик прецедент деб, маъмурий ёки суд органининг муайян иш бўйича чиқарилган ёзма ёки оғзаки қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқишида асос сифатида қўлланишига айтилади. Юридик прецедент турлари



шартли равища маъмурий прецедент ва суд прецедентига бўлинади.

Маъмурий прецедент - маъмуриятнинг жамиятни бошқарув соҳасидаги айрим ишлар юзасидан қабул қилган қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишга асос сифатида қўллаши учун хизмат қилиши тушунилади.

Суд прецеденти - суд органининг бирор-бир иш юзасидан қабул қилган қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишга нисбатан намуна тарзида қўллашига айтилади.

Юқорида таъкидланганидек, суд амалиёти, яъни суд прецеденти хуқуқ шакли хисобланадиган мамлакат Англиядир, шу боис юридик прецедент бир вақтда инглиз одат хуқуқи деб ҳам номланади. Англияда тўпламда ёзилган суд прецедентига асосланиш худди қонун моддасига асослангандек юридик аҳамиятга эга. Бунга ўхшаш ҳолатларни Европа қитъасида учратмаймиз. Масалан, Франция хуқуқшунослигида, француз юристлари суд амалиётини хуқуқ нормаси сифатида ҳеч қачон тан олмаган. Уларнинг фикрича, суднинг обрўси қанчалик баланд, унинг қарори қанчалик тўлиқ бўлмасин, у ҳеч қачон ҳамма фуқаролар учун мажбурий бўлган қоидаларни яратса олмайди.

Шуниси эътиборга моликки, роман-герман хуқуқ назариётчилари хуқуқнинг прецедент шаклини ҳеч қачон тан олмаганлар, чунки улар суд ва маъмурий органлар хуқуқни ижод қилишлари эмас, балки уни қўллаш фаолияти билан шуғулланишлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Англо-саксон хуқуқий тизимиға кирувчи давлатларда судьялар томонидан шакллантирилган ва суд прецедентларида ифодаланган нормалар хуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласиди.

Норматив-хуқуқий ҳужжат деганда, давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи хуқуқ ижодкорлик ҳужжати тушунилади. Ҳуқуқнинг норматив ҳужжат шакли демократик хуқуқий жамият шароитида мамлакат хўжалик, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига давлат йўли билан раҳбарлик қилишнинг энг мақбул шаклидир.

Норматив шартнома деб икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида тузиладиган, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиласидиган, оғзаки ёки ёзма шаклда ифодаланган ва тузилган битимга айтилади.

Норматив шартномалар халқаро хуқуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномалар қаторига кирувчи халқаро шартномалар субъектларига кўра-икки томонлама ва кўп томонлама, хусусиятига кўра-норма ўрнатувчи ва таъсис этувчи шартномаларга бўлинади.

Дунё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч бир давлатнинг қонун ёки қонун ости ҳужжати билан тартибга солинмайди. Халқаро муносабатларда шартнома хуқуқ манбаи сифатида майдонга чиқади. Халқаро шартнома - давлатлараро ёки бошқа шахслар ўртасидаги ўзаро келишув бўлиб, халқаро хуқуқ асосида тартибга солинади. Халқаро шартномалар тузилган вақтда ёки тан олинганида (ратификация қилинганида) унинг матнида ифодаланган мажбуриятларни тарафлар бажариши шарт эканлиги белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва маҳсус масалалар бўйича бир қанча шартномалар тузган ва бу борада 1995 йилда "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро шартномаларнинг қоидалари Ўзбекистон қонунларига нисбатан устунликка эга. Халқаро шартнома - халқаро хуқуқнинг асосий манбаларидан бири сифатида давлатлар ва халқлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий ҳужжатдир. Халқаро шартномалар хуқуқи халқаро хуқуқнинг соҳаси



сифатида майдонга чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давлат ва хуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Т. Тультеев ва бошқ; проф. Х.Т. Одилқориев таҳрири остида. - Т.: "Sharq", 2009.
2. Халқаро хуқуқ: маъruzalар курси. Профессор А.Х.Саидов - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
3. akadmvd.uz



ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ДАВОМИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕРГОВ ХАРАКАТЛАРИ БЎЛМАГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

Эгамбердиев Хасан Хамза ўғли
Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси
Академияси магистранти
Телефон: +998(94) 4223355
khasan_2017 @inbox.ru

Аннотация: мақолада жиноят процессида ишни судга қадар юритишнинг шакли бўлган терговга қадар текширувга оид нормалар таҳлил қилинган ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиши юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тергов қадар текширув, чақирав қофози, гувоҳ, муддатни узайтириш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, жиноят ишини қўзғатиши, прокурор назорати.

Жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказилиши билан бир қаторда бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам ўтказиш мумкин. Ушбу процессуал ҳаракатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида келтириб ўтилган ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар, терговга қадар текширув фаолияти давомида текширилаётган хабар бўйича шахсларга чақирав қофози юбориш, терговга қадар текширув муддатини узайтириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар.

Ҳужжатлар талаб қилиш - корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида юритиладиган ёки муайян шахсда бўлган молия-хўжалиқ, шахсга оид, архив ҳужжатлари, йигма жиллар, баённомалар, тафтиш ёки хизмат текшируви дололатномалари, касаллик варақалари, хulosалар, маълумотнома, мутахассис маълумотномаси, қайд журналлари, қайдномалар, чипта, рухсатнома, тилхат, қўлёзма хатлар, расмий ҳужжатлар, қоралама ёзувларни сўраш тушунилади. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш расмий сўров хати орқали амалга оширилиши шарт [1, 8 б].

Амалдаги Жиноят-процессуал Кодекс нормаларига назар ташлайдиган бўлсак, 329-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган терговга қадар текширув давомида қўшимча ҳужжатлар, талаб қилиб олишнинг процессуал тартиби ва терговга қадар текширув органининг бундай ҳужжатни талаб қилиб олиш ваколати кўрсатилмаган. Лекин, жиноят процессининг суд ва судга қадар иш юритиш босқичларида бошқа жиноят-процесси иштирокчиларининг бундай ваколатлари ЖПКнинг тегишли нормаларида мустаҳкамланган, жумладан: Қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш - ЖПКнинг 201-моддасига асосан, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига кўра ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида маҳсус тузилган ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт [2, 56 б.].

Шунингдек, ЖПКнинг терговчининг ваколатларига бағищланган 36-моддасида терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши



мажбурийлиги мустаҳкамланган бўлса, ЖПКни суриштирувчининг ваколатларига бағишланган 381-моддасида суриштирувчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги мустаҳкамланган [3].

Тушунтириш хатлари муайян фуқаролар ва мансабдор шахслардан олинади. Ўз моҳиятига кўра, ушбу ҳаракат жиноят иши қўзгатилганидан сўнгра ўтказиладиган сўроқдан фарқ қиласди. Агар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ишнинг барча ҳолатларини, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга йўналтирилган бўлса, тушунтириш хатлари жиноят ишини қўзгатиш учун асосларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаштиришга йўналтирилади. Тушунтириш хатининг мазмуни терговга қадар текширув босқичида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун тушунтириш хатлари фақат уларсиз жиноят ишини қўзгатиш ёки ишни қўзгатишни рад этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда олиниши керак.

Терговга қадар текширув фаолияти юзасидан илмий изланиш олиб борган Д.М. Миразов тушунтириш хати олиш билан боғлиқ ўз фикрини баён этар экан тушунтириш хати олинаётган шахс ЖКнинг

238-240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши лозим ҳамда шахсга ҳақиқий кўрсатмалар бериш бурчи мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтиш халақит қилмаслигини таъкидлайди [4, 286.]. Бизнинг фикримизча терговга қадар текширув давомида гувоҳни фақатгина ЖКнинг 240-моддаси билан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантириш мумкин яъни, терговга қадар текширув босқичида гувоҳ кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши билан боғлиқ ҳолатдагина жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин, чунки ЖПКнинг гувоҳнинг хуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган 66-моддасининг

4-қисмида гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек, била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилган [3]. ЖКнинг ёлғон гувоҳлик бериш ва суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилишга бағишланган 238-239-моддаларидағи мавжуд жавогарлик доираси эса терговга қадар текширув босқичидаги жавобгарликни қамраб олмайди, ушбу моддалар учун жавобгарлик суруштирув ва дастлабки тергов давомида белгилаган. Шунингдек, ЖКнинг 238-моддаси (Ёлғон гувоҳлик бериш) судга қадар иш юритишнинг суриштирув ва дастлабги тергов доирасидагина амал қилишини ҳисобга олсак, терговга қадар текширув давомида гувоҳнинг ёлғон кўрсатма берганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган.

2016 йилнинг 25 апрель куни ЎРҚ-405-сон қонун билан ЖПКнинг

329-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида уни амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан "тезкор-қидирав тадбирлари ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш" ваколати киритилди.

Кейинги масала шундан иборатки, жиноят-процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув даврида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доираси аниқ белгиланган. Бироқ, терговга қадар текширув давомида Жиноят-процессуал Кодексида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида"ги Қонунида ҳам айнан қайси тезкор-қидирав тадбирлари, кимларга нисбатан ўтказиш масалалари тартибга солинмаган.

Шунингдек, "Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида"ги қонун



15-моддасида Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослари кўрсатилиб ўтилган бўлиб унда суриштириув ва тергов органларининг ёзма топшириги, прокурорнинг эса кўрсатмаси ва топшириги асос бўлиши кўрсатиб ўтилган бироқ терговга қадар текширув органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги топширигини бажариши тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши

белгиланмаган [5].

Терговга қадар текширув фаолияти давомида текширилаётган жиноятга оид ариза ва хабарлар юзасидан қўшимча текшириш учун ушбу жиноятга оид бирон бир маълумотга эга бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш талаб қилинади. Ушбу шахсларни терговга қадар текширув фаолиятига жалб қилиш учун алоҳида чақириув хатлари юборилади ёки техник алоқа воситалари орқали ушбу шахслар чақириллади. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда учрайдиган камчилик шундан иборатки, терговга қадар текширув давомида маълумотга эга шахсни терговга қадар текширув жараёнига жалб этиш учун чақириш масаласи амалдаги Жиноят-процессуал Кодексимизда ёритилмаган. Амалиётда терговга қадар текширув жараёнида маълумотга эга бўлган шахсларни чақириш чақириув хатларини юбориш орқали амалга ошириллади. Чақирилувчи шахсларга чақириув қофози юбориш ЖПКнинг 97-моддасига биноан амалга ошириллади. Ваҳоланки, ушбу норма сўроқ қилиш учун чақириш тартибини белгиловчи норма бўлиб, терговга қадар текширувда фақатгина тушунтириш хати олиниши мумкин, сўроқ қилиш эса тақиқланади. Қолаверса, ушбу моддага биноан жиноят процессининг судга қадар иш юритув босқичида суриштирувчига, терговчига ва прокурорга чақириув қофози билан чақирилиши белгиланган.

Ушбу моддага биноан чақириув хатини юбориш тартиби қўйдагича: "Чақириув қофози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топшириллади. Чақириув телефонограмма, телеграмма, радиограмма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақириув қофозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим. Чақириув қофози чақирилувчига топширилиб, тилхат олиниади. Чақириув қофози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақириув қофози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олиниади.

Қамоқда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиритириллади" - деб белгилаб қўйилган [3].

Ушбу нормага норасмий шарҳ берадиган бўлсак, жиноят процессида иштирок этиш учун шахсларга чақириув қофози юбориллади. Ушбу процессуал ҳаракатдан кўзланган асосий мақсад чақирилган шахсларга чақириувга биноан ҳозир бўлиш ва сўроқ, тушунтиришлар олишда иштирок этиши мажбуриятини юклашдан иборат. Чақириув қофозига аҳамият берадиган бўлсак, унда чақирилувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг; қачон ва қайси вақтда етиб келиши лозимлиги; қайси органга келиши лозимлиги; ким чақираётганлиги; нима мақсадда чақирилаётганлиги, чақириувга биноан келмаслик оқибатлари; чақириув қофозини қайси манзилга юбориш лозимлиги, адвокатнинг юридик хизматидан фойдаланиш ҳукуқи мавжудлиги кўрсатиб ўтилиши лозим.



Шу ўринда бир ўринли савол туғилади терговга қадар текширув босқичида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳуқуқий мақоми терговга қадар текширув босқичида мустаҳкамланмаган бўлса, унинг ҳимоя ҳуқуқи қанақа қилиб таъминланади? Амалиётда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар жиноий тақиб остига олинган шахсни гумонланувчи сифатида ишга жалб этиб процессуал хатога йўл қўймоқда чунки, ЖПКнинг 47-моддасига биноан шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан амалга оширилади. Шунингдек, ЖПКнинг 24-моддаси талабларига кўра гумон қилинувчи ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти суриштирувчи, терговси ва прокурор зиммасига юклатилган бўлиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларда бундай ваколатлар мавжуд эмас бу эса терговга қадар текширув давомида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳимояланишга бўлган ҳукуқини таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Чақирилувчи шахс белгиланган тартибда чақирав қоғозини олгандан сўнг чақиравга биноан ҳозир бўлиши мажбур ҳисобланади. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда уларга қонуний чора кўрилиши назарда тутилган. Қонуний чора сифатида ЖПКнинг тегишли моддаларига назар ташлайдиган бўлсак, ЖПКнинг 261-моддасида судга қадар иш юритув босқичида жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шартлилиги узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтирилиши кўрсатиб ўтилган [3]. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган ЖПКнинг 66-моддасида ҳам гувоҳни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиши агар узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261-264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин. Иккала нормада ҳам терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг мажбурий келтириш билан боғлиқ ваколатлари келтирилмаган, шу сабабли ҳам амалиётда терговга қадар текширув жараёнида жиноий тақиб остига олинган шахс билан кечиктириб бўлмас терговга ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишида уларни ушбу тергов ҳаракатларига жалб этиш билан боғлиқ муаммолар вужудга келмоқда.

Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг терговга қадар текширув босқичида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳуқуқий мақомини белгилаш билан бир қаторда уларга процессуал тартибда чақирав хатлари юбориш тартибини ҳам белгилаш зарур.

Чақирав қоғозининг юридик аҳамияти шундаки, у чақирилаётган шахсга топширилиши билан унда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун етиб бориш мажбурияти пайдо бўлади. Яъни, бошқача айтганда, чақирав қоғози топширилмас экан, шахсда тегишли мажбурият юзага келмайди. Демак, чақирав қоғози юридик факт - процессуал ҳаракатларда қатнашиш мажбурияти вужудга келтирувчи асос бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари чақирав қоғози шахсга муайян бир мажбуриятни юклаши билан бир қаторда, чақирилувчи шахс ушбу мажбуриятни бузган тақдирда унга нисбатан бошқа мажбурлов чораси қўлланишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Бизга маълумки, жиноятг процессининг ҳар бир босқичи алоҳида бир муддат билан белгилаб қўйилган ва маълум бир жиноят иши бўйича ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар ана шу муддат давомида амалга оширилиши ва



атрофлича ўрганилиб яқуний қарор қабул қилиниши лозим. Лекин истисно тариқасида қўшимча муддатлар ҳам белгиланган бўлиб, ушбу муддат жиноят иши ҳажмининг катта эканлиги, ҳамда кенг қамровли ва алоҳида ҳолатларни ўрганиб чиқишга белгиланган вақтнинг етишмаслиги процессуал муддатларни узайтиришни тақазо этади. Ушбу процессуал ҳаракат терговга қадар текширув фаолиятида ҳам мавжуд бўлиб, ЖПКнинг 329-моддаси

3-қисмида алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, унда: "Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қўйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиласидаги экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақиравга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

4) етказилган моддий заарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса [3].

Терговга қадар текширувни амалга ошириш жараёнида белгиланган ўн кунлик процессуал муддатни узайтириш сабабини жиноят иши ҳажмининг катта эканлиги, ҳамда кенг қамровли ва алоҳида ҳолатларни ўрганиб чиқишга белгиланган вақтнинг етишмаслиги терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчининг бундай ҳолатларни асослантирилган қарорига кўра яъни нима сабабдан терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш кералилигини асослаб берган тақдирда тегишли ҳудуд прокурори томонидан терговга қадар текширув жараёни бир ойгача узайтирилиши мумкин. Терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар ўз ифодасини топиши зарур:

- 1) Қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, шарифи;
- 2) Иш ҳолатининг тавсифи ва бошқа хусусиятлари;
- 3) Терговга қадар текширув муддатини узайтириш зарурати;
- 4) Тегишли ҳудуд прокурорининг ушбу қарорга розилигини ёки қаршилигини тасдиқловчи устихати.

Терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш тўғрисидаги қарорда ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги қарорнинг процессуал талабларга мос тузилганлигини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. - 8 б.

2. Сахаддинов С. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар" (Махсус қисм) (Илмий-амалий шарҳ) - Тошкент.: "Янги аср авлоди" 2014. 56-бет

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460>. Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил.



4. Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - 28 б.

5. Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-2107763>. (Мурожаат этилган сана 17.04.2020 йил)

**TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.05.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000